

1- МАВЗУ. МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЯТ, УНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ҲАҚИДАГИ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Режа:

- 1. Маънавият тушунчаси, предмети, мақсад ва вазифалари.**
- 2. «Маънавият»нинг категориялари ва ривожланиш қонуниятлари**
- 3. Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари**

1. Маънавият тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти. “Маънавият асослари” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

«Маънавият»нинг моҳияти, предмети, тушунчалари ва ривожланиш қонуниятларига бағишланиб республикаимиз зиёлилари ўртасида қизғин мунозаралар олиб борилмоқда. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий – ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирги кунда ҳам мунозаралар давом этмоқда ва матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда.

Уларда маънавият, унинг маъно-мазмун, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Лекин аксарият ҳолларда маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш қийин. Унга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама қарши, ноаниқ саёз жавоб ва фикрлар билдиришмоқда. Тўғри, “Маънавият” тушунчасига илмий, фалсафий, адабий, ахлоқий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунини мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси муаллиф ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериб келаётганликларини кўраимиз. Унга ҳам бир табиий ҳол сифатида қарамоқ лозим. Бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларда, таърифларда ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳида тарзи ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, кейинги йилларда мазкур мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий мақолалар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, луғатларда “Маънавият ” тушунчаси ва унинг тамойилларига ўзига хос изох ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб “Маънавият” тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигидир.¹

Аслида маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш – онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг ақлий ва руҳий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлганлиги учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

¹ Қаранг: И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 18-20 бетлар

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний дунёсига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, «маънавият» тушунчасига бир йўла мукамал таъриф бериш мураккаб ҳисобланади.

Унга таъриф беришда Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Юксак маънавият- енгилмас куч» асарида инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ўрин тутишлигини уқдириб: «Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹ деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари камраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар илмий адабиётларда “Маънавият” мустақил илмий тушунча сифатида қўлланилмаган эди. Шу боис бу тушунчани чуқурроқ ўрганишга бўлган қизиқиш айниқса Президентимизнинг унга бўлган эътиборидан кейин ошиб кетди.

Бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият – инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият- инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларнинг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А.Эркаевнинг фикрича, «Маънавият – инсоннинг ижтимоий – маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир».² М.Имомназаров дастлаб “Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»,³ -деб ёзган бўлса, кейинчалик «Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди»,⁴ -деб ёзади.

Э. Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар ва фазилатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият –инсон ахлоқи ва одоб, билимлари, истедоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир – бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир» -деб таърифлайди.

Т. Маҳмудов «...Маънавият – инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир », ⁵ -деган таърифни беради.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна кўплаб олимларимиз маънавият тушунчасига ўз

¹Қаранг: Каримов И.Юксак маънавият- енгилмас куч.Тошкент.”Маънавият”,2008, 19-бет.

² Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997, 27-бет

³ Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996, 6-бет.

⁴ Ўша муаллиф. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарқ, 1999, 14-бет

⁵ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Тошкент: Шарқ, 2001, 9-бет

муносабатларини билдирадилар ва ана шу билдирилган турли фикрлар асосида умумий мукаммал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Бугунга қадар маънавият тушунчасига мукаммал таъриф шаклланмаганлигига сабаб унинг кенг қамровли, мураккаб ва айна вақтда «содда» тушунча эканлигида. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришидир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгиз сингаридир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз ва ўзини ранг-баранг тарзда намоён этади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан тобланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам маънавият тушунчасига мукаммал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкулроқ. Аммо Республикамиз олимлари томонидан «Маънавият» тушунчасига берилаётган таърифларни ва унинг инсон, миллат, халқ, жамият ҳаётида тутган ўрни тўғрисида илгари сурилаётган ғояларини умумлаштирган ҳолатда маълум бир умумлашган хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Шундай қилиб маънавият –**инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қоблиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир**, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу таърифни энг охириги, қиёмига етган, мукаммал деб, айтишимиз мумкин эмас.

И.А. Каримов айтганидек, маънавият – тақдирининг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.¹

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб шаклланади. Унинг қарор топишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Ҳаётга қадам ташлаётган боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қадр топади.

Ҳар бир оила фарзандининг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк қуртаклари намоён бўла бошлайди. Мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсаларни тушуниб, англай бошлайди. Ота-онасига, бобо ва момоларига меҳр ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради. Агар ота-она, катта ўғил-қизлар ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида кичикларга ўрнак бўлиш ўрнига қўпол муомила қиладиган бўлса, бу ҳолат бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолойиқ, хунук одат сифатида намоён бўлади. Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етиши мумкин. Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний

¹ Қаранг : Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74- бет

муносабатлар асосига куриш мақсадга мувофиқдир.

Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин фарзандларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш нафақат оила учун, балки жамият учун ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган. Фарзанд тарбиясига эътибор бермаслик нафақат ота-оналар, бутун бир оила, бутун жамият учун жуда қимматга тушишини кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларимиз фарзандларимизнинг бахту-саодати уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту-саодат фақат бойлик, молу-мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, оиланинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.¹

Барча фанларда бўлганидек, маънавиятнинг ҳам мустақил предмети мавжуддир. Унинг предмети инсон ва жамият маънавий ҳаёти, мақсади эса комил инсон – иймон этиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантиришдир.

Ана шу кенг қамровли вазифалардан кўриниб турибдики, инсон камолоти ва жамиятнинг юксак даражага кўтарилиши маънавиятни ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф – муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота – онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, миллий ва инсоний ғурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли ва юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Худди шунинг учун ҳам Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ, Биринчи сессиясида сўзлаган нуткида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир»,² - деб кўрсатган эди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далolat берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавия юксалиш учун янги имкониятлар туғилади.”³ Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи саналади.

¹ Қаранг. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 52-56 бетлар

²Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 46-бет

³. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 28-29 бетлар

Маънавиятсиз ҳеч қачон ҷамиятда одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмайди.

Ҷамиятнинг иқтисодий, ижтимоӣ – сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин. Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, қўпарувчилик, ўз ватани ва халқига нисбатан сотқинлик тухмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.

2. «Маънавият»нинг категориялари ва ривожланиш қонуниятлари

«Маънавият асослари»нинг мустақил фан сифатида шаклланиши давом этаётган шароитда, унинг категориялари, ривожланиши қонуниятлари, бошқа ижтимоӣ-гуманитар фанлардан фарқли жиҳатларини ва айни пайтда улар билан алоқаларини аниқлаш масалаларини ҳам такомиллаштириб бориш зарур бўлади. Чунки, унинг категориялари ва ривожланиш қонуниятлари аниқланмас ва маълум бир тартибга солинмас экан у мустақил фан мақомига эга бўла олмайди.

Албатта, маънавият барча ижтимоӣ гуманитар фанлар тизимида энг «ёш»бўлганлиги сабабли унинг тушунчаларини бир тизимга келтириш мураккаб ҳисобланади. Чунки, унинг айрим категориялари (тушунчалари) фалсафа, эстетика, этика, диншунослик ва бошқа фанларнинг тушунчалари билан ҳам уйғунлашиб кетган. Бу табиӣ ҳол. Зеро маънавиятни уларнинг уйғунлигисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ана шу мураккабликка қарамасдан «маънавият» нинг категорияларини аниқлашга, уни юқоридаги фанлардан мустақиллигини таъминлашга эҳтиёж ниҳоятда ката. Шу эҳтиёжни ҳисобга олиб «маънавият» нинг тушунчалари ҳақида дастлабки қарашларни илғари суриш мумкин бўлади.

Аслида маънавият ҳам худди бошқа фанлар каби ўзининг мустақил категорияларига эгадир. Уларга шартли равишда инсон, миллат ва ҷамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги тушунчаларни киритиш мумкин.

Шахснинг ўз ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозаллик, саҳийлик, самимийлик, ҳайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалолик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар. Шахснинг миллат вакили сифати мақомида: миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсулиятни, миллий манфаат устиворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятдан хабардор бўлиш ва уни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоӣ, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар бўлса; шахснинг ҷамият вакили сифатидаги мақомида: мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини оширишдаги маъсуллик, жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаш, жаҳон халқлари олдига турган умумбашарий муаммоларига бефарқ бўлмаслик, миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсоннинг табиатининг бир бўлаги эканлиги, уни асрашда маъсуллик ва бошқа бир қатор тушунчаларни киритиши мумкин.

Кўрииб турибдики, юқоридаги келтирилган маънавиятнинг барча тушунчалари шахснинг ички руҳияти билан боғлиқ бўлиб, улар шахснинг маънавий даражаси, миллат ва ҷамият вакили сифатидаги мақомларини қамраб олган.

Реал ҳаётда маънавият ҳар бир инсоннинг миллат, ҷамият, давлат ҳаёти, инсонлараро бўладиган ва ижтимоӣ ҳаётга нисбатан бўладиган муносабатларида намоён бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам мавжуд. Бу ерда гап уларнинг ҳаммаси устида тўхташ ҳақида эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги, руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, хатти – ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушиниб етиш ҳақида бормокда. Маънавиятни чуқур таҳлил қилиш ва тушунишда ана шу қайд этилган тушунчаларни ҳар бирининг маъно-моҳиятини кенг очиб берган ҳолда ва айти пайтда уларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни асосан икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг ўз бир бутунлигини сақлашга ва айти пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт поғонасига эришишига салбий таъсир қилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ички салоҳият таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақазо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда шахс маънавий камолоти ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган «ўзаро таъсир» ва «ўзаро бойитиш» орқали бўладиган жараёнлар киради. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида шаклланади. Ҳеч қачон шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа муносабатларсиз тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда «соф» миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир «беради» ва ниманидир «қабул» қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишида «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Бу қонуниятларнинг амал қилиш жараёни объектив ва субъектив шарт – шароитлар билан боғлиқ бўлади. Шахс камолоти ва маънавиятнинг эркин ривожланиши, камол топиши учун шароит мавжуд бўлса қонуниятларнинг амал қилиши умум маънавий тараққиётга хизмат қилишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Аксинча, шахсни итоатда бўлишга қаратилган ва маънавиятни зўравонлик сиёсатини қўллаб – қувватлаш воситасига айлантириш ҳаракати устивор бўлган шариятда «таъсир» ва «акс таъсир» умум маънавий тушқунликка олиб келиши мумкин. Бу жараёнда давлатнинг шахс ва маънавиятга бўлган муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики «Маънавият асослари» нинг ҳам бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар каби, ўзига хос категориялари (тушунчалари) ва ривожланиши қонуниятлари мавжуд. Уларни ўрганишни такомиллаштириб бориш йўли билан маънавиятнинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги имкониятлардан яна ҳам кенгрок фойдаланиш мумкин бўлади.

Маънавиятнинг жамият тараққиётида ўрнининг ошиб бориши

Юқорида кўриб ўтганимиздек, «Маънавият асослари» мустақил фан сифатида

шаклланиб ва такомиллашиб бормокда. Унинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги роли ошиб бормокда. Унинг кўп қиррали имкониятларидан самарали фойдаланиш давлат олиб борётган сиёсат билан боғлиқ. Тўғри, шахс ва миллат шаклланиши ёки жамият тараққиётининг барча босқичларида маънавиятнинг роли ва аҳамиятиги эътибор бериб келинган.

Бугунга келиб маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига нисбатан муносабат тобора кучайиб бормокда. Собиқ иттифокдош, бугунги мустақил давлатларнинг кўпчилигида бирида олдинроқ, иккинчисида кейинроқ маънавият омилининг роли ва аҳамиятини оширишга имконият даражасида эътибор берилмокда.

Бу борада Ўзбекистоннинг тарихан қисқа вақт ичида Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси асосида маълум тажрибаларини тўплашга эришганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Маънавиятни кўтариш давлат сиёсатида устивор соҳага кўтарилди ва у ўзининг ижобий натижаларини кўрсата бошлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий мажлисининг биринчи сессиясида қилинган маърузасида ҳам маънавият масаласи XXI аср бўсағасида иккинчи устивор йўналиш деб қаралди. Ҳозирда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Бошқача айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айти замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялашимиз керак эканлиги уқдирилди.

Аслини олганда, ҳозирги кунда маънавиятнинг устивор соҳага кўтарилишининг бир қатор сабаблари бор. Улар қуйдагилардан иборат:

Биринчидан, жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг тақдири, унда яшайдиган одамларнинг тафаккури, онги қай даражада ўсиши билан боғлиқдир. Уларнинг онги ва тафаккурини амалга оширмоқчи бўлган вазифалар моҳияти ва манфаати йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шу маънода ҳам маънавият жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади ва ҳар қандай давлат ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришга устиворлик билан қарайди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Совет мафкурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мафкурага қарши кураш бошланди. Бу ўз навбатида одамларнинг маънавиятига, шаклланган қадриятларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Айниқса, матбуотларда баъзи олимлар, биринчи навбатда иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур, маънавият эса ана шу иқтисодий тафаккур заминида юзага келади деган фикрларни илгари сура бошладилар. Оқибатда одамлар руҳиятида яна бир томонлама кетиш турмуш тарзида етакчи ўринни эгаллай бошлади. Бу ўз навбатида, миллий манфаатлар ёки ватанпарварлик ҳақида қанчалик гапирмайлик, у ўзининг биз кутаётган натижаларини бермасдан, балки одамларда шахсий манфаатларга устиворлик беришга хизмат қила бошлади. Бундай салбий жараённинг юзага келиши янги жамият қуриш учун хатарли.

Учинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган иқтисодий муаммолар олдида одамларнинг аксарият қисми довдираб қолди, кўпчилик ҳолларда ёшларнинг таълим олиш, касб ўрганиш, санъат ва бадиий асарларга кизиқишдан кўра бозорга чиқиш, пул топишга интилиш хавфини юзага келтирди. Тўғри, пул топиш, ўз ҳаётининг иқтисодий имкониятини мустаҳкамлаш ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёж ва зарурат ҳисобланади. Аммо бу эҳтиёж шахс ва миллат камолоти манфаатларига зид бўлмаслиги, уларнинг маънавий қашшоқлашиб кетишига хизмат қилмаслиги лозим. Ана шу юзага келаётган хавфли жараённинг олдини олиш зарур.

Тўртинчидан, собиқ иттифок шароитида фан, техника, маориф, олий таълим, бир

қатор саноат корхоналарини вужудга келтириш ва ривожлантиришда кўпгина ютуқлар қўлга киритилган эди. Аммо, улар марказ ва қолаверса «катта оға» манфаатларига хизмат қилган. Ана шу потенциал собиқ Иттифокдош Республикаларга турли баҳоналар билан рус миллати вакиллари юбориш, уларни маҳаллий халқни бошқариш, уларга рус турмуш тарзи, тили, урф-одатларини, характерини сингдириш ҳисобига мамлакатда рус миллати маънавияти устиворлигига таянувчи ягона тил, маънавият ва турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиб келган эди. Бундай айёрона ва зўравонлик сиёсати оқибатида миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилишига катта зарб берилди. Бу собиқ иттифокда умуммиллий инқирозни юзага келтирди.

Бу инқироз миллатнинг «йўқ» бўлиб кетиши хавфини вужудга келтиради. Бундай салбий жараённинг олди олинмасдан, миллатнинг ривожланишига эришиб бўлмайди. Уни бартараф этиш фақат миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бешинчидан, маънавиятнинг давлат сиёсатида устивор бўлишига яна бир сабаб, миллат сон жиҳатидан каттами ёки кичикми бундан қаттиқ назар, унинг реал субъект, маълум моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси, истеъмолчиси, бошқаларда учрамайдиган, ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ўзининг мустақил ўрнига эга бўлиши каби омилларни, яъни чинакам миллат сифатидаги мақомини тиклаш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилган эди. Уни ҳал этиш миллат ва давлатнинг келажаги учун амалий аҳамиятга эгадир.

Олтинчидан, ўзбеклар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқдир. Унинг маънавият, фан, маданият соҳасидаги эришган ютуқлари жаҳон халқларига асрлар оша хизмат қилиб келмоқда. Аммо шўролар тузumi даврида аجدодлари томонидан яратилган ана шу ютуқларни ўзбек халқининг онги ва қалбидан «чиқариш» борасида ҳам катта ишлар амалга оширилган эди. Мустақиллик шароитида эса уни қайта тиклаш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ва адолатли ўрнини тиклаш зарур эди. Бунга эса фақат маънавиятни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Еттинчидан, маънавият миллатни ва бутун мамлакат аҳолисини маълум мақсадлар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаоллаштирувчи, ёрқин келажакка ишонтирувчи, инсон зотини улуғловчи, унинг қадрини англатувчи улкан «механизм» ҳамдир. Худди ана шу муҳим «механизм»дан мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш, миллатимизнинг қаддини кўтаришда фойдаланишга бўлган эҳтиёж давлатимиз, энг аввало Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўз вақтида англаб олинди.

Ана шу сабаблар ва эҳтиёжлар мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин маънавиятни ривожлантириш ва миллий меросни қайта тиклашни давлатимиз ҳаётида устивор сиёсат даражасига кўтарилишига олшиб келди. Шу сабабли Республика Президенти 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил қилиш тўғрисида»; 1999 йил 3 сентябрда «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қуватлаш тўғрисида» фармонларини чиқарди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» фармонда, «...маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши, деб ҳисоблансин»,¹ деб белгиланди.

1998 йилнинг 24 июлида Вазирлар маҳкамаси «Маънавий – маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Юқорида қайд этганимиздек, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш, ислохотларни амалга оширишда давлат сиёсатининг устивор йўналиши эканлиги яна бир бор қайд этилди. Бу соҳадаги муҳим вазифалар, олдимизда турган муаммолар ва уларни

¹ «Халқ сўзи», 1996йил, 10 – сентябрь.

кечиктирмай ҳал этиш зарурлигига ҳалқимиз эътибори қаратилди.

Ана шу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда маънавиятни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Маънавиятни ривожлантиришдаги давлат сиёсати Президентимизнинг “Юксак маънавият- келажак пойдевори”; “Куч – билим ва тафаккурда”;¹ “Юксак маънавият- энгилмас куч” деган концептуал аҳамиятга эга бўлган фикрларига монанд равишда амалга оширилмоқда.

Маънавиятни ривожлантириш мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида айниқса асосий вазифа даражасига кўтарилмоқда. Бу фақат мамлакатимизнинг ички ҳаёти билангина боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки унинг барқарор ривожланишга таҳдид солишга уринаётган ташқи турли оқимларнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқдир. Уларнинг айниқса ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларимизнинг онгини заҳарлаш борасида олиб бораётган ҳаракатларига қарши тураоладиган, эркин фикрлайдиган, фидойий Ватанпарварларни тарбиялаш маънавиятни юксак даражада ривожлантиришини тақозо қилмоқда.

Агар ана шу вазифалардан келиб чиқилмайдиган бўлса бугун маънавиятни ривожлантиришни қуйдаги йўналишларда:

Биринчидан, собиқ совет тоталитар тузумининг зўравонлик ва тобелик тафаккури қолдиқларидан қутилиш. Бунинг учун ҳар бир инсонинг ички руҳий салоҳиятини юзага чиқариш, фикр эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг ўз тақдири ва келажagini ўзи яратиш имкониятини ҳамда руҳиятини шакллантириш;

Иккинчидан, ҳар бир шахсда мустақиллик тафаккурини ривожлантириш, ўзбек миллатига мансублигидан фахрланиш, авлод- аجدодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни эгаллаш ва уларни мамлакат ва миллий тараққиётга кенг жалб қилишда фидойийлик кўрсатиш зарурлигини англаш руҳиятини мустаҳкамлаш;

Учинчидан, ҳар бир шахсда миллий ўзлигини англаш жараёнини ривожлантириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиши, мамлакат ва миллий тараққиётга, сиёсий, ижтимоий ҳамда миллатлараро барқарорликка, диний бағри кенгликка путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатларга қарши маънавий – сиёсий ва фуқаролик салоҳиятига эга бўлишига эришиш;

Тўртинчидан, ҳар бир шахснинг билим олишга интилишига, мамлакатимиз ва жаҳонда фан, техника, технология соҳасида эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлишига шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда нуфузининг мустаҳкамланиб боришидан ғурурланиш каби маънавий-руҳий салоҳиятига эришишдир.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқарода, айниқса ёшларимизда ана шундай салоҳиятларни шакллантиришимиз умуммаънавий юксалиш учун асосий мезон ҳисобланади.

Президентимиз такидлаганидек, «Бугунги кунда ҳалқимизга азалдан хос бўлган ҳамжихатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саҳоват каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларининг руҳияти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.»²

3. Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари

Маънавият тушунчасига Ислом Каримовнинг таърифи

² Каримов И.А. Ўзбекистонинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли., 28-бет.

Маънавият тушунчаси, унинг моҳияти ҳақида турли адабиётларда билдирилаётган фикрлар ҳақида олдинги мавзуда тўхталиб, уларнинг методологик асоси сифатида Ислом Каримов томонидан берилган таърифни кўрсатиб ўтган эдик. Уни маънавият тушунчасига берилаётган таърифлар, унинг жамият ва шахс камолатга ўрнини кўрсатиб беришда методологик асос бўлишининг иккита сабаби бор:

Биринчидан, Президентимиз мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга критгандан кейин нафақат мамлакатимизда, шунингдек бутун МДХ мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, «Маънавият» тушунчасини илмий истемолга киртди ва унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини илмий асослади ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиб келмоқда.

Иккинчидан, у мамлакатда олиб бориладиган ислохотларни маънавий соҳада олиб борадиган ислохотлар билан узвий равишда олиб бориш зарурлигини илмий асослади ва унга ўзи раҳбарлик қилиб келмоқда. Президентимиз маънавиятнинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги ролини айрим давлатлар раҳбарлари ва олимларидан олдин кўра билди. Бу энди тараққиёт йўлига қираётган мамлакат учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммасини жамлаганда айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан «Маънавият»га берилган таъриф тўла қонли илмий таъриф бўлиб, унинг барча қирраларини ўзида қамраб олган.

У «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиши ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан»¹ - деб таъкидлайди. Мазкур таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан «Маънавият» нинг барча қирраларини ўзига қамраб олган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлайдиган катта куч эканлиги белгилаб берилган.

Ислом Каримов «Маънавият»га таъриф беришда, унинг жамият тараққиётига ўтказадиган таъсирини ҳам ҳисобга олади ва уни ривожлантириш заруриятини ўз асарларида ҳар доим таъкидлаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавиятни шахс, миллат давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ҳамда шаклан ва мазмунан уйғун ҳолатда ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Маънавиятни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафаккур тараққиётимизда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисоалари, маърузаларида маънавият тушунчасининг моҳияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президентимиз миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» даёқ маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб шундай ёзган эди: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча – неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди».²

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президентимиз яна маънавиятни ривожлантириш масаласига қайтиб шундай ёзади: «Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар- ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислохотлар – қулик,

¹ Қаранг; Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга ирилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалари суҳбатлар). Тошкент. Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

муътелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда».¹

Яъни, бу ерда Президентимиз ўтказилаётган ислохотларнинг асосий томонини миллий-маънавий тикланиш ташкил қилишини таъкидламоқда. Уларнинг бу ғояларига мувофиқ қуллик, муътелик исканжасидан озод бўлган, ўзининг кимлигини англаган, миллатининг ўзлигини тараннум этган инсонгина мамлакатни тараққиётга ўз хиссасини қўшиши мумкин.

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни – қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик- маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»² - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз «Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»³ лигини таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, Президентимиз маънавиятни «тайёр» ҳолатда қарамайди. Уни шакллантириш ва ривожлантириш, миллатнинг чинакам мулкига, тараққиёт омилига айлантириш учун фидойилик кўрсатиш зарурлигини таъкидламоқда.

Президентимиз асарларини кунт билан ўрганиб борар эканмиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилганлиги, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларнинг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир».⁴

Ҳақиқатан ҳам маънавий қашшоқлик билан ҳеч қачон миллат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётга эриша олмайди. Маънавият ҳар қандай тараққиёт учун манба бўлиб ҳизмат қилади. Чунки маънавият қанча юксак бўлса, қилинадиган ишларнинг самарадорлиги ва унуми ҳам шу даражада юксак бўлади.

Маънавият орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини қувонч ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга эришади.

Шу маънода ҳам Президентимиз маънавиятни ислоҳ қилишни биринчи даражали

¹Қаранг; Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. Ўзбекистон, 1996,

1, 202-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалари суҳбатлар) Тошкент. Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.(Нутқлар, мақолалари суҳбатлар). Тошкент. Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

⁴ Ўша асар 18-бет

вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислохотларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйдагиларни таъкидлайди: «...авваламбор ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир».¹

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган давр ичида Президент Ислом Капримов асарлари ва маърузаларида «Маънавият» нинг моҳияти, унинг жамият тараққиётида ва инсон камолотида тутган ўрни ҳақидаги ғоялари яна ҳам ривожлантирилиб келинди. Президентимиз «Маънавият»га жамият барча соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларнинг манбаи сифатида қараб келади. Шунинг билан бирга маънавиятни мамлакатимиз ва ёшларимизга қарши қаратилган турли хуружлар ҳамда ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қудратли куч эканлигига эътиборни қаратади. У «Бундай бало – қазоларга» қарши курашда, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилишда нималарга таянишимиз зарур? Аввало тўғри тарбия, соғлом турмуш ғояси, фақатгина каттиқ ирода ва иймон-этиқод ҳисобидан бунга эришиш мумкин»,²деб таъкидлайди. Бундай вазифани амалга оширишнинг асосий имконияти ёшларимиз онги ва қалбига маънавиятимизнинг битмас – туганмас бойликларни етказиш ҳисобланади.

«Маънавият» тушунчасига тариф беришда, унинг жамият ва инсон камолотида ўрнини белгилаб беришда Президент ана шу концептуал ғояларни изчиллик билан ривожлантириб келмоқда.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси

Мамлакат ва миллий тараққиёти унга раҳбарлик қилувчи етакчига боғлиқ бўлади. Чунки, у мамлакатнинг қайси йўлдан бориши, қандай мақсадларни кўзлаши ва белгиланадиган вазифаларни амалга оширишнинг стратегиясини белгилаб беради ҳамда уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш маъсулиятини ҳам ўз зиммасига олишга қодир бўлади.

Шунинг билан бирга раҳбар учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан яна бири, у ўз танланган йўлининг аниқ мўлжалини, унинг келажакда мамлакатни тараққий қилдиришда хизмат қиладиган имкониятларни аниқ тасаввур эта олади. Бундан ташқари у ўзи белгилаб берган вазифаларини амалга ошириш учун мамлакат аҳолисини ўз орқасидан эргаштириш қобилиятига эга бўлишини ҳам тақазо қилади.

Мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган етакчи учун яна бир шарт шуки, у ўзи белгилаб берган вазифалар ичидан асосий ҳалқани топа билиши ва уни белгиланган мақсадларни амалга оширишига хизмат қилдира билишга салоҳияти етарли бўлиши лозим бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган етакчи уни тараққий қилдиришга хизмат қила оладиган илмий ғоялар мажмуаси ҳисобланадиган тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишнинг имкониятларини белгилаб бериши талаб этилади.

Ислом Каримов ана шу кўрсатилган барча хусусиятлар ва салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган раҳбар бўлганлиги учун ҳам мамлакатимиз тараққиётининг стратегик вазифаларини аниқ белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг йўналишлари, услублари

¹ Қаранг; Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ этиқоди ва буюук келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000й, 12-13 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистонинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли., 29-бет.

ҳамда имкониятларни юзага чиқариб келмоқда.

У томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-маънавий тикланиши концепцияси устувор ўринни эгаллади. Бу албатта бежиз эмас. Чунки маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур хис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг амалий исботини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий – ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади»- деб кўрсатади ва қуйдагиларни белгилаб беради.

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.¹

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиқ берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳл-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб – асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир».²

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, Президентимиз кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир.

¹Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

² Ўша жойда.

Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир».

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини ёшларга етказиш тарбиявий ишимизнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган».¹

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».²

Президентимиз томонидан илгари сурилган ана шу концептуал ғоялар бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа сифатида белгиланишга хизмат қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйдаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт- саодат бўлмайди...»

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий – маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий – руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзлаган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берди.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахс баркамоллигининг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Шу ўринда бир муҳим масалага аниқлик киритиш лозим бўлади. У ҳам бўлса «Миллий тараққиёт» ва «Миллий тикланиш» тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва мезони масалаларидир. Аслида улар бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар эмас. Аксинча, мероси, тарихий хотираси ва заминлари мустаҳкам миллатлар учун бу тушунчаларнинг ўзаро уйғун ҳолатигина миллий тараққиётини таъминлайди. Лекин фалсафий категория (тушунча) сифатида ва ўлчамлари (мезонлари) жиҳатдан улар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Миллий тараққиёт – эволюцион характерга эга, у қуйидан юқорига томон кўтарилишидан иборат бўлган жараёнидир. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашуви

¹ Ўша асар 78-бет.

² Ўша жойда.

ва юксалиши каби узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади.

Миллий тикланиш эса, миллат тараққиёти тарихининг маълум бир босқичида маълум объектив ва субъектив сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, миллий тикланиш у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос урф-одатлар, анъаналар, кадриятлардан маҳрум – этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзлигини англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, ҳуқуқлари поймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида миллий ривожланиши борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтиришга қаратилган умуммиллий фаолият ҳисобланади.

Президентимизнинг асарларидаги миллий-маънавий тикланиш ғоясининг мазмунини зўравонлик йилларида топталган меросимизни ўзлаштириш, урф-одатларимизни, анъаналаримизни ривожлантириш, кадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида бой берилган имкониятлардан бугунги тараққиётимизга йўналтириш, ўзимизнинг миллий заминларимиз имкониятларини юзага чиқариш, уларни умуммиллий дунёқарашимизнинг ажралмас қисмига айлантириш борасида ҳар биримизнинг тинмай фидойилик кўрсатишимиз зарурлиги кўрсатиб берилган.

Ҳақиқатан, ҳам миллат қачонки миллий заминларга таянсагина тараққиётга эришиши мумкин. У ҳеч қачон ўзгаларнинг маънавий ёрдами билан миллат даражасига кўтарила олмайди ҳамда маънавий ривожланишга эриша олмайди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз дастлабки ёзган асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз («Туркистон» газетасининг муҳбири саволларига жавоблар)», «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура – келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман («Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар)», «Юксак маънавият-енгилмас куч» каби асарлари, нутқлари ва муҳбирлар саволларига жавобларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний кадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-этикоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий – маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиш, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан юқори босқичга кўтарилишида она-юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди»,¹ - деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»² - деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий-маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратиб, миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасда эл-юрт бирлашади ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади»³ - деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатида миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»⁴ лигини белгилаб беради. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли, инсон манфатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилиқ кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффаққурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу юксак муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни маваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий

¹ Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 30 бет.

² Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Шарқ, 1998, 5-10 бетлар.

³ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 4, 2, 15-бетлар.

⁴ Ўша асар. 15-бет.

муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлигига қарамасдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни изчиллик билан амалга оширишга раҳбарлик қилмоқда. У мазкур дастурнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Ўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»,¹–деб таъкидлайди.

Президентимизнинг миллий – маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни, комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлод назарда тутилади. Шунинг учун ҳам «...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».² – деган ғояни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ханузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?».³

Кўриниб турибдики, Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Бу бежис эмас албатта. Чунки, ўз қобиғидан чиқолмаган, жаҳон халқлари эришган ютуқларидан фойдаланишга интилмаган миллат тараққий қила олмайди. Бундан ташқари миллий тараққиёт учун яна бир қонуният ҳам борки, жаҳонда эришилган ютуқлардан ва тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмаган миллатнинг ўзи ҳам умумжаҳон цивилизациясига ўзининг ҳисасини ҳам қўша олмайди.

Шу маънода ҳам Президентимиз миллий – маънавий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида жаҳон халқларининг маънавий тараққиётда эришган ютуқларидан кенг фойдаланишимиз, уларни кенг ўзлаштиришимиз зарурлигини илмий асослаб берган. У

¹ Баркамол авлод орзуси. Тошкент Шарқ, 1999, 9-бет.

² Президентимиз И.А. Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи: -Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабр.

³ Қаранг: Каримов И.А Миллий истиқлол мафкураси- халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир. 27-бет.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган сўз бошисида «... мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадаиятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликларини асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан»¹ - деган вазифани қўйди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепциясининг амалий аҳамияти шундаки, у бутун миллий ва жаҳон маънавияти тараққиётлари эҳтиёжларини ўзида тўла ифода эттирган.

Бу ғояда миллий ва умуминсоний маънавияти уйғун ҳолда асосланган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимиз барқарор жараён сифатида намоён бўлиб келди. Бу ўз навбатида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Ислом Каримовнинг «Маънавият» тушунчасига таърифи ва миллий-маънавий тикланиш концепциясининг аҳамияти

Ислом Каримов «Маънавият» тушунчаси ва аҳамиятини илмий истеъмолга олиб кирган назарий ва амалиётчилардан бири ҳисобланади. Бунинг аҳамияти шунда бўлдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замида маънавият асосий ўринни эгаллади. У маънавий қашшоқ жамиятда иқтисодий фаровонликка ва сиёсий барқарорликка эришиб бўлмаслигини назарий жиҳатдан асослаб берди ҳамда жамият ҳаётида амалга ошириладиган вазифаларда ана шу концепцияга ўз фаолиятида изчил амал қилиб келди. Унинг бу назарияси ва фаолиятининг мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти шунда бўлдики, барча соҳа ва йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш имконияти кенгайиб борди. Бу ижобий ютуқларнинг салоҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганимизда бугун жаҳонда иқтисодий юксакликка эришган мамлакатларда маънавий қашшоқлик авж олаётганлиги ва улар бу салбий жараённинг олдини олишни яна бошидан бошлаш режалари ҳақида бош қотираётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, Ислом Каримов томонидан жамиятда амалга ошириладиган барча ислохотларни уйғун равишда олиб бориш зарурлиги ҳақида ишлаб чиққан ва амалиётга тадбиқ қилган концепциясининг амалий аҳамияти яна яққолроқ намоён бўлишини кўриш мумкин бўлади.

Унинг маънавиятнинг инсон, миллат, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги концепцияларидан яна бири миллий-маънавий ривожланиш ҳисобланади.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгилиниш ҳамда ривожланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча уларнинг аҳамияти қуйдагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга;

Иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти – ҳаракатларига қарамасдан, миллий – маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

Учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми, ёки каттами ундан қатъий

¹ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 7-бет.

назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатнинг миллий-маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улугъ неъматни сақлаб қолиши ва янада мустаҳкамлаши учун фидойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беришига;

Тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, марифат, фан-техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «Куч – билим ва тафаккурда»- деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимизга;

Бешинчидан, миллий мустақиллигимизни асраш ва мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлигини англашимизга;

Олтинчидан, мамлакатимиз ёшларининг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, уларда миллий ғурур, ифтихор, фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантириш – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етишимизга;

Еттинчидан, миллий истиклол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз ва ривожланишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги ва бошқалар.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти фақат юқорида кўрсатилганлар билан чекланмайди. Унинг халқаро аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир. Унда илгари сурилган ғоялар бугунги кунда таталитаризмдан қутулиб демократик жамиятни қуриш томон бораётган бир қатор мамлакатларда ҳам миллий-маънавий тикланиш учун катта амалий аҳамиятга моликдир.

Зеро, Россия фанлар академияси академиги А.Н. Яковлев такидлагандек, «Ислом Каримов ўтмишни келажак билан боғлаш асосида мамлакатни модернизация қилиш - замонавий тарзда тараққий эттириш йўлини танлади. Бу мақсадга хизмат қиладиган тизим ва тармоқлар фаолиятининг самарадорлигини аввало муайян давлатнинг мавжуд шарт-шароити, муайян халқнинг ворислик хусусиятларига таянадиган, айти пайтда келажакка йўналтирилган ижтимоий-маданий анъаналарга боғлиқ эканини у чуқур англади».¹ Худди ана шу шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг миллий – маънавий тикланишни борасидаги ютуқлари халқаро аҳамиятни ҳам касб этмоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки Ўзбек халқи 130 йилча мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси паймол этилди, тарихи сохталаштирилди, илмий, маданий, бинобарин маънавий меросга ниглистик қараш ҳукм суриб уларни ўрганиш чеклаб қўйилди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилиқ кўрсатолмай юввош яшайверишга кўникиб қолаётган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган

¹ Қайтадан кашф этилган мамлакат. – Халқ сўзи, 2001 йил, 9-феврал.

халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмин фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Маънавиятимизга нисбатан юритилган бундай адолатсиз сиёсатнинг салбий оқибатлари ва уни бартараф этиш вазифалари ҳақида Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай деб ёзади: “Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак”¹лигини таъкидлаш билан бирга, бу борадаги ишларимиз нималардан иборат бўлишлиги ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган:

“Биринчи навбатда миллий маънавиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдиэларига эътибор бериш зарур. Бу ҳазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш”²дан иборат.

Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлигина маънавий меросимизни, кўҳна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Бундай имкониятларни қўлга киритишимизда халқимизнинг севимли фарзанди, улкан давлат ва сиёсат арбоби, етук олим, ватанпарвар ва миллат парвар инсон Ислом Каримовнинг етакчилик ва раҳбарлик қобилияти асосий рол ўйнади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий-маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларни вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Президентимизнинг миллий маънавий тикланишимиз борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикаимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганликлари, унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнаmolари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675; Нажимиддин Кубронинг 850; Имом ал-Бухорий хазратларининг 1225; Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200; Жалолиддин Мангубердининг 800; Амир Темурнинг 660; Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуд кунлари; “Алпомиш” достони ва Хоразм маъмун академиясининг 1000 йилликлари нишонланди.

Мустақиллик йиллари Қурон карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислари; Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» тўплами; кўплаб Қуръони карим шарҳларига оид китоблар чоп этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ййди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари диний қадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётида мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди, янгилари барпо этилди.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 78 бет.

² Ўша жойда.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз қурбонлари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонлади. Қатағон йилларида Ватанимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган халқимизнинг ана шу севиқли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида Шахидлар хиёбони барпо этилди.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500; Қарши шаҳрининг 2700; Марғилоннинг 2000 йилликлари катта тантаналар билан нишонланди.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш борасида кўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг тағ-томиригача назар ташлаймиз».¹ Миллий-маънавий тикланиш борасида эришган ютуқларни халқимиз адолатли равишда Президентимиз номи билан боғлайди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қуйидаги илмий жиҳатдан янги назарий концепция яратганлигида намоён бўлди. Улар:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг ХХІ асрдаги вазифаларини белгилаб берганлигида;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлигида ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигида ҳам намоён бўлади.

Ислон Каримов томонидан амалга оширилган миллий-маънавий соҳадаги барча ишлар халқимизнинг қаддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз абадийлигини мустаҳкамламоқда.

Шунинг учун ҳам у ишлаб чиққан концептуал ғояларини чуқур ўзлаштириш ва уни реал ҳаётимизга тадбиқ қилишда фидойилик кўрсатиш мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашда катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Миллий-маънавий тикланишимизнинг аҳамияти ҳақида фикр юритганда маънавиятнинг жамиятимиз тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ҳақида Президентимизнинг «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт. - Маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди»², -деган кўрсатмасида келиб чиқадиган бўлсак маънавиятга катта эътибор билан қарашимиз зарурияти келиб чиқади. Маънавиятни юксалтириш йўли билан олдимизга қўйган комил инсонни тарбиялаш вазифасини адо этишимиз мумкин бўлади. «Биз-деб таъкидлайди Президентимиз Ислон Каримов, - фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа – ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон –эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим»³

Бундай вазифани амалга ошириш яна маънавият омилига бориб тақалади. Уни қанчалик юксалтирсак Президентимиз томонидан қўйилган ана шу вазифаларни амалга оширишимиз мумкин бўлади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 18-бет.

² Каримов И.А. Инсон манфаатлари устворлигин таъминлаш барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидур – Халқ сўзи, 2008, 9-февраль.

Қаранг: Каримов И.А «Юксак маънавият-енгилмас куч» 12-бет

³ Ўша жойда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
3. Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз?
4. Маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устивор йўналиши даражасига кўтарилиш сабаблари нимада деб биласиз?
5. Ислом Каримов томонидан «маънавият» тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
7. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимизда Ислом Каримовнинг хизматлари нималардан иборат?
9. Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда XXI асрда маънавиятни ривожлантиришнинг қандай вазифалари белгилаб берилди?
10. Миллий – маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантиришнинг мукамал ғоялари Ислом Каримовнинг қайси асарларида асослаб берилган?

2-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТ, ИҚТИСОД ВА УЛАРНИНГ ЎЗARO BOғЛИҚЛИГИ. МАЪНАВИЯТНИНГ СИЁСАТ, ҲУҚУҚ ВА ҲОКИМИЯТДАГИ ЎРНИ.

РЕЖА:

- 1. Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзарo боғлиқлиги**
- 2. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркор маънавияти**
- 3. Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзарo боғлиқлиги**
- 4. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзарo муносабати**

1. Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзарo боғлиқлиги

Иқтисодиёт ва бозор иқтисоди тушунчалари. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли ва унинг моҳияти

«Иқтисодиёт» сўзининг луғавий маъноси – сарф – ҳаражатда эҳтиёткорлик, тежамкорлик мазмунини бериб, мазкур тушунчага адабиётларда турлича таърифлар бериб келинмоқда. Шулардан баъзиларини ҳавола этамиз: «Иқтисодиёт одамлар фаолиятининг ўзлари истеъмол қиладиган неъматларни ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг жуда муҳим томонидир. Иқтисодиёт қизиқ бир олам бўлиб, турли касбдаги, миллат ва жинсдаги, қарашлар ва руҳиятидаги, турли минтақа ва қитъалардаги одамларнинг тирикчилик воситаларини яратиш ва истеъмол қилиш бўйича амалга оширадиган алоқалари ва боғлиқларининг ифодасидир,»¹ дейилади. Бошқа бир таърифда эса: «Иқтисодиёт деганда кишилар ҳаётини таъминлайдиган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли билан боғлиқ барча соҳаларнинг йиғиндиси ва айни жараёнда иштирок этаётган одамларнинг фаолияти, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар, муносабатларнинг яхлит бирлигини тушунмоқ керак,»² дейилган. Берилаётган таърифларнинг турли-туманлиги муаллифларнинг фан ўрганаётган масаланинг у ёки бу жиҳатига кўпроқ эътибор берилганлиги билан боғлиқ. Иқтисодиётга берилган таърифлар қанчалик турли туман бўлмасин, мазкур таърифларни бирлаштирувчи ва умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Яъни берилган таърифларнинг барчасида ҳам, инсонлар фаолияти, инсоннинг моддий ноз-неъматга бўлган талаб ва эҳтиёжи, уни қондириш учун маҳсулотларни ишлаб чиқариши, уларнинг тақсимоли масалаларини ифодалайди. Иқтисодиётга инсон ҳаёти ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолияти билан уйғун ҳолда қараш тўғри бўлади.

Кишилар ҳамиша ва ҳар доим озиқ-овқат, кийим – кечак, турар жой, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига муҳтож. Ҳайвонот дунёси ҳам озиқ-овқатга муҳтожлик сезади. Инсон ишлаб чиқариш орқали ўз эҳти-ёжларини қондиради, ҳайвонлар эса ҳеч нима ишлаб чиқармайдилар. Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларни иқтисодиёт фани ўрганади. Абу Али ибн Сино ва Абу Абдуллоҳ ал Хоразмийлар фанларни тасниф қилар эканлар, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги фанлар қаторига киритганлар.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар, ҳудудлар ўртасидаги турли алоқалар, аввало иқтисодий алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Марказий Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини қувнатиб, ҳайрон қолдирган турли-туман буюм ва товарларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва ғарбий Оврўпа мамлакатларига қадар етказиб борганлар. Марказий Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига «Буюк Ипак йўли» яққол мисол бўла олади. Бозор бу инсонлар, мамлакатлар,

¹ Йўлдошев Қ., Муфтойдинов К. Иқтисод илмий асослари. Андижон, 1995, 8-9-бетлар.

² Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Тошкент «Маънавият», 1999, 7-бет.

худудлараро иқтисодий алоқалар ва уларни амалга ошириш майдонидир. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатилаётган бозор иқтисоди тушунчаси ва унинг моҳияти нима? Уни қисқача ифодалайдиган бўлсак, у қуйдагиларни англатади:

Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш орқали икки томон манфаатларига мос келадиган, кониктирадиган умумий нархни, рақамни, ҳулосани топиш демакдир. Бозор иқтисоди инсонни, ишлаб чиқарувчини яъни тадбиркорни ўйлашга, ақл-заковатини, фаросатини ишлатишга мажбур қилиши билан қимматлидир.

Бозор иқтисодининг асосий шарти ва талаби-кишилар эҳтиёжини қондирадиган мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ, арзонроқ, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир. Ҳудди шу талабларни амалга оширишнинг энг қулай шароитларини капитализм даври юзага келтирди. Натижада инсоният кейинги беш аср ичида ўзидан олдинги ҳамма жамиятлардан кўра кўпроқ моддий ва маънавий қадриятлар ярата олди. Бозор иқтисоди ҳукмрон мамлакатлар моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қайнар булоғига айланди. Бу даврда инсониятнинг ҳақиқий ақлий салоҳияти, яратувчилик имкониятлари тўла намоён бўлди.

Жаҳон тажрибаси, шу жу жумладан ўзимизнинг мамлакатимиз тажрибаси ҳам иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожланиб борганлигини кўрсатади. Бозор муносабатларининг қонунларини назар – писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, собиқ Иттифокда 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнида бозор иқтисодиётига алоқаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга уриниб кўрилди. Бу собиқ мустабид тузумга ва унинг халқига жуда қимматга тушди. Оқибатда мазкур тузум таназзулга учради.

Иқтисодиётнинг ҳам ўз объектив қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳар доим иқтисод ўз йўлидан бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас. Қайси бир мамлакат, давлат иқтисод қонунларини назар – писанд қилмаса, у боши берк қўчага кириб қолиши муқарардир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, у қайси йўлдан бориши керак, деган масала олдимизда кўндаланг бўлиб турди. Юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданок жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, Мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёти йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч ҳосил этди. Бу ҳақида “Биз,-деб айтган эди Президентимиз, - ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг ҳошиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-бўйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги-эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик...

...бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислохотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида.... кўп ўйладик.... тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибаларни ўргандик.”¹

Аммо бозор муносабатларининг қайси йўли, қайси шакли, қайси андозаси биз учун мақбул, қайси бирини ўзимизнинг бундан буёнги тараққиётимиз учун танлаб олишимиз кераклиги масаласи олдимизда турган муаммо эди. Ана шу муаммони ҳал этишда маънавият ва иқтисодиёт соҳасининг минглаб ҳаётий масалалар, яъники жонли ришталар орқали ўзаро чамбарчас боғланиб кетганини инобатга олиб халқимизнинг руҳияти, турмуш тарзи, қадимий урф-одат ва анъаналаримизга ҳар томонлама мос бўлган ислохотлар йўлини танлади,- деб таъкидлаган эди Ислом Каримов.² Бозор

¹Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 102- бет

² Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 107-108- бетлар.

муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа мамлакатларда 100-150 йил мобайнида, Япония, Қурия ва бошқа жануби-шарқий Осиё мамлакатларида 20-30 йил давомида шакллланган.

Ана шу жараёнда бозор муносабатларининг маълум худуд, мамлакат, унинг халқига хос шакллари яъни андозалари шаклланди. Жумладан, «Америкача андоза»да эркин бозор муносабатларига катта аҳамият берилган бўлса, «Япон», «Француз» андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштирок этишига кўпроқ эътибор қаратилди. «Немис» ва «Швед» андозаларида ижтимоий фаолиятга эътибор кўпроқ қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Лотин Амкрикаси ва Африка мамлакатларидаги андозаларда асосий эътибор иқтисодийни барқарорлаштириш ва бюджетни тўлдиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Баъзи мамлакатларда «фалаж» (шок) ҳолатидан, яъни ўз тараққиётининг илк босқичларида нархларни эркин қўйиб юбориб кейинчалик иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга аҳамият берилди.¹

Бозор иқтисодиёти ва ислохотларнинг негизини ташкил қилувчи йўллар, усуллар ва андозаларнинг хилма-хиллиги, эркин бозор рақобатчилиги, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан қай даража ва йўсинда қўшиб олиб борилиши, уларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, ҳал қилинаётган иқтисодий муаммоларнинг устиворлиги билан боғлиқдир.

Юқорида айтганимиздек, бошқа мустақилликка эришган республикалар каби Ўзбекистоннинг ҳам бозор муносабатларига ўтиши давр талаби. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Буни республикаимиз раҳбарияти ва аҳли тўғри англаб етди. Аммо кутиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт, давр ниҳоятда тиз. Тезкорлик билан мустақил Республикаимизнинг бозор муносабатларига қандай қилиб, қайси усулда ўтишини танлаб олиш, бунда жаҳоннинг барча илғор тажрибаларин умулаштириш ва фойдаланишни ҳал этиш лозим эди. Бунинг уддасидан чиқдик. Бу борада Президентимиз Ислам Каримов катта шижоат кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳонда орттирилган барча ижобий тажрибаларни ўрганиб, улардан тўла фойдаланган ҳолда халқимизнинг тарихий тараққиётга, руҳиятига, менталитетига, миллий хусусияти, иқлим шарт-шароитларига, мамлакатимизнинг жуғрофий мавқеига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлни белгилаб олдик.

Ушбу йўлнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган. Бу «Ўзбекистон йўли»-«Ислам Каримов йўли» сифатида жаҳон бўйича юксак баҳоланиб келинмоқда. Ўзбекистон ўзи учун танлаб олинган махсус йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатлари, шарт-шароитлари ва хусусиятларига кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шу йўл кўп миллатли Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг маънавияти, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий – ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин. Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов ишлаб чиққан ва илгари сурган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилида ўз ифодасини топган. Уларда Республика аҳолисининг турмуш тарзи, фаолияти ҳисобга олинди. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам тан олинмоқда.

Мазкур тамойиллар қуйдагилар:

Биринчидан, иқтисодийни мафкурадан ҳоли қилиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишда мафкуравий манфаатлар нуқтаи назардан эмас, балки тараққиёт

¹ Қаранг. Шарифхўжаев М; Давронов З. Маънавият асослари. Тошкент, 2005, 99-бет.

манфаатларидан қаралмоғи зарур;

Иккинчидан, мамлакатда ўтказиладиган ислохотларда давлат бош ислохотчи бўлмоғи зарур. Ислохотларнинг бошида давлат турмаса парокандалик вужудга келади. Давлат ислохотлар вазифаларини бир тизимга солиб, уларни амалга оширишда етакчилик қилиб туради;

Учинчидан, ислохотларни амалга оширишда қонун устиворлигига қатъиян амал қилиниши лозим. Мамлакат ҳаётида ва ислохотларни амалга оширишда қонун устиворлигига амал қилиниши, турли тўсиқларнинг юзага келишининг олдини олиш имконини беради ва тараққиёт учун кенг йўл очиб беради;

Тўртинчидан, бозор муносабатлари бир кун ёки бир икки йилда шаклланадиган жараён эмас, у маълум бир давр ичида вужудга келади. Мана шу давр ичида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарур бўлади. Ижтимоий ҳимоя- аҳолини иқтисодий қийинчиликка тушиб қолмаслигининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг билан бирга ижтимоий ҳимоя иқтисодий қийинчилик шароитида турли зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олади.

Бешинчидан, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдир. Бу тамойилга биноан ислохотларни бир «зарб» билан эмас, балки аста секин, эволюцион йўл билан амалга ошириш назарда тутилади. Бу бозор муносабатларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги беш тамойилни қисқа изоҳлайдиган бўлсак, улар қуйдагиларни англатади:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилганда, у барбод бўлади. Буни Шўролар мисолида кўришимиз мумкун. На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиши, унга тазийк ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар ҳар қандай мафкурадан ҳоли бўлиши лозим. Бозорнинг қондаси шундай: кимнинг маҳсулоти яхшироқ ва арзонроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб ҳаммадан кўра кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёсат ёки мафкура ўз таъсирини ўтказмайдиган.

Иккинчидан, Ислом Каримовнинг «Давлат асосий ислохотчи бўлиши зарур. У ислохотларнинг устивор йўналишларни белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторларнинг қаршилигини бартараф этиши шарт»¹- деган фикри ўта аҳамиятлидир. Мустақил Ўзбекистон бошқариладиган маърифатли бозор иқтисодиётига ўтаётир. Унга фақат давлатнинг бошқарувчилик ва ислохотчилик кучига таяниб ўтиш мумкин. Чунки, янги бошқарув тизимларининг мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини таъминлаш, нарх-наволарни тартибга солиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, банк-кредит муаммоларини ечиш, миллатлараро тотувликни кафолатлаш давлатнинг муҳим вазифасидир. Ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчилигини сақлаш ва таъминлаш фақат ютуқларга олиб келади, холос.

Учинчидан, Ислом Каримов ўзининг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласида ҳамманинг қонунга итоаткор бўлиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устун туришини таъкидлаб ўтган. Биз демократик жамият сари борар эканмиз, у ерда қонун устиворлигини унутмаслигимиз, қонун олдида ҳамма тенг, уни бузишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини билишимиз лозим.

Қонуннинг устиворлиги ҳуқуқий давлат барпо этиш заруриятидан ҳам келиб чиқади.

Демократик йўл билан қабул қилинган Республика Конституцияси ва бошқа қонунларга риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланиши лозим. Бозор муносабатлари шароитида, бозор ҳўжалигининг ўзи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан

¹ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. 102-бет.

мустаҳкамланмаса, тартибсизликларнинг келиб чиқишига олиб келади. У ҳукукий норма ва қоидаларга таяниши керак. Бозор муносабатларига ўтган ривожланган мамлакатларда қонунчиликка риоя қилиниши таминланган. Қонунчилик ва унга риоя қилиш бозор муносабатлари иштирокчиларнинг маънавиятини аниқлабгина қолмай, уларнинг ўрнатилган тартиб-интизом, қоидаларга амал қилишини таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маърифий дунёдаги бозор – бу энг аввало қонунга ҳурмат демакдир.

Тўртинчидан, республикамизда кўп сонли кишилар турмуш даражасининг пастлиги тоталитар иқтисодий тузумдан қолган мерос. Биз танлаган йўлнинг ўзига хослиги шундаки, фақат аҳоли ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали бозор муносабатларига ўтилишидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда» маърузаларида ҳам ХХІ аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланганлиги диққатга моликдир. Унда келгусида ҳам давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва oilalar ижтимоий ёрдам олишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бешинчидан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов доимо ислохот ўтказишда шошалоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги, уни эҳтиёткорлик билан секин-аста ўтказиш зарурлигини таъкидлаб келмоқдалар. Шунини айтиш керакки, ислохот биз учун мутлақо янги иқтисодий тизимни, бозор тизимини яратиши керак. Янгилик ҳеч қачон бирданига юзага келмайди, ҳар доим иқтисодга босқичма босқич борилган. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиши ҳам шу нарсадан ҳоли эмас.

Президентимиз ишлаб чиққан мазкур тамойиллар заминида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда маънавий баркамоллик зарурлиги ўз ифодасини топди. Яъни ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки инсон учун, унинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши белгиланган. Инсонларда ва жамиятда маънавият тараққий қилсагина, ислохотларни амалга ошириш ҳам енгиллашиб бораверади. Шунинг учун Президентимиз маънавиятни кўтариш масаласини ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошишининг муҳим шarti сифатида белгилаб берган. У «Бозор муносабатларига ўтиш ҳаётий етуклик ва сабр матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнгилга келган ишни қилаберишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий- руҳий тикланиш ва покланиш муоммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз»¹, - деб кўрсатган эди.

Маънавий-руҳий инқироз мавжуд бўлган жойда, иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслиги бу ҳақиқатдир. Маънавияти юксак инсон, вақтинчалик мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар олдида довдираб қолмайди, у истиқбол билан ҳаракат қилади, фарзандлари, миллати ва мамлакатнинг порлоқ келажаги йўлида самарали меҳнат қилишни ўзининг турмуш тарзининг асосий тамойилига айлантира олади.

Бу Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда маънавий омилнинг иқтисодий тараққиётга таъсири борасида олиб борилган йўлнинг мазмунини ташкил қилади.

Маънавият ва иқтисод уйғунлиги жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётига эришиш шarti

Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти нафақат иқтисодий, балки ўзининг маънавий жиҳатларига ҳам эга. Иқтисодиёт билан маънавият ривожига бир хил катта аҳамият берган жамият ўзининг йирик ижтимоий зиддиятларисиз ва қарама –

¹Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.Тошкент, «Ўзбекистон»,1995, 141-бет.

қаршиликларсиз барқарор тараққий этиши учун замин яратади.

Иқтисодиёт ва маънавият уйғунлиги, ҳамоҳанглиги таъминланган мамлакатда ривожланиш, тараққиётда кўзланган мақсадга эришиш осон кечади. Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият асосий эътиборни фақат моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва кўпайтиришга қаратиб, уни яратувчи инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўйламаса, у албатта таназзул ва инқирозга юз тутлади. Иқтисодий ривожланиш фақат маънавий ривожланиш бор бўлган жойдагина муваффақият қозонади. Бундан кўринадики иқтисод ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Маънавиятсиз иқтисод ва иқтисодиётсиз маънавият юксак босқичга кўтарила олмайди.

«Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу»,¹-деб таъкидлаган эди Президентимиз. Ўз-ўзидан маълумки, жамият тараққиётида иқтисодиёт ва маънавият муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорликлари ва бир-бирига таъсири масаласи тўғри ҳал қилинмоғи лозим.

Олдин иқтисодий масалаларни, вазифаларни ҳал қилиб, сўнг маънавият билан шуғулланиш лозим дегувчи баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда.

Юртбошимиз иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги жамият тараққиётини белгиловчи асосий омилларидан бири эканлигини кўрсатиб шундай деган эди:

“...инсонга хос орзу- интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган кушнинг икки қанотига киёсласак... ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш- ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.”²

Кўринадики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик, уйғунлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади. Мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги асос қилиб олинганлиги ҳамда аҳамияти ҳақида Президентимиз: “Бизнинг ислохотлар давомида наинки моддий фаровонликка айна пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда... фақат моддий бойлик ортида қувиш – халқимизнинг азалий орзу интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий кадриятларимиз моҳиятларига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қондани ўзимиз учун дастури амал сифатида белгилаб олдик”,³ - деган эди. Чунки ҳар қандай иқтисодий масалаларни маълум маънавият ва маърифат соҳиблари ҳал этадилар. Мамлакат қанчалик иқтисодий ривожланган бўлса, бу мамлакатда маънавият ва маърифат шунча юксак бўлади. Юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган мамлакатнинг иқтисодий куч-қудрати ҳам юқори бўлади. Демакки, маънавияти

¹ Каримов И.А Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 47-бет.

²Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 67- бет

³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 107- бет

ва маърифати юксак инсон юрт, мамлакат, халқ олдида ўзига юклатилган маъсулиятни чуқур ҳис этади. Шу юрт, мамлакат, халқ учун ҳалол, фидокорона яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан унинг юксакликка парвози учун ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини теран ҳис этади. Шундай қилиб, юксак маънавият ва маърифат юксак иқтисод билан, юксак иқтисод эса юксак маънавият ва маърифат билан боғланиб кетган жамиятда тараққиёт осон кечади..

Иқтисодий муносабатларда маънавият масалалари, хусусан инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқариш ўсиши, иқтисодий ривожланиш бўлишига қарамай жамиятда инсоний ахлоқий муносабатлар таназзулга учрайди, инсонлар ўртасида бегоналашиш кучаяди. Бу эса охир – оқибат натижада ижтимоий – иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин.

Айрим кишилар эркин бозор иқтисоди шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий кадриятларнинг қиймати тушиб кетади, маданият ва маънавият иккинчи даражали нарсага айланади, маънавий қашшоқлик авж олади, деб даъво қиладилар. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама – қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча юқорида айтганимиздек улар бир-бирларини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг уйғун ҳолда ривожланиб боришига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

“Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, - деб таъкидлайди Президентимиз, -биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз.”¹

Мустақиллик йиллари иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб уйғун тарзда ривожланиб келаётганлиги мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Мана шунинг учун ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш ХХІ аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги устивор йўналишлардан бири эканлиги иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида белгилаб қўйилди. Юртбошимиз И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» китобида таъкидлаганидек, ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт.² Демак, маънавият ва иқтисод бир бирини инкор этмайди, балки бир- бирини қувватлаб,ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирда иқтисодий ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканмиз, демак ишлаб чиқариш тармоқлари ишга тушиб, иқтисодий юксалиш юз беради. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир қилади. Хусусан, бунга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш борасидаги ишлар яққол мисол бўла олади.

Чунончи, мамлакатларимизда ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълиим мактаби янгитдан бунёд этилди, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг ижроси 2009 йилда тўлиқ якунга етгач, замон талабларига жавоб берадиган академик

² Қаранг: Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 25-бет.

лицей ва касб-хунар коллежларида 1.1 миллион ўқувчи, умумий таълим мактабларида эса 3 миллион ўқувчи таълим олиш имконига эга бўлади.¹

Кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримов маънавият – иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосидир, деган янги фикрни ўртага ташлади. Шўролар замонида маънавиятнинг ролига бунчалик катта эътибор берилмаган эди. Умуман, биз узоқ йиллар давомида маънавият, маданиятни иқтисоддан кейинги ўринларга қўйишга одатланиб қолган эдик. Эндиликда маънавият олдинги ўринга чиқди.

Маънавиятнинг биринчи ўринга қўйилишига иккита сабаб бор: Биринчидан, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибалари кўрсатдики, фақат юксак маънавиятгина юксак иқтисодий ривожланишни таъминлаши мумкин. Маънавият, яратувчанлик ва фаолликнинг асосий манбаъи ҳисобланади.

Иккинчидан, республикаимиз иқтисодий ривожланишини орқага сураётган, унга тўсиқ бўлаётган сабаблардан энг муҳими-маънавиятсизлик эканини англаб етдик. Бу ҳақиқат ачиқ бўлса ҳам, аммо уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини бизнинг ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талабалар мажмуасини, бошқача айтганда ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, жиҳат киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасаиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кўнглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

«Маънавиятга қараб, малакага қараб ишлаб чиқариш ҳолати белгиланади. Юқори малака фақат юқори маънавият бор жойда бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот сифати таннархи ва баҳоси малакага боғлиқ бўлганда, маънавият унинг асосида бўлади.»²

Маънавияти юксак киши бировнинг ҳақиға, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, эли, юрти, халқи учун жонини фидо этишга ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порахўр, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди.

Келажақда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши ва унга юз тутиши лозим. Бунга эса иқтисод ва маънавият, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишига аҳамият берганимиздагина эришишимиз мумкин.

Биз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз керак.

Маънавият ва маърифатли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам бўлувчи ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт поғоналарида узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Маънавиятли ва маърифатли кишиларда яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан тийилиш ҳисси кучли бўлади. Демакки, турли ёмонликлардан тийилиш ҳисси жамиятда осойишталик ва фаровонликка олиб келади.

Келажақ ёшларники бўлгани учун ҳам мамлакатимизда уларнинг маърифатли, тадбиркор, зукко ва ўз касбининг устаси, иймон-этикодли, замон талаблари даражасида етук, маънавий баркамол бўлишлари учун барча имкониятларни яратиб берилмоқда. Илм-фан, таълим – тарбия, хунар эгаллашни изчиллик билан амалга ошириш иқтидорли ёшларга очилган кенг имкониятдир. Бу борадаги олиб борилган иш Олий Мажлиснинг IX

¹ Қаранг: Каримов. И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Халқ сўзи газетаси 2008йил 9 февраль.

² Қодиров А. Маънавиятнинг иқтисодий тамойиллари. Тошкент: “Маънавият”, 1999, 28-бет.

сессиясида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонунини қабул қилинганлигидан ҳамда бу масала иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида устивор йўналишлардан бири қилиб белгиланганлигида ўз ифодасини топган.

2008 йилнинг юртимизда “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ташкил этган ёшларимиз келажаги, уларнинг ким бўлиб етиши, маънавияти ҳақидаги масала устивор вазифа сифатида белгилаб олинди. Бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимизда таълим соҳасини босқичма – босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида ёшларимизнинг энг юксак талаблар даражасида умумтаълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ва мустақкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган яхлит, узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бизнинг келажагимиз, мамлакат келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ. Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилаётгани, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшаётганига асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи – раҳбар сифатида бу жараёни четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ, чунки маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди.

Биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён – атрофда юз бераётган воқеа – ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикирлайдиган, иймон-эътиқодли, барқамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.¹

Демак, жамиятда юксак марралар кўзланар экан унинг иқтисодий ва маънавий омилларига тенг кўз билан қараш, уларнинг бирортасини камситиш, паст баҳо бериш мумкин эмас. Аксинча, маънавият ва иқтисоднинг уйғунлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим омили.

2. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркор маънавияти

Мамлакатимизда бозор ислохотларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш, қолаверса иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш устивор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Чунки, айти шу соҳалар биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда, ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшишда ўзига хос лакоматив вазифасини бажариб келмоқда.² Бозор иқтисодиёти ва унинг ривожлантиришнинг асосида тадбиркор ва унинг фаолияти ётади. Зотан, бозор иқтисодиётининг талаби тадбиркорлик ва ишбилармонликдир. Тадбиркор ва тадбиркорлик нима? Тадбиркор маънавияти қандай бўлиши кераклиги масаласи ҳеч биримизни, хусусан унга интилаётган бугунги ёшларимизни бефарқ қолдирмаслиги лозим.

Тадбиркор- бу дадил, муҳим ва мураккаб мақсадларни рўёбга чиқариш учун жазм этиб, янги ғояларни амалга ошириши билан боғлиқ бўлган, бутун маъсулиятни ўз зиммасига олиб таваккал иш юритувчи шахсдир.

Тадбиркорлик эса- бу мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ишлаб чиқаришнинг бирон-бир соҳасида ташаббус билан иқтисодий фаолият юритишдир.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи” газетаси, 2008, 9-феврал.

² Қаранг. Ўша жойда.

Соддарок қилиб айтганда тадбиркор жамият ҳаётида иқтисодий соҳанинг ташкилотчисидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, кишиларга куч-ғайрат билан бирга, билим ва тажрибаси, ақл-идроқи, касб малакаси етарли бўлган, қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яхши билган, яъни маънавияти юксак одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланиши, ўз хусусий ишини оқилона ва самарали ташкил этиши мумкин.¹

Илм ва инсоф, риёзат ва фаросат, ҳалоллик ва тўғрилиқ, фаоллик ва ишнинг кўзини билиш, тежамкорлик ва бошқалар бугунги кун тадбиркорларининг маънавий фазилатлари бўлиб қолмоғи лозим. Тадбиркорнинг бош фазилати- фаросат, ақл-заковат билан иш юритишдир. Фаросат, аввало, ўзини англаш, ўз авҳолини, имкониятларини тўғри идрок этишдир. Иккинчидан, ўзгани тушуниш, ўзгаларнинг эҳтиёжи, хохиши, имкони ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қила билишдир.

Маълумки манфаатлар тўқнашуви, рақобат бозор иқтисодиёти учун хос нарсас. Рақобатни бирон-бир субъектнинг иккинчи субъектни синдириши маъносида тушунишимиз керак эмас. Рақобат деганда бир-биридан сифатлироқ, харидоргирроқ, ўзгалар молидан арзонроқ, инсон эҳтиёжларига яроқлироқ буюм, маҳсулот ишлаб чиқариш орқали бозорда олдинги ўринларни эгаллашга интилишни тушунишимиз лозим. Бу рақобатнинг маънавий жиҳатидир. Рақобатда ютиб чиқмоқ учун янги технологиялар, унумли иш усулларини излаш йўлидан борилса, у жамият, инсонлар фаровонлиги ва шахс камолоти учун хизмат қилади.

Ҳозирги кун тадбиркори қуйидаги юксак маънавийлик қирраларига эга бўлиши зарур:

- Маънавий пок, маърифатли бўлиши керак;
- Ватан олдидаги бурчини тўғри англаши ;
- Ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, ҳаромдан ҳазар қилиши;
- Маърифатли, дунёқараши кенг қамровли, бир ёқламалиликдан ҳоли бўлиши;
- Ўзи бошлаган ишга қатъий ишонган бўлиши, аниқ мақсадни ўз олдига қўйган ва унинг натижаларини аниқ тасаввур эта билган бўлиши;
- Йўл қўйган ўз хатоларини тан ола билиши ва уни ўз вақтида тўғирлашга интилиши, таваккалчасига ҳам иш юритиши ва унга бора билиши;
- Фаросатли, инсофли, меҳнатсевар бўлиши;
- Дунёвий билимларга ва ўз дунёқарашига эга бўлиши;
- Ўз соҳасига оид қонун ва қарорларни мукамал билиши ва уларга қатъий амал қилиши;
- Бойликка, шахсиятпарастликка, манманликка берилмаслиги, камтар, олийжаноб, софдил, одоб-ахлоқли бўлиши;
- Хорижий тилларни билиши;
- Адолатли, мард, қатъийатли, сабр-тоқатли, ҳозиржавоб ва бошқа фазилатларга эга бўлиш.²

Жамият ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кишилар фаровонлигининг ошишида тадбиркорлик муҳим омил экан, демак тадбиркорнинг маънавияти ҳақида ҳам қайғуриш лозим бўлади. Чунки, бу муаммоларни юксак маънавият соҳиби бўлган тадбиркорлар ҳал қиладилар. Улар шу давлат ва шу мамлакат менга нима берди? деб эмас, балки мен мамлакатга, кишиларга нима бердим, уларга қандай яхшилик қилдим, қандай фойдам тегди? деган маънавийлик асосида иш тутадилар. Яратувчанлик, ижодкорлик, ташаббускорлик ишлари билан шуғулланадилар.

Хуллас, мустақил Ўзбекистон танлаб олган бозор иқтисодиёти йўли шунинг учун

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 68- бет

² Қаранг. Отамуротов С.О., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Тошкент, 2002, 59-бет. Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. Тошкент, 2005, 105-бет.

ҳам истиқболликни, у ҳар бир кишидан ўта тадбиркорликни, ҳозиржавобликни, тежамкорликни, уддабуронликни, вақти-соати келганда сабр-тоқатлиликни, совуққонликни, ҳар бир вазиятда ишнинг кўзини билишни, муомалада ниҳоятда эҳтиёткорликни, ҳар бир сўзнинг шакли ва мазмунини ажратишни ва фарқ қилишни ва бошқаларни талаб этади.

Бу хислат ва фазилатлар ўзбек халқида азалдан мавжуд. Афсуски, уларнинг кўпчилиги турли сабаблар таъсирида кишиларимизнинг ёдидан чиқиб, ҳаёлидан озми-кўпми кўтарилган, ёки мустабид тузум ва унинг мафкурасига ёт қадриятлар сифатида кишилар ҳаёт тарзидан сиқиб чиқарилган. Энди улар тикланиши ва ҳаётимизда ўзларига хос ўрин эгаллаши керак. Бозор иқтисоди-демакки замон талаби, мустақиллик қонуни. Мамлакатимизда кишиларнинг, айниқса ёшларнинг тадбиркорлик иши билан шуғулланишларида ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик муҳити, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитлар яратиб берилганлиги қувончлидир. У қонун билан мустаҳкамланган. Вазифа ана шу қонун доирасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириб, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига олиб чиқишдир. Шунинг учун ҳам ёшлар бизнинг, мамлакатимизнинг келажаги деймиз. Зотан буюк келажак маънан юксак, маърифатли ёшларимиз қўлидадир.

Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари

Мамлакатимиз ўзининг кўп асрлик давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш тарихига эгадир. Унинг давлатчиликни вужудга келтириш тажрибалари мустақилликни мустаҳкамлашимизга ўзининг ижобий таъсирни ўтказиб келмоқда. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тажрибаларида маънавиятни ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маънавиятни ривожлантиришда мамлакатимизда мавжуд бўлган имкониятлар ва ресурсларни ишга туширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Улардан қанчалик унумли фойдалана олсак, иқтисодиёт ва маънавиятни ривожлантириш борасида ҳам белгиланган мақсадга эришишимиз мумкин бўлади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий асослари тўғрисида сўз кетганда унинг ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, “Ўзбекистон бой имкониятлар мамлакати” дейилганда худди шу имкониятлар ҳам назарда тутилганини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари», «Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», “Юксак маънавият- енгилмас куч” номли асарларида бу ҳақда батафсил фикр юритилиб мустақиллигимизнинг иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, Ўзбекистонда табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда мустақилликни асраб авайлаш, мустаҳкамлашга, фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.¹

Ўзбекистонда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2700 дан зиёд турли фойдали қазилма конлари истиқболли жойлар аниқланган. Уларнинг биргаликдаги қиймати мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар баҳосига кўра 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётир.

Ҳар йили Республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 74-75- бетлар.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис заҳиралари бўйича 10-11-ўринда, уран заҳираси бўйича 7-8-ўринда туради.

Ўзбекистон ноёб ёқилғи – энергетика ресурсларига эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Қидириб топилган газ заҳиралари 2 триллион куб метрга яқин, кўмир заҳиралари – 2 миллиард тоннадан ортиқ, 350 миллион тоннага яқин нефт заҳиралари мавжуд. Демак мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда етарли даражада иқтисодий манбалар мавжуд. Шу манбаларни ишга тушириш инсон салохиятига, маърифатига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг йирик саноати 200 тармоқни ўз ичига олади. 2000 дан зиёд завод ва фабрикаларда жуда кўп соҳада қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Республика ривожланган ички транспорт ва алоқа тизимига эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Чунончи, темир йўллар тармоғи узунлиги 6700 км, автомобиль йўлларининг узунлиги 80 минг километрдан ортиқ.

Ўзбекистон қудратли илмий-маънавий потенциалга ҳам эгадир. Республика ҳудудида Фанлар академияси, 120 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари, 65 дан ортиқ Олий ўқув юртлари, 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаблари мавжуд. Илмий ходимлар сони 100 мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида 200 дан ортиқ академик, 2200 га яқин фан докторлари ва профессорлар, 14600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор. Бинобарин, ушбу соҳаларнинг ҳаммаси аҳолини юксак маънавият сари етаклашда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон ривожланган, кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эгадир.

Ўзбекистон қимматбаҳо хом ашё – пахта етиштирадиган жаҳондаги энг йирик ўлкаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон бу экинни етиштирадиган мамлакатлар орасида жаҳонда тўртинчи ўринни ва пахта маҳсулотларини экспорт қиладиган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили мамлакат далаларида, боғларида 5 миллион тоннагача мева ва сабзовотлар етиштирилади.

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар, истеъдодли ва меҳмондўст халқи Республиканинг чинакам бойлигидир. Бу халқ дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек халқи том маънода бунёдкордир. Марказий Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40% га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда барқарорлик ва тинчлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик сақланиб турибди. Яхши кўшничilik ва инсонпарварлик ўзбеклар табиатидаги туғма миллий ва диний фазилат ҳисобланади. Барча замонларда Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай давлат бўлиб қолади. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган 25 миллиондан ортиқ киши яшайди. Тинчлик, ижтимоий тотувлик ва адолат ғоялари бизнинг ажодларимиз қолдириб кетган маънавий мерос ҳисобланади.

Жамиятнинг улкан бойлиги, тараққиёти халқнинг абадий қадриятлари, урф-одатларига, ажодлар қолдирган бой маънавий меросига, маънавиятига бориб тақалади. Чунончи, ўтмишдаги бешафқат давр синовларидан омон қолган ва ҳозирда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар бизнинг беқиёс маънавий меросимиз саналадики, улар бугунги кунда мустақиллигимизнинг маънавий-маърифий асоси сифатида хизмат қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган ва умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обидалар ҳам Ўзбекистон миллий мустақиллигининг маънавий асосларини ташкил этади.¹ Бу мерос халқимизни

¹Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 30- бет

ўзлигини англашга хизмат қилиб келмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз, яъники 2700 йиллик буюк давлатчилик тарихимиз, бундан 3000 йиллар аввал яратилган «Авесто»дек буюк маънавий меросимиз каби бой маънавий-маърифий асосларимиз мавжуд.¹

Биз бу меросни қанчалик чуқур ўзлаштирсак, шунчалик даражада мавжуд улкан имкониятларимиздан фойдаланиш, вазминлик, бунёдкорлик, ҳамкорлик, миллат ва мамлакат манфаатлари йўлида фидоийлик каби фазилатларимиз ривожланиб боради. Мазкур фазилатлар мураккаб ўтиш давримиз учун катта амалий аҳамиятга молик бўлган омил ҳисобланади.

Хуллас, юқорида кўрганимиздек жуда катта табиий бойликлар заҳираси мавжудлиги, қудратли саноат базаси, илмий ва интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлар, давлат суверенитети янги жамият барпо этиш, Ўзбекистонни ривожланган, гуллаб яшнаётган давлатга айлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий асос бўлиб қолади.

3. Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Сиёсат – юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини билдиради. Сиёсат катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлари соҳасидаги фаолиятини англатади.

Кенг маънода сиёсат муайян давлатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётининг турли жабҳаларида пайдо бўладиган зиддиятларни бартараф этиш, мураккаб вазифаларни ҳал этишга, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган мамлакат ички ҳаётида ва ташқи халқаро майдонда, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир.

Сиёсат ҳар қандай жамиятда ҳам давлат фаолиятини ифода этади. Чунки жамиятдаги барча жараёнлар ва муаммоларнинг қўйилиши ҳамда уларнинг қандай ҳал этилиши давлат олиб борадиган сиёсат билан боғлиқ бўлади. Сиёсатни олиб бориш, ҳаётга татбиқ этиш ўта мураккаб жараёндир. У юксак маънавиятни талаб этади. Сиёсатнинг мазмун ва моҳиятида жамиятнинг, давлатнинг, жамоатнинг маданий, маънавий фаолияти, интилиши акс этсагина, бу сиёсат халқ томонидан қўллаб қувватланади. Чунки унда умумхалқ эҳтиёж ва манфаатлари мужассамлашган бўлади. Сиёсат маънавиятни юксалишига таъсир этса, у барқарор бўлади. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ: «Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмуни шуки, юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузилмалари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишига кафолат берилади»,² - деб таъкидлаган эди. Давлатимизнинг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизда барқарор ривожланиш ва тинчлик, миллатлараро тотувлик ҳукм сураётганлиги Президентимиз фикрларининг яққол тасдиғидир.

Демак, маънавият тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша

¹ Қаранг: Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 3,10,29-бетлар.

² Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 71-бет.

мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маънавият, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз сиёсий фаолиятида маънавият ва маърифатни ривожлантиришга устивор вазифа сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Бу ҳолатни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият ва маърифатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, унга раҳнамолик қилиб келаётирлар. Юртбошимизнинг бирор нутқи, асари йўқки уларда у ёки бу жиҳатдан маънавият ва маърифат масалаларига ёндошмаган бўлсинлар.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсат даражасига кўтарилганлигининг яққол мисоли қилиб олдинги мавзуларда кўриб ўтганимиздек, 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисидаги; 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Президентимиз фармонларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 июлдаги «Маънавий – маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» қарори; Республика Олий Мажлиси биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва умумий ўрта таълимни ислох қилиш тўғрисида» қабул қилинган қонунни ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Кейинги ўтган давр мобайнида юқорида қабул қилинган фармон ва қарорларни, жумладан қонунларни бажариш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бунга мисол қилиб миллий-маънавий меросимизнинг тикланиши борасидаги ютуқларни кўрсатишимиз мумкин. Мустақиллик йиллари том маънода иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун ҳолда борганлиги тарихий ҳақиқат.

Халқимизнинг азалий қадрияти, сеvimли байрами «Наврўз» 1991 йилдан бошлаб Президентимиз Фармонига кўра, 21-март умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлади. 1993 йил буюк мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанд хазратлари таваллудининг 675 йиллиги нишонланди. 1994йил Улуғбек йили деб эълон қилиниб таваллудининг 600 йиллиги нишонланди, асарлари нашр этилиб, у барпо этган расадхона таъмирланди. 1996 йил мамлакатимизда ва жаҳон микёсида Амир Темур йили сифатида нишонланди. Мухташам “Темурийлар тарихи давлат музейи” ташкил этилди. 1997 йил эса мусулмон дунёсида «Ислом дининг гumbази»деб тан олинган қадимий Бухоро; очик осмон остидаги музей шаҳар бўлмиш Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги; 1998 йил буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225; улуғ астраном Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йилликлари тантана қилинди. 1999 йилда эса «Алпомиш» халқ эпосининг 1000; буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланган бўлса, 2000 йилда Абу Мансур Мотурудийнинг 1130; ислом ҳуқуқшунослигининг пешвоси Бурхониддин Мариғилонийнинг 910 йиллиги нишонланди. 2001 йилда эса ўлкамизда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи, аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий-тарихий мероси «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланди. 2003 йилда Нақшбандия тариқатининг асосчиси Адухолик Ғиждувонийнинг 900 йиллигига, 2004 йилда Хўжа Ахрор Валийнинг 600 йиллиги нишонланди. Мустақиллик йиллари улуғ аждодларимиз абадий кўним топган жойлар ободонлаштирилиб, макбаралар таъмирланиб халқимизнинг зиёратгоҳига айлантирилди. Бундай эзгу ишларга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилик қилиб келмоқда.

Юқорида келтирилган мисоллар мустақил Ўзбекистон давлатимиз маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсати борасидаги ютуқларимиздан бир нишона халос.

Маънавият, маърифат ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигини баён этишдан аввал сиёсат ва унинг маънавийлик жиҳатларини билиб олишимиз мақсадга мувофиқ.

Сиёсат энг йирик икки йўналишга – ташқи ва ички сиёсатга бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам ўзининг бир неча тармоқларига бўлинадилар. Бу ерда гап унинг тармоқлари ҳақида эмас, балки сиёсатнинг маънавият билан муносабатлари ҳақида бормоқда.

Сиёсат мамлакат ички ҳаётида икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Уларнинг бири тараққийпарвар, инсонпарвар, адолатли сиёсат бўлса, иккинчиси адолатсиз, реакцион сиёсатдир.

Мамлакатда фақат айрим гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳукмронлигини таъминлашга, меҳнаткашлар, халқ оммоаси манфаатларига зид бўлган, уларни бир-бирига қарама-қарши қуйишга ва шу асосида тор доирадаги гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат адолатсиз, реакцион сиёсатдир. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсида ҳукумронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг талон-тарож қилинишига, мамлакатда зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, маънавий ва моддий қашшоқликнинг вужудга келишига олиб келади.

Яқин ўтмишда собиқ шўро давлатининг маҳаллий халқларга, жумладан ўзбек халқининг миллий маънавиятига нисбатан олиб борган адолатсиз сиёсати унинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Натижада маънавий меросимиз бутунлай камситилди. «Пролетар маданияти», «маданият ва маънавиятга партия раҳбарлиги», «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият», «миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви ва келажакда қўшилиб кетиши» каби келажакга йўқ, сохта ғоялар халқлар онига мажбурлаб сингдира бошланди. Бу халқлар, миллатлар маънавиятига нисбатан юритилган адолатсизликка асосланган зўравонлик, сиёсатидир. Бу сиёсат миллий урф-одатларга қарши қаратилган бўлиб, у маҳаллий халқлар маънавияти ва маънавий меросини, миллийлигини камситиш ва йўқ қилишга қаратилган эди. Сиёсатни маънавият билан боғланиши тўғрисида ҳатто сўз юритилмасди.

Мамлакатда олиб бориладиган бундай адолатсиз, реакцион сиёсат нафақат унинг ичдан емирилишига, балки халқаро муносабатларда ҳам обрў-эътиборнинг тушишига олиб келади. Хуллас, бундай сиёсатнинг олиб борилиши мамлакатни таназзули ва ҳалокатига олиб келади.

Адолатсиз, реакцион сиёсатга қарама-қарши ўлароқ тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат мамлакат ва унинг халқи манфаатларига хизмат қилади. Бундай сиёсат энг аввало инсон зотини улуғлашни, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашни мақсад қилиб олади. Илм, маърифат, маданиятни, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билимни эгаллашларига кенг йўл очиш ва ғамхўрлик қилиш тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсатнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Бундай сиёсатнинг устиворлиги ва маънавиятли томони шундаки, у мамлакатда юзага келган муаммоларни ҳал қилишда вазминлик вазиятини вужудга келтиради, ҳар қандай тўпалон ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музокоралар, баҳслар яъни маънавий-маърифий йўл билан ҳал қилишга ёрдам беради.

Давлат тараққиётпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат олиб боришни мақсад қилиб олган ва унга амал қилган бўлса, у албатта ташқи сиёсатда ҳам ўзга халқларнинг ерларини тортиб олиш, уларни асоратга солиш, талончилик қилиш каби тажовузкор сиёсатни эмас, балки барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсатни олиб боради. Ташқи сиёсатда бундай йўлни тутган давлатлар қуролланиш учун кетадиган харажатларни мамлакатнинг маънавий ва маърифий ривожланишига сарфлайди. Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ҳам ички ҳам ташқи сиёсатда тараққиётпарвар, инсонпарвар ва

маърифатпарвар сиёсат олиб борилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. У танлаган йўл жаҳондаги мамлакатлар томонидан тан олинмоқда. 1997 йил мамлакатимизда «Инсон манфаатлари» йили, 1998 - «Оила» йили, 1999- «Аёллар йили», 2000 - «Соғлом авлод» йили, 2001-“Оналар ва болалар йили”, 2002- “Қарияларни қадрлаш” йили, 2003-“Обод маҳалла” йили, 2004- “Меҳр-мурувват” йили, 2005-“Сихат-саломатлик” йили, 2006-“Хомийлар ва шифокорлар” йили, 2007-“Ижтимоий ҳимоя” йиллари сифатида из қолдирди. 2008-йил эса “Ёшлар йили” сифатида ўтмоқда.

Мамлакатимизда инсонга энг олий қадрият сифатида қараб, ички ва ташқи сиёсатда унинг тинч яшаш ҳуқуқини таъминлашга катта аҳамият бериб келмоқда. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримов куйидагиларни таъкидлаган эди: “... инсоннинг энг устивор муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади”.¹ Булар давлатимизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш борасидаги сиёсатнинг амалий жиҳатларидир. Сиёсатнинг маънавий ҳаётга реал таъсири мамлакатда маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш тўғрисида кўрсатадиган амалий ишларда намоён бўлади.

Ўз навбатида фуқароларнинг юксак маънавиятга ва маърифатга эга бўлишлари мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Маънавият ва маърифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмрон бўлади ва у тараккий қилиб бораверади. Маънавият ўзининг салоҳияти билан халқ ва мамлакат ҳаётида сиёсатни тўғри, адолатли, инсонпарварлик йўналишида олиб боришда катта аҳамиятга эгадир. Давлатнинг куч-қудрати, унинг юксаклигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сиёсатни ана шу йўналишда олиб бориш саналади. Айни вақтда маънавият ва маънавий тадбирлар давлат сиёсатини оммага етказиб туришга яқиндан ёрдам беради.

4. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро муносабати

Ҳуқуқ – юридик маънода давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, нормалар мажмуини ифодалайди. Шунингдек, ҳуқуқ кишиларнинг, мамлакат фуқароларининг бирор иш-ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қоидалар билан мустаҳкамланган, гарантияланган имкониятлари, эрқлари, ихтиёрларини билдирувчи кенг маъноли тушунча. Чунончи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Маънавият иқтисод, сиёсат қатори ҳуқуқ билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, ҳуқуқ ва маънавият икки ёндош соҳа бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатиб туради. Уларнинг туташув ўринлари бениҳоя кўп. Ҳуқуқ ва маънавиятнинг энг умумий томони ҳар иккисининг жамиятда мувозанат ва уйғунликни сақлашга хизмат қилишидадир. Жумладан, ҳуқуқий жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар, фуқаролар, милларлараро мувозанат ва уйғунликни, маънавият эса инсон руҳидаги уйғунликни таъминлашга хизмат қилади. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, ҳуқуқ қонун йўли билан мустаҳкамланади. Айни вақтда қонунларнинг мукамаллиги уни қабул қилган инсонларнинг маънавий даражасига боғлиқ бўлади. Яъни инсонларнинг маънавий такомил даражаси охир-оқибат қонунлар мукамаллигини таъминловчи омил бўлади. Қонуннинг яна бир хусусияти унинг жамиятда адолат тарозуси вазифасини бажаришда намоён бўлади. Шу хусусияти билан

¹ Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 73- бет

жамиятда мўътадилликни сақлашга хизмат қилади.

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунлариданок олдимизга асосий мақсад қилиб ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйдик. Ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти бир қатор ўзига хос маънавий хислат ва фазилатлари билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий – маънавий ва сиёсий манфаатлари, яъни, кадр-қиммати, кадриятлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қонун орқали қафолатланади. Ҳуқуқий давлатнинг, шунингдек эркин фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлардан бири ҳуқуқнинг олий ҳуқумронлигидир. Ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса, ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Бундай давлатда барча фуқаро қонун олдида тенг бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини қонунлар тартибга солиб туради. Қонун сиёсатдаги маънавият сифатида ҳамма учун баробар ҳуқуқ ва масъулият юклайди ва инсонлар аро муомала меъёрини таъминлашга хизмат қилади. Ҳуқуқий давлатнинг негизи, унинг пойдевори қонун, қонунийликдир. Ҳуқуқий давлат қонун асосида фаолият юритадиган, қонун асосида яшайдиган, қонун белгилаб берган чизикдан ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқмайдиган давлатдир. Ҳуқуқий давлатда биринчи навбатда давлатнинг ўзи, унинг барча тузилмалари, мансабдор шахслар ҳам қонунга итоат этишлари мажбурийлиги Асосий қонунимиздир белгилаб қўйилган. Унинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»¹ дейилган.

Қонун ҳуқуқий давлатнинг пойдевори бўлса, қонунийлик унинг асосий тамойили, шарти эканлиги ҳақидаги масалага Президентимиз асарларида, нутқларида катта эътибор берилган. Унинг «Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» асарида бу ҳақда шундай дейилган:–“Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий – сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”.²

Қонун устуворлиги ҳақидаги Президентимиз ғоялари жуда чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий – маърифий, фалсафий маънога эга бўлиб, унинг туб моҳияти қуйдагиларни билдиради:

- қонуннинг устуворлиги барча жорий қонунлар ва меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши зарурлигини аңглатади;

- бу тамойил ҳуқуқий давлатда, жамиятда ижтимоий, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинишини ҳам билдиради. Кимда-ким бу қоидага амал қилмаса, жавобгар бўлади;

- қонун устуворлигига қатъий риоя қилиш-ҳуқуқий давлатнинг пойдевори ва асосий тамойилидир. У ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳаёт шундан далолат берадики, жамиятда қабул қилинган қонунлар, ахлоқий меъёрлар бузиладиган бўлса, бундай давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди. Фуқаролари қонунни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003, 5-бет.

² Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 321-бет.

писанд қилмайдиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди.¹

-қонун устуворлигига ҳилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқости қилиниши, улардан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, жамият ва давлатнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. «Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик иллати,- деб таъкидлайди Ислом Каримов,- бутун жамиятни заҳарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди»²

Қонун устуворлиги фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, кадр-қиммати, эркинлигини, шаъни, ғурурини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Қонуннинг куч-қудрати, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, одилона татбиқ этилишига боғлиқ.

Қонун устуворлигига асосланган давлатда чиқариладиган ҳар бир ҳукм тўғри ва адолатли бўлмоғи лозим. Шундай қилинса, ғирромлик, ижтимоий адолатсизлик, порахўрлик, давлат мулкни талаш, таниш-билишлик, уруғ-аймоқчилик қилишлар, мансаб лавозимларидан шахсий бойлик орттириш йўлда фойдаланишга уриниш каби салбий иллатларнинг олди олинадир. Бу эса халқнинг руҳини кўтаради, давлатимиз ва қонунларимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Агар қонун ноҳолисона қўлланилиб, қонун ижрочисининг оёғи тўғри йўлдан четга чиқса, ўғри қолиб тўғри, айбдор қолиб айбсиз, гуноҳкор қолиб бегуноҳ жазоланса, одамларнинг бурни ноҳақдан-ноҳақ қонаса, бундай адолатсизликлардан фуқаролар беҳад жабр-ситам кўради, натижада давлатимиз обрўсига путур ета бошлайди, жамиятимиз негизлари заифлаша боради.

Қонунга бўйсунуш ҳамма учун мажбурийлигини, қонун олдида барчанинг тенглигини, қонунларимизни назар-писанд қилмаган, уларни оёқ ости қилган кишилар миллати, жинси, катта – кичиклиги, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар жазо олиши, қонун олдида жавоб беришини ҳар бир шахснинг онгига чуқур сингдириш ҳамда эътиқодига айлантириш ўта муҳимдир.

Давлат ва жамият доирасида ҳуқуқ меъёрларининг белгиланиши одамларнинг қай даражада маънавиятга эга бўлишларига боғлиқдир. Мамлакат миқёсида қабул қилинадиган конституцион ва бошқа норматив ҳужжатларнинг даражалари шу мамлакат фуқароларининг маънавияти ва сиёсий маданиятини ифода этади. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчидан, конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини ва давлат сиёсатининг йўналишларини фуқароларнинг маънавияти ривожланиши даражаларига мос равишда расман белгилаб беради. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридан туриб қонун қабул қилиш ҳар қандай юксак даражадаги қонун ва норматив ҳужжатлар фақат фуқароларнинг маънавий салоҳияти ва сиёсий онги даражасидагина амал қилади, ундан нарига ўта олмайди. Аслини олганда, одамларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланадиган расман нормалардан юқори бўлиши керак. Ана шундагина фуқаролар жамиятнинг тараққий қилишида фаол иштирок этадилар.

Агар фуқароларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у қонунлар ва ҳужжатлар қанчалик фуқаролар манфаатларини ифода этмасин, улар қоғозда қолиб кетаверади. Бундай ҳолатда жамият ҳаётида икки салбий ҳолат ҳукм суради. Биринчидан, фуқаролар билан давлат ўртасида масофа узоқлашиб боради; иккинчидан, тараққиёт ҳақида айтиладиган сўзлар билан реал ҳаёт бир-бирига тўғри келмай қолади. Бу эса жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Бунга йўл қўймаслик учун давлат ўз

¹ Қаранг. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 184-бет.

² Ўша асар, 184-бет.

фуқароларининг маънавиятини ривожлантириши ва сиёсий онгини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши талаб этилади.

Мустақил Ўзбекистон давлати Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида фуқароларнинг маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни мустақил Ватанимизнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституциямизда яққол кўришимиз мумкин.

Бу Конституциямизда мамлакатимизда қурилмоқчи бўлган адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган жамият қуришнинг йўналишлари белгилаб берилган. Мустақиллигимизнинг моҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларининг нормалари белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳужжатда миллий хусусиятларимиз ва кадриятларимиздан келиб чиқиб, бир қатор ҳуқуқий нормалар белгиланганки, у ҳалқимиз маънавияти, қалби ва руҳияти қирраларини ўзида ифода этган. Жумладан, «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир»(45-модда), «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар»(46-модда), «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»(63-модда), «Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради»(64-модданинг 2-қисми), «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»(65-модданинг иккинчи қисми).

Кўриниб турибдики, Конституциядан келтирилган ҳар бир моддада давлатимизнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тўғрисида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Жумладан, 1996 йил 11-13 сентябрда Тошкентда инсон ҳуқуқларини таъминловчи миллий муассасаларнинг фаолиятига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Бу семинарда инсон ҳуқуқларини таъминлашдек энг долзароб масала муҳокама этилди. Президентимиз фармони билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилди. Бу давлатимизнинг умуминсоний маънавий кадриятларни таъминлаш йўлидаги дадил қадамидир.

Мамлакатимизда маънавиятимизнинг муҳим омили сифатида миллий тилимизнинг ёшларимиз томонидан чуқур ўзлаштирилиши, унинг чинакам давлат мақомини олиши зарурлиги мунтазам таъкидланиб келинмоқда. Ҳақиқатда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди.

Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилинганлигига (1989йил 21октябрь) 19 йил бўлаяпти. Тилимизга бериладиган бундай имконият учун қанчадан-қанча миллатпарвар одамларимиз кураш олиб бордилар. Лекин вақт ўтиши билан «ҳис – ҳаяжонларимиз» сўниб бормоқда. Бир қатор жойларда давлат тилини жорий қилиш қониқарсиз аҳволда эканига ачинасан киши. Хусусан, ҳужжатлар рус тилида тўлдирилади, ҳисоботлар рус тилида талаб қилинади, мажлис баёнлари рус тилида олиб борилади, кўчалардаги рекламаларда ғализ жумлалар кўзга ташланади.

Аслида давлат тилини барча жабҳаларда жорий этиш бўйича республика, вилоятлар ва шаҳарларда махсус ҳайъат тузилган. Бундай ҳайъатларнинг иши ҳам суст, талаб даражасида эмас. Бу ҳол албатта маънавиятимиз ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказади.

Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқи ва бурчларини билишлари, унга амал қилишлари жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорликни ва қонунларнинг устиворлигини таъминлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг роли ортиб боради. Бинобарин, жамиятда қабул қилинган қонунларга нисбатан ҳурмат билан қараш ҳар бир фуқаронинг шахсий эътиқодига, маънавий бурчига айланиши керак. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Ҳуқуқий

маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириши муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.»¹

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳот ва унинг ҳуқуқий талаблари ҳар бир фуқаронинг онгига етиб боришига, этиқодига айланишига, энг муҳими кундалик турмушдаги амалий фаолияти мезони бўлиб қолишига, яъни турмуш тарзига айланишига хизмат қилиши зарур. Бу нафақат сиёсий-ҳуқуқий, айтилган вақтда маънавий тараққиёт эҳтиёжи ифодаси ҳамдир.

Демак, маънавият, унинг ранг-баранг кўринишлари ҳуқуқ, қонунчилик тамойиллари билан узвий боғлиқдир.

Юртбошимиз Ислом Каримов сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда, инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда инсон манфаатлари устивор бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш лозимлигини таъкидлаб: «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У- қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданиятидир. У-одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани – турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»,² - деган эди.

Ҳуллас, ҳуқуқий маданият, унинг моҳияти ва мазмунини маънавиятсиз тушуниб бўлмайди.

Қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб етиш ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилати. Бу адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган янги жамият қуришнинг ҳам кафолатидир. Худди шу маънода ёшларимиз, талабаларимиз ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришлари ва сиёсий онглари ривожлантиришлари бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Ҳокимият бошқарув тизимига маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш - ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт

Ҳокимият ўз моҳияти ва мақомига кўра раҳбарлик ва ҳуқумронлик қилиш муносабатларини ифода этувчи тушунчадир. Ҳокимият алоҳида шахс, гуруҳ, одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиш ва уларнинг ҳаракатларини бошқаришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этди. Натижада янги давлат органи-вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқаруви вужудга келтирилди. Ҳокимлар ўз фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадilar, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш, ҳаётга жорий этишда бевосита иштирок этадилар. Шу жумладан, ҳокимликлар давлатнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги

¹ Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994,48-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий –иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995,29-бет.

сиёсатини амалга оширишга ҳам масъулдир.

Маънавият ҳокимият тизимида турли табақа, турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади.

Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик давлатни қуришни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсаднинг самарали амалга ошиши давлат бошлиғи ва жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараши, оғир вақтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар шахснинг маънавий, ижтимоий – сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандлари ҳокимият тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Яъни Шарқ мутафаккирлари давлат ва жамият, подшо ва раият ҳақида ёзганда, нуфузли инсоннинг маънавий етуқлигига, поқлигига, ҳалоллиги ва тўғрилигига асосий эътиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар.

Биз бу ўринда буюк мутафаккир ва давлат арбобларининг раҳбар кишилар, мансабдорларнинг ҳокимиятни бошқаришда ўзлари амал қилган маънавий – ахлоқий меъёрлари ва бу борада қолдирган баъзи мерослари ҳақида батафсилроқ сўз юритишни лозим топдик. Зеро, бу бугунги кунимиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб олишимизга ҳеч бир шубҳасиз яқиндан ёрдам беради.

Амир Темур ҳам ўзи барпо этган буюк давлатни миллий, исломий, ахлоқий қадриятларига таяниб идора қилди. Бу эса жамиятни адолат, инсонпарварлик мезонлари асосида бошқаришга, мамлакатда осойишталик, тинчлик, тотувлик сақланиб туришига олиб келди. Темурнинг юксак ахлоқий фазилатлари ҳам улкан империяни яратиш, уни ривожлантириш, жаҳондаги энг қудратли давлатлардан бирига айланишига асос бўлган маънавий омилдир. Темур ўз қўли остидаги раҳбарлардан, саркардалардан ҳам ахлоқли, одобли, адолатли бўлишни талаб қилди. У ўзининг «Тузик»ларида раҳбарларнинг ахлоқли, адолатли бўлиши жамият, давлат ва миллат учун қандай катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, амалдор-мансабдорларнинг қуйидаги вазифаларини белгиллаган: «Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирларни сақласин, токи подшо зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди».¹

Буюк салтанат соҳиби бўлган Амир Темурнинг давлат ишини тўғри одилонга бошқаришига асос бўлган маънавий – ахлоқий фазилатлари қуйдагилардан иборат бўлган: ақли расо, хушёр кишилар билан бамаслаҳат иш юритиши; ишбилармон, тадбиркор, мард, шижоатли, хушёр кишиларни қадрлаш; одамларга раҳм – шафқатли бўлиш; одамларни рози қилиш; ёмонлик қилиб, кейин тавба қилганларни кечириш; гина ва адоват сақламаслик; жасур, шижоатли кишиларни дўст тутиш; ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмаслик; улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд қаторида кўриш; халққа зулм қилган кишиларни кечирмай жазолаш; олим-у фозиллар ижодига йўл очиш; сармоясиз қолган савдогарларга, деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган кишиларга ёрдам бериш; ҳар кимнинг сўзига қулоқ солиш ва ўз ақли билан хулоса чиқариш; иғвогар ва тухматчиларнинг сўзларига қулоқ солмаслик; зарур бўлиб қолса, қатъий чоралар кўриш; меҳнатсевар, ҳайр – эҳсонли кишиларни қўллаб – қувватлаш ва бошқалар. У ҳатто ўз фарзандларига қолдирган васиятида ҳам халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг маънавий – ахлоқий камолотини давлат барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири деб қараган. Бу унинг ўз фарзандларига қарата айтган қуйдаги сўзларида кўринади: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни

¹ Темур тузуклари. Тошкент, «Наврўз» нашириёти, 1992, 23-бет.

бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин».¹

Темур тарихда қолдирган яхши ном, у таянган ва тарғиб этган маънавий – ахлоқий қоидалар, одоблилиқ мезонлари биз авлодларга қолдирган буюк меросдир. Донишмандлар тарихда яхши ном қолдиришни иккинчи умир деб бекорга айтмаганлар. Буюк бобомизнинг маънавий – ахлоқий ўғитлари ҳозир ҳам бизга дастури амал бўлгани соҳибқироннинг иккинчи умридир.

Алишер Навоий ҳам бутун умри давомида раҳбарнинг маънавий тубанлашиши шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ниҳоятда ҳатарли эканини кўрсатиб ўтган. У мансабдорнинг маънавий – ахлоқий тубанлашиши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасвирлаб қуйдаги ҳикматли фикрларни айтган: «Инсон мансаб ва катталиқни севиши табиийдир. Бу ишда нафс ихтиёрсиз ва кишининг сезгисини эгаллаш билан шуғулланишини талаб қилади; мансабнинг ҳосияти ғафлатни орттирувчи ва подшоҳликнинг маст қилувчи илтифоти хуш олувчи ва шундай кишига халқнинг иши кўп тушади. Бундай кишининг хушёр бўлиши жуда оғир. Агар у гоҳо ақл мадади билан ўзини тута олса-да, бироқ мансаб мастлиги уни ҳолига қўймайди. Ҳақиқатдан, шу мастлик чоғида, фалакнинг интиқом олувчилиги, ғаддорлиги ва фалак Ҳоликнинг адолатли ҳоким эканлиги қачон унинг хотирига келади? Орттирилган қудрат ва мартабанинг баҳоси йўқ ва умр фойдасиздир. Унинг ёмонликларидан фақат душманларгина кулиб қўя қолмай, расволигидан дўстлари ҳам шармандадир... Хулоса: нафси пок ва ақли соф кимса бу мастликлардан ўзини беҳуш қилмасин ва ўзини ўзбилармонлик ва ўзбошимчаликка солмасин. Зулм кўрган дардманларнинг ҳолига боқсин».²

Подшоҳ ва мансабдорларнинг халқ билан муносабатига асос бўладиган маънавий – ахлоқий омиллар, одоб қоидалари устида тўхтаб, яна қуйдаги фикрларни айтган: «Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ёмон ҳолга тушган ва тубан кимсаларнинг ишларини марҳамат ва юмшоқ сўзлар билан тўғирласинлар. Қаттиқ сўзлар билан дарвешларнинг дилларини ранжитмасинлар. Дили яраларнинг жароҳатига мулойим сўзлар билан малҳам бўлсинлар. Нафс ва шайтон фирибидан хотиржам ўтирмасинлар. Ўлим фариштаси қасдини ўзларидан узок кўрмасинлар, ҳар бир ишда ихлос ва ростликни касб этсинлар. Подшо давлати, халқ ва сипоҳ ишларини тузатиш борасидаги тўғри сўздан кўрқмасинлар ва айтаберсинлар. Худой сақласин, ғурурлик майи билан маст ва беҳуш қилмасинлар. Дунё ишлари учун бирига хусумат қилмасинлар. Бошга бирор машаққат иш тушса, сабр ва чидам паноҳига сиғинсинлар. Ёшларга шафқат, тенгқурларга муваффақият ва мадора, катталарга иззат ва ҳурмат кўрсатиш йўлларига риоя қилсинлар»³

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шахри» номли асарида давлатни бошқарувчи раҳбар шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, раҳбар аввало соғлом, ақлли, хушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фаровонлик ҳам бўлади, деб кўрсатади.⁴

Буюк бобокалонларимизнинг юқорида келтирилган фикрларида мансабдор инсон фаолиятига асос бўладиган мукаммал маънавий – ахлоқий қадриятлар тизими баён этилгандир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик даврида давлат раҳбаридан, ҳокимият тизимида ишлаётганлардан жуда катта масъулият ва фидойилик ҳамда маънавийлик талаб этилади. Ҳокимият тизимидаги ҳар бир раҳбар шахс бутун ҳаёт завқини машаққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ва халқ ҳаёти йўлига

¹ Юқоридаги асар 34-бет.

² Хондамир. «Макоримул-ахлоқ», Тошкент, ЎзФА нашириёти, 1948, 40-41 бетлар.

³ Юқоридаги асар, 40-41 бетларда

⁴ Қаранг. Фозил одамлар шахри. Тошкент, 1993, 186 -187-бетлар.

тиккан ватанпарвар, халқпарвар, ҳалол, пок, тўғри, адолатли – қўйингчи ҳар томонлама юксак маънавиятли, баркамол инсон бўлиши керак.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида таъкидлаганидек, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди. Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароғатидан кечишини, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қилади. Бундай қараш ҳар биримиз учун, шу жумладан, айниқса ҳокимият тизимида ишлаётганлар учун одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Раҳбар ходимлар ўз ҳаёт фаолиятларида давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш тамойилларига амал қилишлари юксак маънавийлик мезонларига мос тушади. Агар раҳбар ходим айшу-ишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйса, ўша жойда қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипдан чиқиб кетиши табиий ҳол. Раҳбар ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кабиларга йўл қўйса, бу тараққиётимиз ва тинч-фаровон ҳаётимизга хавф соладиган таҳдидга айланади. Ҳокимият тизимидаги раҳбар ходимларнинг маънавий қиёфасидаги бундай салбий иллатлар жамиятимиз, мустақиллигимиз учун катта хавф эканлиги Ислом Каримовнинг «Ўзбекист он ХХІаср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида кенг, атрофлича баён қилиб берилган. Гап шундаки, ҳокимиятнинг бошқарув тизимида ишлаётган раҳбар ходимлар амалдан мағрурланиб, боши айланиб, ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна оғайничилик, уруғ-аймоқчилик иллатига йўл қўйса, бундай раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Эл-улус назаридан қолади. Президентимиз айтганидек, раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирор ҳайрли иш қила олдими?

Кимдан боғ қолдию, яхши ном, яхши хотира қоляптию, кимдан ёмон ном, доғ, иснод қоляпти, буни одамларнинг ўзлари ажратиб олади.¹

Хулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимига маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодиёт фани нимани ўрганади?
2. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунаси?
3. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўлини қандай тушунаси?
4. Нима учун маънавият ва иқтисод ўзаро боғлиқ?
5. Тадбиркорнинг маънавий хислатларига нималар киради?
6. Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий заминлари нималарда деб биласиз?
7. Сиёсат ва унинг йўналишларини қандай тушунаси?
8. Ўзбекистон сиёсатининг маънавий жиҳатларини изоҳланг?
9. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади?
10. Ҳуқуқий, демократик давлатнинг асосий белгилари нималарда деб биласиз?
11. Ўзбекистон Конституциясидан халқимиз маънавияти ва руҳияти қирраларини акс эттирувчи мисоллар келтиринг.

¹ Қаранг. Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ мафаати ҳар нарсадан улуғ. «Халқ сўзи» газетаси, 1998йил 11 ноябрь.

3-МАВЗУ: ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ. ИСЛОМ ДИНИДА МАЪНАВИЯТ ВА ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

Режа:

- 1. Жаҳон маънавияти ва маърифати ривожига Марказий Осиё халқларининг кўшган ҳиссаси.**
- 2. Туркий битиклар. Қадимги Шарқ манбалари. Археологик ёдгорликлар. Халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабий мерос намуналари.**
- 3. Мустақиллик даврида диний қадриятларнинг тикланиши ва уларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.**

1. Жаҳон маънавияти ва маърифати ривожига Марказий Осиё халқларининг кўшган ҳиссаси

Жаҳон маънавияти ва маърифатининг ривожига жамики халқлар баҳоли қудрат ўз улушларини кўшганлар. Аммо бунда Шарқ мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё халқларининг кўшган ҳиссаси алоҳидадир.

Марказий Осиё жаҳоннинг илму фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи, маънавияти ниҳоятда бой минтақалардан биридир.

Бир неча минг йилликларда шаклланган Марказий Осиё халқлари миллий маънавияти такомил босқичлари мазкур ўлкада юз берган маданий ривожланиш жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу сахнда юз берувчи маънавий ҳодиса саналади. Халқимиз маданий-маънавий тараққиёти ўта мураккаб тарихий силсилалар, ўзгаришлар ва ҳодисалар мажмуини ташкил этади.

Ана шу мураккаб ва кўп минг йиллик маънавий такомилимиз жараёнидан асосий бўғинларни ажратиб олишимиз лозим. Бусиз миллий маънавиятимиз ривожланиши босқичлари ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиб, миллий маънавиятимизнинг бир неча минг йиллик тарихини беш даврга ажратиб кўздан кечиришни кўп жиҳатдан мақбул билдик:

1. Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиёти.
2. Илк Шарқ уйғониш даври (IX-XII асрлар)да маънавият ва маърифат ривож.
3. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида (сўнгги уйғониш даври) маънавий-маърифий такомил масалалари.
4. Хонликлар, мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият.
5. Мустақиллик ва маънавий покланиш, маънавий тикланиш ва маънавий ривожланиш масалалари.

Бу даврлар ўз ичига олган тарихий даврлар муддатига кўра асло тенг эмас. Биз назарда тутган биринчи давр бир неча минг йилларни қамраб олса, иккинчи давр IX-XII асрларни, учинчи давр XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрларни, тўртинчи давр эса XVII дан XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига қадар бўлган даврни қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Мазкур мавзуда Исломгача маънавиятимиз такомил, мазмуни ва моҳияти ҳақида фикр юритамиз. Исломгача бўлган миллий маънавиятимиз ва унинг такомиллашиши ҳақидаги энг муҳим манбалар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин. 1.Зардуштийликнинг “Авесто” китоби ва туркий битиклар (ёзувлар). 2. Қадим Шумер, Бобил, Ашшур, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва Эрон шаҳаншоҳларидан қолган тошбитиклар. 3. Археологик ёдгорликлар – моддий ашёлар ва турли иншоотлар. 4. Халқ оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф - одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар ва бошқалар.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавияти ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб қолган халқ оғзаки ижоди намуналари: миф, афсоналар, ривоятлар, достонлар ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир.

Авлоду аждодларимизнинг қадим ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, тили, тарихи, маданияти ва маънавиятини бадиий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар, афсоналар, қаҳрамонлар тўғрисидаги достонлар, тўй-ҳашамларда, халқ йиғинларида, байрамларда, маросимларда, сафарларда, меҳнат жараёнида айтилган ашула-қўшиқ ва лапарлар, марсиялар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар халқимиз оғзаки ижодиёти маданияти ва манавиятининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир.

Тарих қаъридан, неча-неча ўтмиш далғовли даврлардан бизгача эсон-омон етиб келган мифлар, афсона ва ривоятлар, достонлар, эртақ мақол ва қўшиқлар, ёзма ёдгорликлар, ўтмишнинг шунчаки бир акс садоси эмас, балки аждодларимиз кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва қувончу шодликнинг йўлдоши, унинг билим комуси, диний, фалсафий, маънавий китоби ҳамдир. Улар кишиларни меҳнатни севишга ўргатган, табиатнинг хатарли кучларига қарши курашиш ва уларни олдини олишда одамларга ёрдам берган, оламда рўй бериб турадиган мураккаб ҳодисалар ва жараёнлар сир-асрорларини билиб олишга ундаган, инсонларнинг фикри, тафаккури ва ҳаётини ўтмишдан келажакка томон тортган, ҳаётни севишга даъват этган.

“Авесто”да инсон ва унинг маънавияти масалалари

Бизнинг ота-боболаримиз асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларни ифода этадиган юқоридаги каби маънавий ёдгорликлар орасида бундан қарийиб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий меросимиз алоҳида ўрин тутати. Бундай ўлмас маънавий бойликлар, моддий-маданият ёдгорликлари бу кўҳни ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият, юксак маънавият мавжуд бўлганидан далолат беради.

Зардушт томонидан бир тизимга солиниб тўлиқ шакллантирилган зардуштийлик динига қадар аждодларимиз ҳар-хил диний тасаввурларга эътиқод қилиб яшаганлар. Бу эса заминимизда яшаган барча қабилаларнинг тинч-тотув яшаш ва босқинчиларга қарши курашда ягона ғоя – мафкура асосида уюштишларига тўсиқ бўлар эди. Ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш, уларни илк буюк давлатчилик ғояси атрофида уюштириш зарурияти юзага келган эди. Ана шундай заруриятни тушуниб етган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт тарих саҳнасида пайдо бўлди. У кўп ҳудолилик тасаввурлари, табиат ҳодисаларига сиғинишга қарши чиқиб, якка ҳудолик ғоясини тарғиб қилди. Уни одамлар пайғамбар сифатида қабул қилишган. Зардуштийлик жуда қадимий динлардан бўлиб, ибтидоий тузумдан қулдорликка ўтила бошлаган пайтларда Марказий Осиёда пайдо бўлган ва алоҳида ўзига хос диний дунёқараш сифатида шаклланган. У ўтмиш қадимги динларининг энг кучлиларидан бири сифатида Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон территорияларида кенг тарқалган, биринчи жаҳон дини бўлган. Ҳатто Эрон салтанатининг расмий давлат динига айланган.

Мазкур диннинг асосчиси Зардушт баъзи манбаларда қайд этилишича, эрамиздан аввалги 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Отаси саводли бўлиб, қароматгўй бўлган. Зардушт 20 ёшидан бошлаб якка ҳудоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Уни осийшга ҳукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон орқали Эрон томон йўл олади ва ўз ғояларини тарғиб этади. У 77 йил умр кўрган.

Зардуштийлик ғояларининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби “Авесто” бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар давомида шаклланиб борган. Зардушт «Авесто»нинг қадимий нусхаларини ўрганиб ва тўплаб 30 та қохин билан уч йил давомида бир тизимга солган, гоҳлар қисмини ўзи ижод қилиб 12 минг ҳўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан “Авесто” матнини ёздирган.

Мазкур динга, унинг муқаддас китоби “Авесто”га Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида катта путур етказилган.

Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида бу ҳақда шундай маълумотлар келтирилган: “Доро ибн Доро ҳазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусҳаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни (“Авесто”ни) қуйдириб юборди. Шунинг учун Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто ўттиз наск (қисм) эди. Мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди”¹

“Авесто” нафақат шарқ халқларининг, балки бутун инсониятнинг фарахли “болалик” паллалари билан боғлиқ олам ҳақидаги эътиқод, билим ва тасаввурлар қомусидир.²

“Авесто”да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, қоинот ва ердаги дунёнинг, ҳаётнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжоннинг тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, набобати, илм-фани, маънавий ҳаёти ўз аксини топган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир.

“Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди”.³

“Авесто” қуйидаги беш қисмдан иборат:

1. Вендидод – 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда Ердаги барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги баён этилади.
2. Виспарад – 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Зулмат кучларига қарши кучлар қуйланади.
3. Ясна – 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимида айтиладиган қўшиқлардан ташкил топган.
4. Яшт – 22 қўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик маъбудлари мадҳи қуйланган.
5. Хўрда Авесто – Кичик Авесто – қуёш, ой ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

“Авесто”нинг бизгача етиб келган нусҳаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Копенгагендаги кутубхонада сақланиб келинмоқда. “Авесто” таълимотига кўра олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Аахриман унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўللарга бошлайверади.

Китобда эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги абадий курашда оралик йўқ, бинобарин

¹ Қаранг. Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998, 101-бет.

² Қаранг. Тилаб Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. Тошкент “Шарқ”, 2000, 44-бет.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ”, 1998, 10-бет.

ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур эканлиги айтилган. Бир-бирига қарама-қарши бўлган ва ўзаро курашаётган кучларнинг қайси бир томонида туриш, унда таъкидланишича, одамларнинг иймон-этиқодига боғлиқдир. Иймон-этиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради, эзгуликни ёвузликдан фарқлайди, ёвузлик тимсоли бўлган девлар, иблисларга қарши курашади.

Мазкур курашда эса эзгуликнинг ёвузлик, ёруғликнинг зулмат устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Зардуштийлик ва унинг китоби “Авесто”да маънавият ва маърифат масалалари ҳам муҳим ўрин тутати.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан мураса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-содиқда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш – иймонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Иймонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни ўз иймонига хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади “Авесто”да. Иймонли одам, албатта эзгулик тарафида туради; ўғрилик ва талончиликдан, бегоналар мол-мулкни талон-тарож қилиш, уларга кўз олайтириш, ўзига-ўзи, виждонига хиёнат қилиш кабилардан ўзини сақлайди; ҳам танини, ҳам қалби яъни руҳини пок тутати, деб таъкидланади. “Авесто” одамларни ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан сақланиш, ёмон амаллардан воз кечиш, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган маънавий-ахлоқий қоидалар, диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўплиги билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

“Авесто”да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб билади. Инсон саҳоватли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. “Авесто”да: “Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиклантириб туради...” дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. “Ғалла ердан униб чиққанда, дейилади – “Авесто”да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб-ун қилинаётганда қоча бошлайди, хамир қилинаётганда эса девлар маҳв бўлади...” деб меҳнат улуғланади. Меҳнатни ёқтирмайдиган дангаса, танбал кишилар қаттиқ қораланади. Кимки ерга вақтида ҳам ўнг қўли, ҳам чап қўли билан ишлов бермаган, меҳнат қилмаган бўлса, ундай кимсаларга Замин: “О, сен одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан ҳар-хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган: тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул абад шундай бўлажак”¹, - деб жавоб беради.

Зардушт худо Ахурамаздадан ер юзидаги энг яхши жой қаерда, деб сўраганида у, инсон меҳнат қилиб қаердаки ўзига уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил, ўша гўша улуғдир, мухтарамдир, деб жавоб беради.

“Авесто”да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қуйидаги учликда: Гумата – яхши фикр, Гугта – яхши сўз, Гваршта – яхши ишда ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз,

¹ Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998, 101-бет.

яхши ишга шон-шавкат бахш этаман”, - деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик, хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ўз ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдосотиқ ишларида ҳалол бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғрилиқ ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушуниланган.

Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Президентимиз айтганидек, “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойил негизида ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мутаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.¹ Шу билан бирга мазкур тарихий ёдгорликда ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод қаттиқ қораланади. Ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислиқ, ўзаро ҳурмат, иззат-икром каби маънавий-ахлоқий фазилатлар улуғланади. “Авесто” дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

Асрлар ўтибдики “Авесто”да олға сурилган бундай эзгу ниятлар, эзгу калом ва эзгу амал ҳамон барча инсонларни эзгулик томон қорлаб, уларни руҳан поклаб, юксак маънавийлик томон йўллаб келмоқда.

Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешафқат бўлишни қатъиян ман этади. Ҳайвонларни қалтаклаш ва қийнаш – гуноҳ деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади. “Авесто”да тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган.

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, мазкур тарихий асарда бизнинг замонда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган маънавий муаммо табиатни асраш масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Бу ўта муҳим муаммога эътиборни қаратиб Ислом Каримов: “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолдўа кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади”,²-деб айтган эди

“Авесто”да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг қуда-анда бўлиши қораланган.

Ҳозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аجدодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлар ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

Кўринадики, Марказий Осиёда кенг тарқалган қадимий зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига катта аҳамият берилган. Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги Зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш таъқиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳи содир этса, ундай кишилар таёқ

¹ Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 32- бет

² Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 32- бет

билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт ўтказиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахт ўстириш кераклиги таъкидланган. “Авесто”да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган. Қасддан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилган ва белига темир камар боғлаб юриш буюрилган.

“Авесто”да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи илон ва жом берилган. Демак табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки биздан бошланган. Бу ҳам бизнинг маънавиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. “Авесто”да маърифатни, илм ва ҳунарни эгаллаш ва уни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган.

Хулоса шуки, “Авесто” китобида аجدодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда ёвузлик, жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон иллатлар қораланади. Соф кўнгилли бўлиш, ҳиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик, меҳнатсеварлик каби маънавий фазилатлар тарғиб этилади.

Бу қадимий меросни ўрганиш, ундаги умумбашарий ва абадий кадр-қимматга эга маънавий ғояларни тарғиб этиш халқимизни, хусусан ёшларимизни маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Монийлик ва маздакизм таълимотларида маънавият масалалари

Марказий Осиёда қулдорлик жамияти эрамизнинг 2-3 асрларига келиб инқирозга юз тутди ва ўз ўрнини феодал муносабатларига бўшатиб бера бошлади. Бу ҳолат зардуштийлик ичида янги оқим Монийлик таълимотининг юзага келиши ва кучайишига олиб келади. Ушбу оқимнинг асосчиси Моний (216-276 й) бўлиб, у тарихий шахсдир. Унинг таълимоти ҳукмрон табақалар манфаатига зид бўлгани учун 276 йилда ваҳшийларча ўлдирилди. Моний бой адабий мерос яратган бўлса ҳам, лекин унинг баъзи асарларидан парчаларигина бизгача етиб келган, холос. Унинг маънавий-ахлоқий қарашлари “Сир ул асрор” (Сиру асрор китоби), “Китоб-ул-худовост-тадбир” (Раҳбарлик ва бошқарув китоби), “Шабуркан” ва бошқаларда баён этилган.

Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик таълимотига асосланган бўлиб, кенг халқ оммасининг манфаатига мос келар эди. Монийлик таълимотида дунё – зиё (ёруғлик) ва зулмат (қоронғулик)нинг абадий кураш майдонидан иборат, мана шу кураш майдонида инсоннинг асосий вазифаси ёвузликни йўқ қилиш учун яхшилик, эзгуликка кўмаклашишдан иборат деган маънавий-ахлоқий таълимот илгари сурилади.

Моний таълимотида кўра, инсон соф мусаффоликка, ўз гуноҳларидан фориғ бўлишга фақат таркидунё қилиб ҳаёт кечириши орқалигина эришиши мумкин, деб қаралади. Монийлик ахлоқи диндорлардан имкони борича кам овқат ейишни, рўза тутишни (демак рўза тутиш одати исломдан аввал ҳам бўлган), ўз турмуши, ҳаёти учун кераклигидан ортиқча мол-мулкка, бойликка йўл қўймасликни, мўътадил, ўртача, дабдабасиз ҳаёт кечиришни тарғиб этади. Моний ўз муридлари, издошларини дунёвий ишларда “сурбет” бўлмасликка ва дунёда кўп нарсаларга интилмасликка даъват этади. “Зеро ўлимдан кейин ҳеч кимсада рўзгор асбоблари билан ҳовли ҳам, уй ҳам қолмайди”. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти давомида орттирган бойликларини ўзи билан олиб кета олмайди, уларнинг ҳаммаси ундан кейин қолиб кетади. Моний айтади: “Мен ўз умримда кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда ахлоқсизлик қилиб, манманликка берилиб юрдилар, аммо охирида ғам-аламларга, тубанликка дучор бўлдилар”. Демак, Монийнинг бу сўзларидан биз ҳам ибрат олишимиз фойдадан ҳоли эмас.

Эрамизнинг V аср охири VI аср бошларида Эронда “маздакизм” деб аталган бошқа диний-фалсафий таълимот юзага келиб, у Марказий Осиёда ҳам кенг ёйилди. Маздакизм феодад муносабатларнинг ривожига ва у билан боғлиқ ҳолда халқ аҳволининг оғирлашуви ва икки ўртада зиддиятлар ва курашнинг кучайиши оқибатида юзага келган. Маздак таълимоти ҳам жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи бўлган инсон омилини кўтаришга, маънавиятини ривожлантиришга қаратилган эди.

Маздакизмнинг Монийлик таълимоти билан кўп ўхшаш томонлари бор. У Монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик – ноумидлик ғояларини дунёга умид билан қараш ғояларига алмаштиради.

Маздак Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган. Деҳқонлар кўзғолонига йўлбошчилик қилганлиги учун 529 йилда Анушервон томонидан қатл этилган. Маздак феодад мол-мулкни умумийлаштиришни, феодадлар ҳукмронлигини йўқотишни талаб қилади.

Монийликдаги каби маздакизмда ҳам дунёни тушуниш негизда бир-бирига қарама-қарши икки куч: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат кураши ётади деб қаралади. Бу курашда яхшилик ёмонлик устидан, ёруғлик зулмат устидан ғалаба қилади, деб ишонч билдирилади. Маздакнинг айтишича, ёмонлик ва зулмат кучлари ҳукмронлик қилар экан, кишилар уларга нисбатан бефарқ бўлишлари керак эмас, балки яхшилик кучларига ёрдам беришлари керак.

Маздакнинг фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасида зикналик, ўғрилиқ, ёмонлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман фалокат ва бахтсизликлар каби иллатларни келтириб чиқаради. Шу боисдан бундай ёвузликларни келтириб чиқарувчи асоснинг ўзини тугатиш керак, деб ҳисоблайди. Аллоҳ ҳаммага мол-мулкни тенг бўлиб берган, аммо бойлар худбинлик йўлларига ўтиб (ўзим бўлай), барча бойликни ўзиники қилиб олиш йўлига ўтган. Камбағаллар ҳам мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга, шунинг учун бой-бадавлат кишилар мол-мулкнинг бир қисмини улар ўртасида тақсимлаб бериш, бойлар билан қашшоқларни тенглаштириш одилонга иш бўлади деган ғоя илгари сурилади. Албатта Маздакнинг бундай қарашлари ҳукмрон табақа манфаатларига зид эди. Мана шунинг учун ҳам Маздак ва унинг тарафдорлари таъқиб остига олинди ва улар шафқатсизларча жазоландилар.

Маздакизм маънавий-ахлоқий таълимотида ҳам худди Зардуштийлик таълимотидаги каби ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилиш, уриш ман этилади.

Хулоса шуки, Монийлик ва маздакизм Марказий Осиё халқлари маънавий юксалишида, айниқса уларнинг адолатсизлик, зулм, зўрлик, шафқатсизликка қарши курашишга ўз таъсирини ўтказган.

Мавзу охирида инсон маънавийлиги мезонлари ва меъёрлари ҳақида “Авесто”дан намуналар келтиришни маъқул кўрдик, зеро уни ўқиган ёшлар учун фойда ва ибратдан ҳоли эмас.

Мол-дунёга хирс қўйма, очкўз бўлма. Дунё(бойликка) хирс қўйиш дунё лаззатларини бемаза, беҳаловат қилади. Самовий абадий лаззатлардан маҳрум этади.

Ғазабдан ўзингни асра, чунки ғазаб туфайли инсон ўз ишларини, эзгу мақсадларини унутади... ҳалол меҳнатдан қолади. Ғазаб туфайли ҳаётда ҳаловат йўқолади, сафо ўлади.

Уйкуга ружу қўйма, савоб ишдан қоласан.

Сергаплик гуноҳларни кўпайтиради. Камсуханлик эзгуликларни кўпайтиради. Чунки камсуханлик фикрлаб сўзлашга имкон беради.

Тиришқоқ бўл, топганинг билан тирикчилик қил. Ортганини эҳсон қил, у эзгу ишлар орасида энг улуғи ва зарури.

Ўзгалар молини олма, акс ҳолда ўзингникини йўқотасан.

Зино, ўзгалар хотинига қараш бойлигингни, танингни, қалбинг ва руҳингни ғарот қилади.

Қасд қидирувчи одамдан йироқ бўл, очкўз билан ҳамкорлик қилма, унга айниқса ҳокимият берма.

Хотин олсанг олижаноб, хушодоб, оқила қизга уйлан.

Маст билан ҳамроҳ бўлма, нокасдан қарз олма.

Илм ўрганиш, илоҳий ҳақиқатларни билиш... йўлида тиришқоқ бўл, чунки бу ақлингни, руҳингни ўстиради, қалбинг ва руҳингни савобга дохил қилиб, гуноҳдан асрайди.

Савоб иш яхши ниятдан бошланади. Ҳақгўйлик адолат учун заминдир. Ёлғон сўздан адолатсизлик туғилади..

Эзгу ишни бошлаш учун дадиллик керак. Дадил бўлиш учун ишингни ҳақлигига ишонч керак.

Борингга қаноат ва шукур лозим. Борни ҳалол кўпайтириш эса меҳнат билан.

Ўз руҳинг билан зиддиятга тушмасликнинг бирдан-бир йўли фойдали меҳнат, меҳнатдан руҳан қаноат олишдир.

Соғлиқ учун муҳим шарт меъёрида тановул қилиш. Танни меҳнатда тутиш. Ғамгин бўлмаслик учун қаноатли бўлиш лозим.

Оқил ҳукмдорнинг ишини қувватлаш фуқаронинг фарзидир. Ҳукмдор яхшини ёмондан ажрата билиши адолат учун муҳимдир, яхшини эъзозлаш, ёмонни жазолаш адолат мезонидир.

Эзгу ишни кўз-кўз қилма. Мақтанчоқлик қилма. Ердаги ҳаётингни безашга уринма. Камтарона яшаш худоба маъқулдир.

Амалу мартабага ишонма. Охири амалсиз, мартабасиз қоласан. Ердаги ҳурмат-иззат алдамчи. Самодагисини яратиш учун эзгу ишларингни кўпайтир. Эзгу ҳаёт кечирган инсон руҳи жаннат бихиштга лойиқдир.¹

Бу келтирилган доно фикрлар бугун ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар баркамол инсонни тарбиялашда маънавиятимизни бойитишда муҳим манба вазифасини бажаради.

2. Туркий битиклар. Қадимги Шарқ манбалари. Археологик ёдгорликлар. Халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабий мерос намуналари

Халкимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган бундай халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий мафкурамиз озиқланадиган манбалардир.² Марказий Осиё халқларининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, хайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик – ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш мифологик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима(Жамшид), Эликбек ва бошқалар тимсолида мужассамлаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар зардуштийликнинг “Авесто” китобига ҳам кирган.

Митра – Қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этади. Шу билан бирга у яхши қуролланган бўлиб, душманларга қарши даҳшат солади, кишиларни турли бало ва офатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланган. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади ва уни маҳв

¹ Мазкур намуналар Мирсодиқ Исҳоқов томонидан “Мозийдан садо” рукни остида тайёрланган “Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал” китобидан олинди. Тошкент, 2001, 19-22-бетлар.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000. 47-бет.

этади. Митра – аждодларимиз тасаввурида ўтда куймас, сувда чўкмас, ўк ўтмас қахрамон.

Каюмарс ҳақидаги миф ҳам «Авесто»га кирган. Мифологияга кўра Каюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўкиз ва одамдан ташкил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг ҳўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўкиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; тананинг одам қисмидан эса эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган деб тасвирланади.

Йима (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвирланган.

Шундай қилиб, юқоридаги каби халқ оғзаки ижоди - мифларда халқ нажоткори ва ҳалоскори ифода этилган, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончи тасвирланган.

Халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қахрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қахрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгган, ўлимдан қўрқмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қахрамонлар образлари бадиий бўёқларда акс этирилган.

Қадим Марказий Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёти ёдгорликлари орасида қахрамонлик эпоси муҳим ўрин тутди. Уларда халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган.

“Тўмарис”, “Широк”, “Зариагр ва Одатида”, “Зарина ва Стриангия”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Маликаи Ҳуснобод” каби қиссалар ва “Алпомиш”, “Қирққиз”, “Гўрўғли”, “Равшанхон”, “Авазхон”, “Ойсулув” сингари дostonларда ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий ва маънавий ғоялар илгари сурилган.

Қахрамонлик ҳақидаги қиссалар, эртаклар, дostonлар ва афсоналарнинг фалсафий-маънавий моҳиятини белгилайдиган, уларнинг асосий негизини ташкил этадиган умумий ғоя - инсон учун муқаддас даргоҳ – Ватаннинг озодлиги ва истиқболи учун чет эл босқинчиларига қарши мурасасиз қахрамонона курашиш ҳар эрқагу аёлининг, каттаю кичикнинг олий инсоний бурчи эканлиги ҳақидаги қарашлар баён этилганлиги билан ўзига жалб этади.

“Тўмарис” ҳақидаги қиссада массагетлар маликаси Тўмариснинг Эрон босқинчиларига қарши курашдаги мардлиги, довюраклиги, жасорати, донишмандлиги, ватанига содиқлиги, душманларга нисбатан зийрак ва хушёрлиги баён этилган. Қиссада айтилишича, Эрон шоҳи Кир массагетлар юртини ўзига қарам қилиш, бойликларини талаш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Малика шоҳнинг асл мақсади нима эканлигини тушуниб унга қайлиқ бўлишни, ўз элини қул қилиб топширишни истамаслигини қатъий қилиб айтади. Бундай жавобни эшитган Кир ҳийла-найранг йўлига ўтиб, унинг ўғли Спарганизни ва массагетларнинг бир қанчасини маст қилиб, қўлга олади. Бундан қаттиқ ғазабланган Тўмарис шоҳга қарата: “Эй, қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай қўяқол. Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, Ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-заҳматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси – Куёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очқўз хонни қон билан суғораман!..” Кир бу сўзларни эътиборга олмайди ва очикдан-очик тажовуз қилиш йўлига ўтади ва массагетлар юрти томон қўшин тортади. Дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Шоҳнинг бу ҳатти-ҳаракатидан хабардор бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб шундай дейди: “Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай тугашини билмайсан-ку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга қўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб, овора бўлма, биз дарёдан уч

кунлик нарига кетамиз, сен бизни еримизга ўт, ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил!”¹

Малика Тўмарис бошчилигидаги массагетлар Эрон қўшинлари билан бўлажак қонли тўқнашувга, ҳаёт-мамот жангига тайёргарлик кўра бошлашади. Массагет қўшинлари беомон, аёвсиз жангда қахрамонларча курашиб эронийларни маҳв этиб, ғалабага эришадилар. Жангда Кир ўлдирилади. Жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олиниб ҳалок бўлган ўғли Сипарангиз доғида ўртанган Тўмарис ўз суворийларига ўлдирилган Кир калласини кесиб, олдига келтиришни, бир мешни эса қон билан тўлдиришни буюради. Шундан сўнг у соч-соқолига қон ёпишиб қолган Кир калласини қўлга олиб, қон билан тўлдирилган мешга солар экан, жангга якун ясаб шундай дейди: “Эй номард, сен мени жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни – маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!”²

Ватанни ҳимоя қилиш, эрксеварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатлар аجدодларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги Широқ ҳақидаги тарихий қиссада ҳам чуқур ва ҳар тарафлама ўз аксини топган. Қиссада қайд этилишича, эрамиздан аввалги V аср охирларида Доро бошчилигидаги Эрон қўшинлари Турон заминига бостириб кириб, унинг ҳудудидаги турли уруғ ва қабилаларни бирин-кетин босиб ола бошлайди. Доро қўшини билан Сак қабиласи ўртасида аёвсиз жанг давом этиб турганида Широқ исмли чўпон йигит ўз подшоҳи ҳузурига келиб, агар болаларига, оиласига, авлодига ғамхўрлик қилишса, душманни якка ўзи ҳийла билан ҳалок этажагини айтади. Шоҳнинг ваъдасини олгач, Широқ ўша ердаёқ кулоқ-бурнини кесади. Сўнг саклардан Эрон қўшинлари томонга қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади. Широқ Дорога арз қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. Эрон қўшинини саклар турган жойга олиб боражагини, уларнинг саклар устидан ғалабасини таъминлашга ёрдам беришини айтади. Эрон қўшинини йўлга бошлайди. Атрофи сувсиз қуруқ кум саҳрога бошлаб боради. Душман қўшини сувсизликдан саҳрода ҳалок бўлади. Шу тариқа душман қўшинини якка ўзи енгади. Широқ ўз эл-юртини ҳимоя қилиш учун жонидан кечади. Борса келмас жойга келиб қолганидан ғазабланган Доро ўлимга маҳкум қилинган ёлғоннинг сабабани сўраганида Широқ кулиб бундай дейди: “Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки ватандошларим бўлган саклар бошидаги фалокатни бартараф этдим, эронийларни сувсизлик ва очликдан ўлдирдим, энди нима қилсаларинг ихтиёр ўзларингда”.³ Сак элининг мард ўғлонининг бошини танасидан жудо қилдилар. Лекин саклар қўшини омон қолади.

“Широқ” эпоси ҳам Марказий Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қахрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, ватан ва ўз халқи бахт-саодати йўлида фидойилик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Юқоридаги ҳар иккала халқ оғзаки ижоди намуналари заминиди ҳақиқий тарихий фактлар ётади.

Тўмарис ва Широқ халқ қахрамонлари бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади. Уларга ҳам қойил қолиб, ҳам ҳавас қиламиз.

Марказий Осиёда яшаган қадимги авлод-аждодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, эътиқоди, тарихи, маданий-маънавий мероси ҳақида қимматли маълумотлар “Авесто”, “Бехустун”, “Бундаҳишн” “Денкард” каби тарихий ёзма

1. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1966, 49-бет.

2. Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

ёдгорликларда сақланиб қолган.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бири Ўрхун-Енисей ёдгорликлари V-VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган матнлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви деб ҳам юритилади. Рун ёзуви – “яширин”, “сирли” ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Кул-Тагин Билка-қоон (улуғ ҳокон демакдир)нинг укаси бўлиб 732 йили вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тагин қабр тошида Билка-қооннинг тилидан айтилган жудалик қайғуси-марсия бадий тил воситасида ифодаланган. У ўз укасининг вафотидан жуда қайғуга тушади. Чунончи: Агар Кул-Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул-Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим, кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл – фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисматни кўк само (худо) тақсим қилади, одам боласи ўлиш учун туғилган... каби сўзлар ёзилган.

Кул – Тагин қабр тоши ёзуви турк ҳоконлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили, маънавияти ва мафкураси билан таништирувчи манбадир.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқларининг ёзувини кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий, грек ёзувлари, форсий миҳхат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, суғд, кушон, рун (Ўрхун-Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Қадим Марказий Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика, медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган суғд календари ва Беруний асарларидаги маълумотлар бу ўлкада, айниқса, астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Марказий Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоотлари қурганлар, каналлар очганлар, чиғир ва кориз усули билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланганлар. Албатта булар кишилардан маълум тажриба ва билимни талаб этган.

Она заминимизда бундан неча асрлар аввал яратилиб, то ҳануз юртимизга кўрк бағишлаб турган қадимий обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналари ҳақида, Ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади.¹

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган деган хулоса чиқара оламиз. Биз ёш авлод бу билан фахрланишимиз лозим.

Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда инсон маънавияти ва маърифати масалалари

Мазкур мавзу бир жиҳатдан қараганда ҳамма учун тушунарлидек кўринади, бунга сабаб кундалик турмушда, турли йиғинлар ва маъракаларда диний мавзулардаги суҳбатларнинг тингланишидир. Иккинчидан мустақиллик туфайли дин ва диний урф-одатлар, анъана ва маросимларга оид бўлган китобларни эркин чоп этила бошлаганлиги, сотувда бўлишидан кенг китобхонлар оммасининг баҳраманд бўлаётганлигидир. Учинчидан, оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение эшиттириш ва кўрсатувларида, шунингдек газета ва журнал саҳифаларида мунтазам суратда диний-ахлоқий, маънавий мавзуларда турли суҳбатлар ва мақолаларнинг бериб борилишидир.

¹ Қаранг. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон, 2000, 47-бет.

Ислом дини, унинг асосий манбалари: Қуръони карим ва ҳадисшунослик тарихидан хабардор бўлиш мавзунинг моҳиятини чуқур тушуниб олишга яқиндан ёрдам беради. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, аввало, Ислом ва унинг манбалари ҳақида қисқа бўлса-да маълумот беришни лозим топдик. Зеро, ўйлаймизки бу китобхонлар учун фойдадан ҳоли эмас деган умиддамиз.

Ислом дини кўп халқлар орасида кенг тарқалган жаҳон динларидандир. Бу динга эътиқод этувчилар – мусулмонлар жаҳонда қарийб 1 миллиард 315 миллион кишини ташкил этади.

“Ислом” сўзи арабча бўлиб “худога ўзини топшириш”, “итоат”, “бўйсунуш” маъносини билдиради. Шундан бу динга ишонувчилар – “Муслим” деб аталади. Унинг кўпчилик шакли “муслимун” бўлиб, ўзбекларда “мусулмон”, қирғиз ва қозоқларда “мусурмон” деб аталади.

Ислом дини Арабистон ярим оролида VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида келиб чиққан. Унинг асосчиси пайғамбар Муҳаммад (570-632) Маккада Қурайш қабиласига мансуб бўлган Хошимийлар хонадонида туғилган. У 609-610 йилларда Маккада яқка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот бошлаган. Аммо зодагонларнинг қаршилигига учрагач, 622 йилда ўз тарафдорлари билан Мадина (Ясриб)га кўчади (арабча хижрат қилади). Шу йилдан мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби бошланади.

630 йилга келиб Макка ҳам мусулмонлар қўлига ўтади ва мусулмон давлати шаклланади. Муҳаммад вафотидан кейин бу давлатни унинг ўринбосарлари, яъни ноиблари (халифалар) бошқарадилар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда “Араб халифалиги” деб ном олган. Марказий Осиё ерлари – Мовароуннаҳр (дарё оралиғидаги ерлар)га 674 йилда араб қўшини биринчи марта Амударёдан ўтиб Бухоро шахрига кирди. Қутайба ибн Муслим 705-717 йилларда Мовароуннаҳр ерларини асосан ишғол этди. Араб қўшинлари билан бирга Марказий Осиё ерларига Ислом дини ҳам кириб келди. Ана шу даврдан бошлаб Марказий Осиёда Ислом минтақа маданияти, маънавияти ва маърифати ўзига хос равишда шаклланди ва тараққиёт босқичини бошдан кечирди.

Ислом диний таълимотининг асослари – Қуръон ва ҳадис тўпламларида, шунингдек, VIII-XII асрлар давомида вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Қуръон – арабча ўқимок, кироат қилмок, жамлаш маъноларини билдиради. Бу муқаддас китоб ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳкомлар манбаи, асосий муқаддас китоби. Қуръон илми уламолари Қуръонни қуйидагича таърифлайдилар:

“Қуръон – Аллоҳ таолонинг Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, барчани лол қолдирувчи каломидир”.¹

Тавотур ила нақл қилинган дегани эса, каломни ёлғонга чиқариб бўлмайдиган даражада кўп сонли кишилар томонидан нақл қилинишига айтилади. Уларнинг ҳаммалари ишончли одамлар бўлиб, ёлғонга яқинлашмаган, сонлари жиҳатидан ёлғонга берилиб кетиш имкони ҳам йўқ бўлган.

Қуръони карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан 610-622 йилларда Маккада, 622-632 йилларда Мадинада, жами 23 йил мобайнида нозил этилган.

Муҳаммад алайҳиссалом Қуръон оятларини фаришта Жаброилдан эшитиб ёд олар эдилар. Кейин бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб ёдлаб олишарди. Айни пайтда ёзишни биладиган саҳобалар жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб (р.а.) каби саҳобалар оятларни ёд олиш билан бирга, уларни хурмо дарахтининг пўстлоғига, япалоқ тошларга, катта суякларга, терига, қоғоз ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръон оятларини ёзиб борганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом уларга янги тушган оят қайси сурадан экани ва қаерда

¹ Ислом маърифати. “Тошкент ислом университети”. Тошкент, 2005, 6-7 бетлар.

туриши лозимлигини кўрсатиб турганлар.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар деган мақсадда Қуръон жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. У кишининг вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг қалбида, хотирасида ва ёзувларда сақланиб қолди. Пайғамбар вафотларидан сўнг рўй берган ғалаёнларнинг бирида Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид бўлдилар. Шунда Ҳазрати Умар (р.а.) Ҳазрати Абу Бакр(р.а.)га қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб, жамлаб қўйиш керак деган маслаҳатни берди.

Абу Бакр (р.а.) Зайд ибн Собит (р.а.) исмли саҳобани чақириб, бу ишни амалга оширишни топширди.

Зайд ибн Собит, Умар ибн Ҳаттоб (р.а) ва бошқалар Қуръони каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу ишнинг мустаҳкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда: “Кимнинг қўлида ёзилган Қуръон бўлса ва уни Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин! Қуръонни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди”,¹ деб эълон қилдилар.

Улар масжидда ўтириб гувоҳларни текшириб нихоятда аниқлик билан бир йилдан ортиқ вақт Қуръонни жамладилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Шундай қилиб Зайд ва Умар машаққатли меҳнатдан кейин Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб бўлдилар ва уни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. У киши оламдан ўтгандан сўнг саҳифалар Умар(р.а.)нинг уйларида, у кишидан сўнг эса, қизлари ва пайғамбарнинг аёллари Ҳафса бинти Умар (р.а.) ҳузурида қолди.

651 йилда халифа Усмон ибн Аффон Ҳафса (р.а.)дан Абу Бакр (р.а.) давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан олти нусха кўчиришга буйруқ берди. Бу улкан ишни бошқаришни Зайд ибн Собитга юкледи.

Кўчирилган нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусха, биттадан қори қўшиб жўнатди ва шу қоридан кироат ўрганишга буйруқ берди. Кўчирилган нусхаларни Муғайра ибн Соибга Макка, Муғайра ибн Шаҳобга Шом, Абу Абдурахмон Силмийга Куфа, Омир ибн Абдул Қайсга Басра, Зайд ибн Собитга Мадина аҳлига Қуръон тиловатини ўргатиш учун берди.

Усмон (р.а.) ўзларига бир дона мусхаб олиб қолдилар.

Кейинчалик нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Охири келиб, ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бу нусха Мусхаби Усмонга мувофиқдир, деб ёзиб қўйиладиган бўлди.

Шундай қилиб, Қуръон матнининг ҳам ёзув, ҳам услубий бир хиллиги сақланиб қолди.

Ҳазрати Усмон қўлида қолган Қуръони каримнинг нусхаси ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлар идораси қошидаги кутубхонада сақлаб келинмоқда. Қуръони каримнинг бундай ноёб нусхаси юртимизда бўлиши Аллоҳнинг бизнинг юртимизга бўлган инояти деб билмоқ лозим. Қуръони карим 114 сура ва 6666 оятдан иборат.

Мустақиллик шарофати билан динга берилган эркинлик туфайли турли маросимларимиз Қуръони карим тиловатлари билан бошланмоқда. Бу ўтмишда бир орзу эди, холос.

Қуръон ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва биринчи манбаидир. Мусулмон фақиҳлар бирор нарсанинг шариатдаги ҳукмини билмоқчи бўлсалар, албатта, олдин Қуръонга мурожаат қиладилар. Ўша ўзлари излаётган ҳукм ҳақида бирор ҳукм бўлса, уни дарҳол қабул қиладилар. Муайян масалага Қуръонда аниқ жавоб бўлмаган тақдирдагина суннат, ижмо, қиёсга мурожаат қилишга ўтадилар.

Илоҳиётда Ислом дини уч элементдан – иймон, Ислом, эҳсондан иборат деб

¹ Ислом маърифати. “Тошкент ислом университети”. Тошкент, 2005, 6-7 бетлар.

этироф этилган. Иймон талаблари 7 та ақидани – Аллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари – аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Булар – калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконияти топилса Ҳаж қилиш талаблари. Эҳсон ақидаларга сидқидилдан ишониш ва маросимларни адо этишдир.

Исломнинг кишилар онги ва турмуш тарзига таъсир этиши, улар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик – хатна, рамазон ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мавлуд, ашуро ва бошқалар ҳам шаклланган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, муқаддас жойларга, авлиёларга сиғиниш каби одатлар ҳам ислом маросимларига мослашиб кетган.

Ислом маънавиятининг қирралари ранго-ранг ва моҳиятан терандир.

Қуръони карим оятларида, аввало инсоннинг ер юзида халифа эканлигининг бир неча қайта таъкидланиши ислом маънавиятининг энг улуг қадриятларидандир. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, унга еру осмондаги барча нарсалар бўйсундириб қўйилганлиги алоҳида уқтириб ўтилади.

Яхшилик ва эзгулик, бағрикенглик ва тинчлик, яқинлари ва бегоналарга бирдек марҳаматли бўлиш, қон тўкмасликка чақирувчи, нафс васвасасига учмаслик, ота-онага улар ҳаёт эканликларида меҳрибон ва саҳийлик ила муносабатда бўлиш, дунёдан ўтганларнинг ҳақларига дуо қилишга, ватанни севишга даъват қилувчи муқаддас динимиз, айниқса мустақиллик йилларида ўз қадрини ҳамда ўзининг азалий вазифаси – эзгу мақсадларга чин маънода хизмат қилиш имкониятини топди.

Ҳадислар Ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба. Ҳадислар тўплами “суннат” деб аталади. Ҳадиси шарифларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари баён этилган.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган.

VIII аср бошларида Уммавий халифалардан Умар ибн Абдулазиз ноибларига Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини жамлаш ҳақида фармон берди. Абдумалик ибн Абдулазиз Журайх, Ар-Рабиъ ибн Субайх, Имом Молик ибн Анас, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ханбаллар томонидан дастлабки ҳадис тўпламлари яратилди. Ўлкамизда эса қуйидаги зотлар биринчи бўлиб ҳадис тўпламларини туздилар: Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайх ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший ва бошқалар.

Кейинги IX аср ҳадис илмининг “олтин асри” деб шуҳрат қозонган. Чунки бу асрда ҳадисларни тўплаш даври ўтиб, энди уларни манбашунослик ва матншунослик илми қоидаларига мувофиқ таҳлил ва тадқиқ этиш, маълум мазмун асосида тартиб беришга киришилди. Ҳадисшунослик деб аталмиш жиддий илм йўналиши мукамал шаклланди. Ҳадисларни баён этишда “Муснад”, “Саҳиҳ” ва “Сунан” деб номланган йўналишлар вужудга келди. Бу даврда кейинги асрлар учун намуна бўладиган ишончли ҳадис тўпламлари яратилди. Бутун Ислом оламида энг нуфузли манба сифатида ном қозонган “Қутуби Ситта” (“Олти китоб”) муаллифлари шу даврда яшаб ижод этдилар. Улар: Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Йазид ибн Можжа (824-886) каби муҳаддислардир. Имом Бухорий ўзлари тўплаган 600 минг ҳадисдан 7250 та энг ишонарли “саҳиҳ”ларини мазмунига кўра таснифлаб, буткул янги тартибдаги ҳадислар тўпламини яратишга эришди. Унинг асарлари кейинги муҳаддислар учун барча жиҳатдан ўрнак ва

намуна бўлди.¹

Исломда ахлокий-ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуи шариат XI-XII асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун-қоидалари Қуръон ва суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб-қоидалар “Ҳидоя”, “Виқоя”, “Мухтасари ҳидоя”, “Мухтасари виқоя” номли китобларда жамланган.

Шариатда белгаланган қонун-қоидалар муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар бир мўмин-мусулмон ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Аллоҳнинг бандаси сифатида бирдай амал қилиши талаб этилган.

Юқорида Ислом, унинг муқаддас илоҳий китоби Қуръони карим, ҳадислар ва шариат ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Энди умуман ислом динида, хусусан Қуръони карим, ҳадислар ва шариатда инсон маънавияти, ахлоқ-одоби, маърифати ҳақидаги қарашларнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида фикр юритамиз.

Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз.

Пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган. Ундаги ота-онага муносабат, илмга муҳаббат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик ва камсуқумлик, самимият ва ростгўйлик, тўғрилиқ ва ҳалоллик каби ҳислатларнинг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади. Қолаверса, ислом ахлоқи маънавий қадриятларнинг шунчаки тасодифий тўплами эмас, балки муназзам ва мукамал бир тизим ҳолига келтирилган бўлиб, албатта, бунда буюк муҳаддислар, биринчи навбатда юртдошимиз Имом Бухорийнинг хизматлари бекиёс ва беназирдир. Пайғамбаримиз суннатлари (ҳадислари)нинг ҳар бир инсон учун ибратли ўринлари ниҳоятда кўп. Мисол тариқасида у зотнинг аҳли аёлга муносабатига эътибор берайлик.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Биз, жаноб Расулуллоҳ ҳаётлик вақтларида, “Тағин, бирор балога гирифтор бўлиб қолмайлик!” деб хавотирланганимиздан, аёлларимизга бирор (қаттиқ) сўз айтиб, бемалолроқ муомала қилишдан қўрқар эдик. Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот қилганларидан сўнг, аёлларимизга (қаттиқ) гапириб, бемалолроқ муомала қиладиган бўлдик!”²

Ушбу ҳадис мазмунидан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз аёлларга асло қўпол муомала қилмаганлар. Аксинча аҳли аёллар бирор камчиликка йўл қўйсалар, фақат сабр, юмшоқ муомала ва шахсий намуна билан тарбия бериб борганлар. Бошқа саҳобалар ҳам Пайғамбаримиздан ибрат олиб ўз аҳли аёлларига эҳтиром ва юмшоқлик билан муомала қилишни ўрганиб борганлар.

Айниқса ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Аллоҳ томонидан қилинишига рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, ҳалқимиз ҳалол ва ҳаромни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга нисбатан ишлатиб келган. Шариатда Аллоҳ томонидан ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар, қилинадиган ишлар, ҳатти-ҳаракатлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Аллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу

¹ Қаранг. Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2001, 134-135-бетлар.

² Ал-Бухорий. Ҳадис (“Ал-жомий ас-саҳиҳ”). 3-жилд. Тошкент, 1995, 421-бет.

дунёда ёки қиёмат кунида жазосини албатта бериши айтилган.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслаб туриш жоиздир. Булардан айримларга қуйидагилар: Соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдосотикда фирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғрилик, қароқчилик, майхўрлик, ғийбат, тухмат, бўхтон, жосуслик, қотиллик, порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилик, ростгўйлик, софдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилган.

Қуръони карим ва ҳадисларда ҳар бир инсон учун зарур бўлган ҳаётидан маъмун бўлиб яшаш-шукроналик ва сабрли бўлиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шукроналик ва сабр ҳам инсон маънавийлигининг муҳим жиҳатларидан биридир. Уларнинг мазмун-моҳиятини билиб олиш ҳар биримиз учун зарур. Қуръони каримда Аллоҳ бу дунёда инсониятни беҳисоб неъматлар билан ризқлантиргани, унинг саноғига етиб бўлмаслиги ҳақида шундай баён қилинган:

“Сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг берган неъматини санасангизлар, саноғига етолмайсиз. Ҳақиқатан, инсон ўта золим ва жуда ношукрдир”.

Баъзи кишилар неъмат сўзининг маъносини жуда тор доирада тушунадилар. Бирор орзу-умидлари амалга ошишини, ҳар ким ҳам етиша олмайдиган нарсаларни қўлга киритишни, жумладан, катта-мол-дунё, бойлик, фарзанд, бирор мансаб-мартаба ва шунга ўхшаш орзу-ҳавасларга эришишнинг неъмат деб биладилар. Сув, ҳаво, тан саломатлиги, эл-юрт тинчлиги каби, инсон ҳаётининг асоси бўлган бу нарсаларга бепарво қарайдилар.

Ҳолбуки, кишининг дунё ва охирати учун манфаат етказадиган нарсалар борки, уларнинг барчаси неъмат ҳисобланиб ислом буларнинг қадрига етиб яшашга буюради. Зеро, неъматнинг қадрини билиш, уни эъзозлаш неъмат берувчи Аллоҳнинг қадрига етиш ва шукрини адо этиш демакдир.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг бирида: “Қайси бирингиз тонгда уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билингки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан”, деб неъматни кенг маънода тушуниш лозимлигига ишора қилганлар.

Юқорида санаб ўтганларимиз моддий неъматлар жумласига киради. Маънавий неъматлар эса имон, ақл, ҳуррият, тинчлик каби кўзга бевосита кўринмайдиган, аммо қалб кўзи билан илғаб олинадиган моддий неъматларга қараганда инсон учун аҳамиятли бўлган маънавий қадриятлардан иборатдир.

Кўпинча инсонлар неъматнинг қадрига қўлдан кетгандан кейингина етадилар. Соғлиқнинг қадрига беморликда, бойликнинг қадрига фақирлик етганида, тинчликнинг қадри нотинчлик вақтида билинади. Неъматларнинг бардавом бўлиши, унинг шукри адо этилишига боғлиқдир. Бу ҳақда Аллоҳ Қуръони каримда: “Қасамки, агар берган (неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) қаттиқдир”, деб марҳамат қилган. Неъматларнинг энг сараси мустақилликнинг амалий шукри эса ёшларимизни ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялаш, тинчликни шукрини қилиб яшаш неъматларнинг энг сараси десак муболаға бўлмайди.

Исломда инсон маънавийлигининг яна бир жиҳати сабр-тоқатли бўлишда эканлиги ҳам алоҳида таъкидланганлиги билан аҳамиятлидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларининг бирида: “Сабр иймоннинг ярмидир”, деб таъкидлаганлар. Қуръони каримнинг юзга яқин оятларида сабр ҳақида сўз юритилган. Аллоҳ ўзини доимо сабр

қилувчилар билан бирга эканини маълум қилиб: “Эй, иймон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангизлар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”, дейди.

Сабр-бардошли бўлиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган маънавий фазилатларидан биридир. Халқимиз бежизга “Сабрнинг таги сариқ олтин”, деб айтмаган. Инсонлар сабр орқалигина ўз мақсадларига эришадилар. Шунинг учун аجدодларимиз ўз фарзандларини сабрли қилиб тарбиялашга катта аҳамият берганлар. Сабр косам тўлди деб ношукрлик қилиш инсонни залолатга бошлайди.

Юқорида айтилганлар ислом маънавияти уммонидан бир зарра, холос. Фикримизни маънавий-ахлоқий камолот масалаларида айтилган баъзи ҳадисларни келтириш билан якунлашни ихтиёр этдик:

Мунофиқлик белгиси учтадир: Ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга ҳиёнат қилишдир.

Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг;

Ҳаққингизга ҳиёнат қилган кишига сиз ҳиёнат қилманг;

Қачонки бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб йўлдан озишдан;

2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан;

3. Илму маърифатга эга бўла туриб ғофилларнинг ишини тутишидан;

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:

Ўлимдан аввал тирикликни, бетобликдан аввал саломатликни, бўш вақтдан аввал бандликни, кексаликдан аввал ёшликни, фақирликдан аввал бойликни.

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг эса отангга яхшилик қил. Ота-оналарни кексалик вақтида ҳар иккисини, ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир. Ҳадиси муборакдан келтирилган ушбу мисраларнинг маънавий жиҳатларига изоҳ беришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ.

Инсон танаси учун жон қанчалик муҳим бўлса, унинг маънавияти, руҳиятининг теранлиги учун илм шунчалик аҳамиятли саналади. Инсон илм эгаллаш йўлидан юрса юксалади, акс ҳолда тубанликка, жоҳилликка юз тутади. Бу фоний дунёда илмдан бебаҳра қалблар жонсиз жасадга ўхшайди. Аллоҳ бу оламни чексиз илму ҳикмат билан яратган. Инсон ақл ва тафаккур воситасида бу илмлардан хабардор бўлади, моддий ва маънавий ҳаётда юксакликка кўтарилади. Илм инсон тафаккурига нур бахш этади. У шу нур орқали ҳақиқатни топади. Илм инсонни доимо юксак мартабага эриштиради. Мана шунинг учун ҳам ислом манбалари Қуръони карим ва ҳадисларда илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Ҳадисда бешиқдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилинишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Қуръони каримда: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур” дейилиши негизида илмли зотлар ва унга интилганлар жамиятда юксак мавқе ва ҳурматга сазовор бўлишларига ишорадир.

Қуръони карим инсониятга илм орқали икки дунё саодатига эришиш йўлини кўрсатди. У илмнинг афзалликлари ҳақида инсонларга хабар беради ва уларни илм олишга чорлайди. Илм буюк неъмат эканлиги ва бу неъмат оламнинг гултожи бўлган инсонга берилган. Илм нажот йўли эканлиги хабар қилинган. Аллоҳ одамга берган илм орқали ҳар нарсанинг сиру асрорини билдирган ва барча маҳлуқот устидан ҳоким қилган.

Қуръони каримда “илм” сўзи асосида “Алима” билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 мартаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга илк нозил бўлган оят ҳам “Ўқи...” “Ўқи...” сўзидан бошланади.

Ушбу оят шундай: “Ўқи! Сенинг ўта қарамли Парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларини ўргатади” деб нозил қилинган. Қўринадики, Ислом эътиқоди аввал бошданоқ инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишига тарғиб этади.

Қуръони қарим ҳам илм, ҳам ҳаёт китобидир. Илм йўлини тутган инсон энг шарафли йўлни танлаган бўлади.

Пайғамбаримизнинг “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ҳадислари негизида исломнинг илмга бўлган юксак эътиборидан далолат беради. Яна бир ҳадисда: “Инсонлар ё ўргатувчи ёки ўрганувчиларга бўлинади. Бундан бошқалари эса арзимасдир, деб таъкидланса, бошқа бир ҳадисда: “Инсонлар ўликдир, фақат илм аҳлигина тирикдир”, деб бу дунёда фақат илм соҳибларигина ҳақиқатга интиланликлари туфайли тирик эканликлари айтилади.

Ҳақиқатан, ҳоҳ дунёвий, ҳоҳ диний илм йўлида заҳмат чекканлар жисман йўқ бўлсалар ҳам улар маънан тирикдирлар. Бунга Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Наср Форобий, Имом Марғиноний ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Беруний, Имом Замахшарий ва Аҳмад Фарғоний, Ҳожа Аҳрор Валий ва Улуғбек ва бошқалар яққол мисол бўладилар. Бу буюк зотлар яратган асарлар инсонларнинг ҳаёт йўлини асрлар оша нурафшон этиб келмоқда. Улар мерос қилиб қолдирган асарларни ўқиб-ўрганиб кишилар маънан озикланиб ҳар он ва ҳар лаҳзада уларни эслаб турадилар. Уларга бўлган муҳаббат инсонлар қалбида абадий яшаб келмоқда.

Инсон Аллоҳнинг халифаси сифатида билим эгаси, ёруғ дунёнинг барча билимларига унинг идроки етади. Фақат кибрга берилиб кетмаса, ўзини ҳаммадан ортик қўя бошламаса бас. Парвардигор бизни инсон қилиб яратган экан, ақл-хуш, илму амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур қилиб, дунёвий илмларни – дунёни ўрганиб, дунё орқали Аллоҳнинг зотини, илмларини кашф этиб яшашимиз керак. Дин – руҳиятимиз тарбиячиси, илм – дунёни ва охиратни билиш қуроли, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи керак. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай бўлган. Бир мисол келтирамиз: Ривоят қилишларича, Абу Али ибн Сино билан машҳур шайх Абусаид Абулхайр учрашибдилар. Улар бир кеча бир-бирларига ҳеч нарса демай “суҳбатлашиб” чиқибдилар. Эрталаб шайхнинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганларида, Абдусаид Абулхайр: “Мен нимаики важд (интуиция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган”, дебди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: “Мен нимаики ақл билан билган бўлсам, у қўнгил билан идрок этади”, деб айтган экан. Қўринадики, Ибн Сино дунёвий илмлар соҳиби, Абусаид Абулхайр эса – тасаввуф шайхи, илоҳиёт олими. Аммо улар бир-бирини тушунган ва ҳар икки илм ҳам инсон учун кераклигини англаганлар.

Ёки олайик, Мирзо Улуғбек билан Хўжа Аҳрор Валийни. Улар замондош, бир шаҳарда яшаганлар. Улуғбек – мунажжим ва шоҳ, унинг шогирдлари аниқ фанлар вакиллари. Хўжа Аҳрор эса мўътабар дин арбоби, руҳоний зот. Аммо улар бир-бирларига ҳалақит бермаганлар, аксинча, бири илмий маърифатни, иккинчиси бўлса руҳоний маърифатни ривожлантириб, бир-бирларига кўмак берганлар.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, Ҳамадоний, Ғиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, эътиқод-иймонининг поклиги билан бизларга ибратдир. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қилади. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини англаса, Унинг Аллоҳни англаши, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Гап ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар икковини ҳам эгалламай, жоҳил бўлиб қолмасликдир. Дунёвий илмларни эгаллаган инсон ўзининг бу дунёсини, диний илмларни эгаллаганлар эса ўзининг у дунёсини обод қилган бўлади.

Ҳар икки илмни эгаллаган киши эса икки дунёсини обод қилади.

Ислом бу фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига назар

ташласак, Муҳаммад Пайғамбаримиз алайҳиссаломгача бўлган давр арабларда “жоҳилия” даври деб аталади. “Жоҳилия” нодонлик, билимсизлик даври дегани. Ислому ана шу нодонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, маданият вужудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантириди, ўзига хос маънавият ва маърифатни яратди.

Ислому маърифатга бўлган муносабатни куйидаги ҳадисларни келтириш билан чекланишни лозим топдик:

“Илму олиш йўлида сарфланган бир соат юзаки ибодат билан ўтказилган бир кечадан кўра хайрлироқдир”.

“Илму йўлида сарфланган бир кун уч ой рўза тутишдан афзалроқдир”. Бу ҳадисларда илму йўлида сарфланган вақт энг қадрли эканлиги таъкидланмоқда.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Илму ўргатган кишига таъзимда бўлиш ва иззат-икром кўрсатиш”, деб илму йўлида ҳаракат қилганларни қадрлаш кераклигини уқтирадилар. Халқимиз бежиз “Устоз отанг каби улуғдир” деб айтмаган.

“Олимнинг уйқуси ҳам жоҳилнинг ибодатидан афзалдир”, чунки унинг уйқуси ҳам ибодатнинг бир тури саналади, сабаби олим илмини давом эттириш учун чарчоклардан фориғ бўлиш мақсадида ухлайди.

“Садақанинг энг хайрлиси ўзгага илму ўргатмоқликдир”, “Диндошига илму ўргатиш йил бўйи ўқилган нафл намозидан кўра афзалроқдир” каби ҳадисларда инсон илмини олимлардан ўрганиши ва ўзи ҳам билганини бошқаларга ўргатиши лозимлиги таъкидланган.

“Илму ўрганинг, илму ўрганган ҳақни ноҳақдан ажратади. Илму жаннат йўлини ёритади. Илму инсонга чўлда йўлдош, ёлғизликда ҳамроҳ, кимсасизликда жондош дўст бўлади”, “Илму инсонларни саодатга элтади, фалокатдан қутқаради, дўстлар орасини зийнатлайди, душманга қарши қалқон бўлади”.

Ҳадисларда ҳар бир ўрганилган илмини қалбларга жо айлаш кераклиги ва унутиш лозим эмаслигига ҳам аҳамият берилган. Илмини унутган киши жаҳолатга юз тутишлиги ва илму ҳазинасини йўқотишлиги “Унутиш илмнинг офатидир” ҳадисида ўз ифодасини топган

Юқоридагилардан кўринадики, Ислому илму-маърифат дини ва айна пайтда барча инсонларни дунё сир-асрорларини билишга, яъники эгаллашга ва юксак маънавийликка чорловчи дин эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бизнинг улуғ боболаримиз илому маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшиб калом ва ҳадис, тасаввуф ва фикҳ таълимотини ривожлантирдилар.

Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот Илому конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Илому маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай эътирофнинг тасдиғидир.

Юртимиздан етишиб чиқган буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг илому маданияти ва маънавияти равнақ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “Муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорийнинг муборак номини тилга оламиз. Бу мўътабар зотнинг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал- жомеъ ас-саҳиҳ” китоби илому динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбаа бўлиб, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи саналади. Ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда.

Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотурудий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлади. Мотурудий илому оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлди. Унинг асарларида илгари

сурилган ғоялар ислом динининг асосини тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган барча мўмин – мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоханг бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Исломий илмлар соҳасида ўзининг бекиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратган, ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоёндаси Бурҳониддин Марғинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси асрлар оша эъзозлаб келмоқда. Уни Шарк оламида “Бурҳониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган. Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, 57 китобдан иборат “Ҳидоя” – “Тўғри йўл” деб аталган асари саккиз асрдан буён мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани ва бошқалар улуғ боболаримизнинг ислом маданияти ва маънавияти, маърифати ривожига улкан ҳиссаларининг исботидир.¹

Яқин ўтмишнинг салбий асоратларидан бири шуки, собиқ шўро тузумида дунёвий илм ва диний-фалсафий таълимот, яъники диний илмлар бир-бирига қарама-қарши қўйилди. Улар бир-бирини инкор этадиган ҳодисалар тарзида талқин этилди. Диний тафаккур дунёвий илм ривожига монелик кўрсатадиган чиркин бидъат сифатида қораланди.

Биз бугун бундай қарашларнинг тубдан зарарли ва тарихан асоссиз эканлигини очиқ айтишимиз мумкин. Дунёвий ва диний илм юқорида кўрсатганимиздек, ўтмиш асрларда доимо ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келганлигини тарихнинг ўзи тасдиқлайди.

“Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади.. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади”.²

Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилиш имконига эга бўлдик.

Қуръони карим ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Улардаги ота-онага, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлилик, самимият, ростгўйлик ва бошқа чин инсонийлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши барча инсоният учун бебаҳо умуминсоний маънавий бойлик тизимини ташкил этади.

Жисмоний ва маънавий покликка интилиш ислом ахлоқининг, Расулуллоҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзу йўналишидир. Таҳорат, ғусл масалалари ташқи озодалик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, ғийбат, тухмат, зинокорлик, ўзга ҳаққига хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл қўймаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир. Буларнинг ҳаммаси Қуръони карим ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида ва уларга асосланган шариатда жуда қатъий қилиб қўйилган.

Хуллас, ислом барча мўминларни юксак маънавийликка чорловчи, инсонпарвар дин эканлигини англаб етишимиз зарур. Шундагина диндан маънавий ва маърифий тарбияда фойдаланиш заруратига тўғри ёндошамиз.

Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари.

Мазкур масалани “Тасаввуф” тушунчасининг мазмун-моҳияти, шаклланиш ва

¹Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000, 18-бет.

²Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 37-40- бетлар.

ривожии тарихини баён қилишдан бошлашдан ихтиёр этдик. Зотан, тасаввуфнинг моҳияти ва мазмунини билмасдан туриб, унинг маънавий жиҳатлари нималарга йўналтирилганлигини илғаб олиш, моҳиятига етиб бориш ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Шарқ халқлари тафаккури ва маънавиятини асрлар давомида нурафшон этиб, уларнинг маънавий-маърифий юксалишига чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (таркидунёчилик – бу дунё ҳою-ҳавасидан, бойликларидан, роҳату фароғатидан юз ўгириш) ҳаракати кўринишида бўлган. Унинг келиб чиқишидаги омил қуйидагилар билан изоҳланади. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради. Айниқса, ҳалифа Усмон замонида бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия ҳалифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, бойликларни устун қўйган кишиларга нисбатан имон-этиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар ичида илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зухдни асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик (зоҳидлик) ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий ҳаётдан бутунлай четлашганлар, доимий тоат-ибодат билан шуғулланганлар.

Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди. Уларнинг обрў-эътибори халқ орасида катта бўлган. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Улар Аллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафс ва хирс ғуборидан поклаб, ботиний покиза ҳолатда Аллоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини тарғиб қилдилар.

Шу тариқа дунёдан, молу мулк, бойликдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, “...бир назар билан тупроқни кимё этадиган” (Ҳофиз Шерозий) зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоат ва ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб ҳислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Бундай тоифа кишиларга нисбатан “сўфий” номи қўлланилган.¹

“Сўфий” сўзи қаердан пайдо бўлган? Баъзилар бу сўз “саф” сўзидан келиб чиққан дейдилар, чунки сўфий Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчидир. Бир гуруҳ тадқиқотчилар сўфий сўзи “сафо” сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг қалби сидқу сафо офтобидан порлаб туради, деганлар. Сўфий сўзи “соф” сўзидан келиб чиққан дегувчилар ҳам бор. Абу Райҳон Беруний эса “Осорул боқия...” асарида ушбу сўзни юнонча “суф”, яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деб кўрсатади.

Шундай қилиб тасаввуф, сўфийлик – исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан қомиллик сари йўлловчи таълимот бўлиб, мазкур сўзнинг ўзаги ва мазмуни ҳақида тадқиқотчилар турли фикр ва тахминлар билдиришган. Лекин бу фикрларнинг кўпи асоссиз ҳамда араб тили қоидалари ва луғат усулларига мувофиқ бўлмаганлиги учун рад этилган. Уларнинг ичида фақат биттаси, яъни Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У “Муқаддима” асарида Тасаввуф – “жун”, “пўстин” сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Бу билан улар башанг кийиниб юрувчи одамлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди.²

Тасаввуф VIII асрнинг ўрталарида юзага келган бўлса-да, унинг Шарқ мусулмон

¹ Қаранг. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент, “Ёзувчи”, 1996, 7-бет.

² Қаранг. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т., “Мовароуннаҳр”, 1993, 5-бет; Комилов Н. Тасаввуф. 7-бет; Ўзбек Миллий энциклопедияси. 8-жилд, Т., “ЎЗМЭ”, 2004, 288-бет.

малакатларида кенг ривожги IX-XV асрларни ўз ичига олади. Чунончи, IX-X асрлар хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиш даври бўлган. XI-XII асрлар – тасаввуф мактаблари, тариқатлари, силсилаларининг таркиб топиш даври бўлган. Бу даврда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим роль ўйнаган. Натижада Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон тасаввуф мактаблари шуҳрат қозонган.

XIII аср ва XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор даврдир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Айниқса, Ибн Арабий, Яхъё Сухравардий, Нажмиддин Кубро сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар тасаввуфда IX-XI асрларда тавҳид (яккаю ягона Аллоҳга эътиқод) асосларини чуқурлаштиришга катта эътибор берилиб, у тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб тафаккурий-ақлий йўналиши етакчилик қила бошлади. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида “вахдатул вуҷуд” номи билан шуҳрат топди. Сўфийлар энди коинот тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, комил инсон тушунчалари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада Ибн Арабий ва Жалолиддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам жуда кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига камраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф Шарқ кишининг тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини (меъёрини) белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Тасаввуф ва унинг моҳияти нима деган саволга тасаввуф (сўфийлик) йўлини тутганлар турлича жавоб берганлар. Чунончи, Маъруф ал-Кархий “Тасаввуф – ҳақиқат сари интилиш, одамлардан таъмагирлик қилмаслик ва фақирликни ихтиёр этишдир.”; Зуннун ал-Мисрий “Сўфий бойлик истаб ўзини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмас”; Жунайд ал-Бағдодий “Тасаввуф – қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилмоқ”; “Тасаввуф бир уй бўлса, шариат унга қирадиган эшиқдир”, деб таърифлаганлар.

Тасаввуфнинг моҳияти инсонни маънавий, руҳий ва жисмоний покланиши орқали руҳан Аллоҳ васлига етишишдан, уни англашдан иборат.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёга, бойликка хирс қўйиш, ружу қилиш, жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқишлигига эътибор қаратилади. Дунёга, бойликка хирс қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Нафс барча худбинлик, очкўзлик сабабчиси, у инсонни тубанлаштиради. Тасаввуф инсонни худбинлик ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқаришнинг ва маънавий-руҳий покланишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафснинг эҳтиёжини енгитиш, нафс манзилларини босиб ўтишидир, деб ўргатади. Тасаввуф инсон ҳаётидаги энг катта кураш – нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблайди. Бу ҳақда тасаввуфнинг йирик вакили Аҳмад Яссавий: “Нафсга мағлуб шоҳ – қул, нафсдан устунликка эришган ғариб - шоҳдир”, деб айтган эди. Шайх Нурий “Тасаввуф нима?” деган саволга: “Тасаввуф нафс лаззатларидан воз кечишдир”, - деб жавоб берган бўлса, Шайх Сафий Алимшоҳ: “Тасаввуф нафс манзилларини босиб ўтишдир”; Шайх Равим эса: “Тасаввуф – Худо йўлида нафсдан кечмоқдир” деб таърифлаган эди.

Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Аллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга банда-ю, на бировга хожа, у ёлғиз Аллоҳга банда, у ёлғиз Аллоҳга эҳтиёж сезади. Ҳамма

нарсадан воз кечиш охир оқибатда ўзликдан кечиш –сўфийлик таълимотининг маъниси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: “Ўзингдан ўтдинг, Аллоҳга етдинг”, Ҳазрат Баҳоуддин айтадиларки “Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша “ҳеч”... нарса кетидан югуриб ғам ташвишда ҳам эмасмиз. Эғнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керакмас”.

Тасаввуф – сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Аллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади”.

“Тасаввуф, - деб ёзади фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Бўронов, - диний, илмий, фалсафий, ижтимоий, ахлоқий, эстетик ғоялар ва қарашлар тизимидир. Соддароқ қилиб айтганда, тасаввуф – бу илоҳият олами, инсон маънавияти, руҳияти, эҳтиёжлари ва унинг Худога муносабати ҳақидаги фалсафий таълимот дейиш мумкин”.¹

Таъкидлаш лозимки, тасаввуф ҳаракати араб мамлакатларида вужудга келиб, сўнгра бошқа исломий ўлкаларга тарқалган. Марказий Осиёда Яссавия, Кубровия, Нақшбандия каби тариқатлар шаклланиб, шу ердан бошқа мусулмон мамлакатлари халқлари орасида кенг ёйилди. Тасаввуф илми – моҳиятан ва мазмунан инсон ҳақидаги илмдир. У инсоннинг кўнглига, қалбига, руҳига хитоб этган, одамларни ҳамиша поклик ва эзгуликка чорлаган. Содда қилиб айтганда, тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илмидир.

Тасаввуф жамиятнинг тирик виждони бўлмиш комил инсон ва унинг тарбияси ҳақидаги илмдир.

Биз бу илмдан 70 йил давомида беҳабар қолдик. Инчунун, биз неча замонлар инсондан беҳабар қолдик ва не замонлар қалбу шууримиздан файз кетди. Ўтмишда Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз юртимизга қайтди.

Юртбошимизнинг Тошкент Ислом университетининг ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва шу фармонга шарҳда таъкидланганидек: “Ислом оммалашуви ва ривож сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубравия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирдик, улар бутун Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим роль ўйнайди”.²

Энди қисқача Туркистон заминида юзага келган ана шу тасаввуф тариқат ва силсилалари устида фикр юритамиз.

Аҳмад Яссавий – тасаввуфнинг машҳур ва оташнафас вакили. Унинг ҳикматларида, аввало, ғаразсиз, илоҳий ишқ (муҳаббат) тан олинади ва улуғланади. Аллоҳни таниш, Унинг ишқини идрок қилиш, Ҳақ васлига эришиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилади.

Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш – нафс эҳтиёжларини таслим этиш йўлидаги кураш деб ҳисоблайди. Нафс Аллоҳни таниш йўлида инсон учун катта ёв, душман дейди. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафс эҳтиёжларига таслим бўлмаган кишининг ғурури, инсоний қадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Булар ҳақида ўз ҳикматларидан бирида шундай ёзади:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,

Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса – турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...

Нафсни тепгил, нафсни тепгил эй бардиркор, - деб хитоб қилади.

Яссавий нафсни инсондаги ички катта душман, у инсондаги бутунликни, иймонни

¹ Қ.Бўронов. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари. Тошкент, “ФАН”, 2003, 42-бет.

² “Халқ сўзи” газетаси, 1999йил, 8 апрель.

синдиради деб айтади.

“Ҳикматлар”да поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, етим-есир, бева-бечора, камбағал, ғарибларга ғамхўр бўлиш лозимлигини айтиб, шундай дейди:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Етимларга аччиғланиб сўз қотмангиз.
Заиф кўриб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас.

Аҳмад Яссавий нодонликни кескин танқид этган. Унингча нодонлик шунчаки лоқайдлик, бефарқлик, масъулиятсизлик, илмсизлик, жоҳиллик эмас, балки риёкорлик, илмга амал қилмаслик, мунофиқлик ва Худони алдашдир. У ҳатто нодон билан жаҳаннамда ҳам бирга бўлмасликни, ҳатто нодонлардан дўзах ҳам ҳазар қилишини кўп маротаба такрорлайди. Нодонлар халқнинг кулфати, ақлнинг жаллоди, деб билади.

Дуо қилинг нодонларни юзун кўрмай,
Ҳақ таоло рафиқ бўлса бир дам турмай.
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,
Нодонлардан юз минг жафо кўрдим мано.

Шундай қилиб, Яссавий ҳикматларида комил инсонга хос барча ижобий ҳислат ва фазилатлар улуғланади, салбий иллатлар қораланади, меҳр-мурувват, ишқ, садоқат, адолат тараннум этилади.

Марказий Осиёда тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири, Кубровия силсиласининг асосчиси Нажмиддин Кубродир. Илм истаб Миср, Шом, Бағдод, Нишопур, Тус каби жойларда бўлиб буюк шайх ва уламолардан тасаввуф илмини ўрганган.

Босқинчи Чингизхон лашкарлари 1221 йилда Хоразмга яқинлашиб юрт оғир аҳволда қолганида 76 ёшли Кубро она юртини ҳимоя қилишга отланади ва мўғуллар қўлида қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Бу ҳақда Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида шундай ёзади: “Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ илмининг шоҳи, ул пир сарпанжасидан ўн забардаст йигит яловни чиқариб ола олмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни кўриб шарҳладилар: Ялов учини шайх тутиб, тарих айтдики, вафотим санаси “Шоҳи шуҳадо” (“Шаҳидлар шоҳи”)дир.

...Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз; ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имон қадаҳидан бир қўлимиз билан май ичсак, иккинчи қўлимиз билан кофир яловидан тутамиз”.¹

Нажмиддин Кубронинг бу жасорати жувонмардлик ва ватанпарварлиқнинг биз авлодлар учун ёрқин тимсолидир. У одамзод умри ва дунё моҳиятини шундай изоҳлайди: “Дунё-ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биносидир. У мўминларнинг экинзори, қидирувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изланувчиларнинг улови, сулук йўлига кирганларнинг кўприги, алданганларнинг маъшуқаси, содиқларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасидир... Унинг билан савдо қилганлар алданади, унга кўнгил берган йўлдан озади...”²

Буюк шайх инсон ҳақидаги қарашларида, инсон ўз моҳияти эътибори билан кичик олам-“олами суғародир”, аммо унда катта олам-“олами Кубаро” хусусиятлари мужассамдир. Одамзот тараққий этиб борса, пири комил раҳнамолигида Аллоҳнинг “Раҳим” ва “Раҳмон” сифатларидан бошқа барча сифатларини билиб ола олишлигини таъкидлайди.³

Бизнинг заминимизда шаклланган тасаввуф тариқати-Нақшбандия силсиласидир.

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент. “Чўлпон”, 1994, 165-166 бетлар.

² Муллаҳўжаева К. Кўнгилга назар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001 йил 23 ноябрь.

³ Қаранг. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. Тавҳид асрори. Тошкент, 1999, 174-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган “Ҳожагон” силсиласининг саккиз қондасига ўзининг уч қондаси (мурид ҳеч сўзсиз амал қилиши керак бўлган талаби)ни киритиб уни тугал ҳолга келтирди. Шу тариқа тасаввуф Нақшбандия тариқатида янада мукаммал ҳолга келтирилди.

Баҳоуддин таҳаллуси ул зотнинг динни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун қилган хизматлари улўғ ва бекиёс бўлганлиги учун берилган бўлиб, маъноси диннинг фаҳри, бебаҳоси демакдир. Нақшбанд таҳаллусига келсак, уни икки мазмунда талқин этилади. Биринчиси, ул зот мисга, матога нақш солувчи бўлиб кун кўрганликларига нисбат бериб изоҳланади. Иккинчиси эса, Аллоҳни қалбига нақш қилиб олган деган маънода ифодаланади. Балоғардон дейилишининг сабабига келсак, ул зот кишиларнинг, эл-улуснинг бошига келувчи турли офат, балою қазоларни қайтарувчи, дафъ этувчилик каромат соҳиби бўлганликларига нисбат берилади. Халқимизда бежизга Баҳоуддин Балоғардонга етти танга атаб юбор деган ибораси ишлатилмайди.

Баҳоуддин Нақшбанд жамиятда шоҳу гадо тенглиги тўғрисидаги адолатли ғояни илғари суриб: “Ҳожалик бандаликка тўғри келмас, Аллоҳ олдида барча баробар”, -деб айтган. Одамларга яхшилик қилиш, бева-бечораларнинг кўнглини олиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб: “Шам каби ёнгил, элга ойдинлик улаш, аммо ўзинг ҳилватда тургил” деб таъкидлаган. У ҳамма учун, айниқса, оддий халқ учун қўл келадиган “Дил ба ёру даст ба кор”-“Дил ёр(Аллоҳ) билан, қўл иш билан банд бўлсин” шиорини ўртага ташлаган. Бу шиор нақшбандийликнинг моҳиятини ташкил этади. Ҳамма учун қўл келадиган мазкур шиорда тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатлари тугал ҳолга келтирилганлиги ўз ифодасини топган. Нақшбанд ўртага ташлаган шиорни янада соддароқ тарзда изоҳлайдиган бўлсак,, тасаввуф аҳлининг мақсади Аллоҳ васлиги эришиш бўлса, бунинг учун тарки дунё қилиш, зоҳидлик йўлига кириши шарт эмас, балки Аллоҳни ҳар дамда қалбда зикр этиб, қўл эса меҳнат билан банд бўлган ҳолда ҳам етиш мумкинлигини англатади.

Нақшбанд доимо адолатни, меҳнат натижасида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган. Бу жиҳатдан унинг “Инсондаги яхши феъллар, яхши амоллар ҳалол луқмадандир” сўзлари биз учун маънавий ибратдир. У Исломни жамият, оила, шахс равнақи билан боғлаб “Кам егил, кам ухла, кам гапир” деб насиҳат қилган. Амир Темур бу шиорга амал қилиб, аркону давлатга, барча мулозимларга айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар-очарчилик кўрмасдан бой-бдавлат яшайсизлар, кам ухланглар-мукаммалликка эришасизлар, кам гапиринглар-доно бўласизлар”,¹ -деб ёзган.

Нақшбандия тариқатининг мусулмон оламида тутган ҳаётбахш ўрни ва аҳамиятини Покистондаги нақшбандия тариқати Жаҳон маркази раиси Зулфиқор Аҳмад изоҳлаб: “Нақшбандийлик тасаввуфни ҳаётийлаштирган таълимотдир. Ушбу тариқат дарахти ҳали бутун оламни тутди, чунки унда кишилик тафаккурининг энг амалий ва оқилона ҳулосаси мужассам”,²деб айтган.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, нақшбандия тариқати бошқа тариқатлардан ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлокий, маърифий маъно-мазмунга эга эканлиги билан ажралиб туради. Унда меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, ҳаммага яхшиликни раво кўриш каби инсон учун зарур маънавий фазилатларни тарғиб қилиши билан қимматлидир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Унинг “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худди шу бугун айтилгандек жаранглайди.”³

¹ Амир Темур ўғитлари. Тошкент, “Наврўз”, 1992, 58-бет.

² “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил 8 апрель

³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 40- бет

Она мозий бағрида юзага келган ана шу диний-фалсафий таълимотлар ва уларнинг намоёндалари асрлар давомида авлодларимиз маънавий-ахлоқий, рухий камолотига чексиз ўз таъсирини ўтказиб келганлигидан кўз юма олмаймиз. Уларни ўрганиш, халқимизга етказиш-халқимизнинг маънавий руҳининг покланиши ва ривожлантиришнинг бебаҳо чашмаси деб қарамоғимиз лозим.

3. Мустақиллик даврида диний қадриятларнинг тикланиши ва уларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти

Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти АЙСЕЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деган ном берилиши ҳоқи поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аجدодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аجدодларимизнинг табарруқ номлари ва қолдирган меросига қўшган бекиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо демакдир.¹

Бу улуғ зотлар қолдирган бой маънавий меросни асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади. Чунончи, яқин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ўташ таъқиқланган эди. Масжидлар, азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳларига қулф урилган эди. Одамларнинг уйларидаги Қуръон, Ҳадис, турли диний адабиётлар, ҳатто араб ёзувидаги бошқа китоблар териб олиниб, ёқиб юборилган эди. Мана буни “жоҳилия”, нодонлик деса бўлади. Қанчадан-қанча одамларимиз ҳозирги эмин-эркин кунларни қўмсаб, аммо кўролмай, армон билан ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустақиллик келтирган неъматларга ҳар қанча шукроналик айтсак арзийди. Мустақиллик даврида исломий қадриятлар тикланди, иймон-этиқодимиз ўзимизга қайтди. Бу савобли, эзгу ишларга қарвонбоши ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов эканини ҳар дақиқа эслаб туришимиз лозим. Президентимиз маънавият ва маърифатга оид нутқ, маъруза ва асарларида исломнинг маънавий-ахлоқий, маърифий тарбиядаги юксак роли, ўрни, аҳамиятини мунтазам уқтириб келмоқдалар.

Хусусан, бу масалаларга Президентимиз Ислам Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият” тўплами, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият-енгилмас куч” каби асар ва рисоаларда жавоб топишимиз мумкин.

Ислам динининг халқимиз маънавий ҳаётидаги бекиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. “Куч-адолатда” газетаси, 2007, 23-феврал.

Президентимиз “Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар ана шу заминда илдиз отади”,¹-деб таъкидлаган эди. Бу ҳолат халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда Ислом омилидан оқилона фойдаланишни такозо этади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда биз ворис бўлган диний моддий ва маънавий меросларимизни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, улардан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётир. Диний маънавий меросимиз қайтадан кўз очмоқда.

Аввало масжидларга, азиз-авлиёлар ётган мақбараларга солинган қулфлар олиб ташланди. Қаровсиз қолган масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Азиз-авлиёлар ётган, ўтмишда қаровсиз қолган келган жойлар ободонлаштирилди, зиёратчилар учун қулай шароитлар юзага келтирилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш кунини деб эълон қилинди. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг Ҳаж ва Умрага бориб келишлари учун имконият ва шароит яратиб берилди. Бу ўтмишда фақат ҳаёлий орзу ва армон эди. Улуғ алломалар – Имом Бухорий, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Мотуридий, ал-Марғиноний, ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари бўлиб ўтди. Қуръони Карим, Ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди, қилинмоқда. Ўтмишда бирорта ҳам диний уламанинг юбилеини ўтказилмас эди, диний китобларни нашр этиш таъқиқланган эди, юқорида айтганимиздек борлари ҳам йўқ қилинган эди. 1999 йилда Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Мустақиллик йиллари ислом дини ва исломий қадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар бажарилди.

Бугунги кунда бизнинг тарихий меросимиз, диний қадриятларимизни тиклаш масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошланган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида исломий қадриятларни тиклашдек эзгу мақсад йўлида ҳамма учун ибратли ва ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Тошкент шаҳрида жойлашган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида амалга оширилган кенг кўламли қайта тиклаш ва таъмирлаш, қурилиш ишларини эслаш, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурғониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбарасини айтиш мумкин. Бу амалга оширилган ишлар халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалишида катта аҳамиятга эгадир.

Она заминимизда яратилган моддий ва маънавий меросни қайта тиклаш ва кўз қорачиғидек асраб-авайлашдан кўзланган мақсад: “...эртага бизнинг ўрнимизга келадиган,

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 36- бет

биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини англаб етсин”.¹

Маънавий меросимизни тиклаш борасида кенг кўламда олиб бораётган ишларимиз натижасида ислом ва исломий қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Президент Ислам Каримов сўзи билан айтганда: “Биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... Динга ҳурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас қадриятдир.”²

Собиқ Шўролар тузуми таназулга юз тутиб, эски ҳукмрон, якка ҳоким большевистик-коммунистик мафкура батамом инқирозга учраб, янги мустақил давлатлар шаклланиши жараёнида маълум муддат ғоявий-мафкуравий бўшлиқ (вакуум) ҳолати вужудга келди.

Ғоявий бўшлиқ нима? Ғоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий қараш тизимининг ҳали шаклланмаган ҳолатидир.

1990 йилларнинг бошларида бундай ғоявий-мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳам намоён бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Мен қўхна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий”.³

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар равишда бегона ва зарарли мафкуралар ҳуружи бошланади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам дарҳол фаҳмлай олмайди. Ўзбекистондаги мафкура майдонида зарарли, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо бегона ғояларнинг ҳужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Сўнгги йилларда бизнинг диёримизда ҳам тараққиётимиз, осойишталигимизни кўролмайдиган “ваҳобийлик” ва “ҳизбут-таҳрир” каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлиб қолди. Бундай тўдалар ўзларича масжидларда ғавғо кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини заҳарламоқдалар. Мустақилликнинг берган эркинлигини суиистеъмол қилмоқдалар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини “ваҳобий” ёки “динни тозаловчилар”, “фундаменталистлар” деб юритиб, аслида эса биринчи навбатда исломнинг ўзига зарба бермоқдалар. Ваҳобийлар бир ярим минг йиллик илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурҳониддин Марғиновий, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфийлар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юборишни, мақбараларни бузиб ташлашни тавсия қилмоқдалар. Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват этмоқдалар. Ахир бу ваҳшийлик, нодонлик, жоҳилликнинг ўзи-ку. Маънавиятли ва маърифатли киши, буни мутлақо қабул қилмайди.

¹ Каримов И. А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. “Куч-адолатда” газетаси, 2007 йил 23 февраль.

² Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент., Ўзбекистон, 2000., 26-бет.

³ “Фидокор” газетаси, 2000 йил, 8 июнь.

Ваҳобийлик бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, исломни, ислом аҳлини бузадиган хавфли оқим. “Динни тозалаш”, “соф динга қайтиш” ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўяётганлардан миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз лозим.

Диёримизда дин ниқоби остида иш қўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлати куриш, халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи киркилди.

Халқимиз энди – эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими? Албатта йўқ, аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда. “Шу нуқтаи назардан қараганда,-деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов,-муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”.¹ Бу борада ёшларимизни уларнинг зарарли таъсиридан асраб қолиш ҳозирги таълим-тарбия ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Бегона ва зарарли, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Иммунитет (лотинча “озод бўлиш, қутулиш”)деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Лекин инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш ижтимоий-сиёсий ҳаётий эҳтиёж саналади. Чунки кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс ҳар қандай ошкора ёки пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бера олади. Ёшларимиз доимо ва ҳар он огоҳ ва яна огоҳ, сергак бўлишлари замон талаби. Бунинг учун ёшларимиз онгига мустақиллик ғоясини чуқур сингдиришимиз лозим. Токи улар миллий илдишлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг “даъвати” ҳам, аҳлокни рад этадиган,биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Муҳтарам Президентимизнинг “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавобида таъкидлаганидек: “Биз ўз динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурося қилолмаймиз. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимизга хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман”.²

Президент айтганидек, ҳар биримиз ҳамиша, ҳар сонияда огоҳ бўлишимиз лозим. Бу мустақил юрт ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

Муқаддас динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини, яъни ислом дини тинчлик, маърифат, юксак аҳлоқ-одоб ифодачиси эканини униб-ўсиб келаётган ёш

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 37- бет

² Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил 6 март сони.

авлодимизга тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш орқали улар онгида соғлом мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз лозим.

Юртимизда кейинги вақтларда рўй бераётган айрим салбий ҳодисалар, ножўя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда.¹

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани қаби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний қадриятларга муносабатимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин. Бу йўл Президентимиз асарларида, хусусан “Юксак маънавият енгилмас куч” китобида ёритиб берилган. Унинг моҳияти мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Аллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму урфон билан камолот сари бориш, ўз маънавий меросимиз қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам бўлган ҳолда олға бориш.

Хулоса шуки, мустақиллик берган ҳидоят йўлини турли унсурлардан асраш, уларга берилмаслик лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Марказий Осиё халқларининг қандай афсона, ривоят ва дostonларини биласиз? Улардаги маънавий жиҳатларни изоҳланг.

2. Марказий Осиё халқларининг ватанпарварлик мавзуидаги қандай халқ оғзаки ижоди намуналарини биласиз?

3. ”Авесто”да инсон ахлоқи, одоби, маънавиятини ифодаловчи таянч ғояларни изоҳланг.

4. ”Авесто”да инсон иймонлилигини изоҳловчи таянч тушунчаларни изоҳланг.

5. ”Авесто”да табиатга, ҳайвонларга муносабат қандай баён қилинган?

6. ”Авесто”да соғлом авлод масалалари қандай кўриб чиқилган?

7. Моний ва Маздак таълимотларидаги маънавият масалаларини изоҳланг.

8. Ислom дини ҳақида нималарни биласиз?

9. Қуръон ва Ҳадис қандай китоблар?

10. Ислom динида инсон маънавияти масалалари қандай талқин қилинган ва улар ҳақида нималар биласиз?

11. Ислom динининг илмга муносабатини изоҳланг.

12. Тасаввуф қандай диний-фалсафий таълимот? Унинг моҳиятини изоҳланг.

13. Тасаввуф инсон учун энг катта ёв деб нимани тушунади?

14. Ўрта Осиёлик қандай буюк сўфийларни биласиз?

15. “Дил ба ёру - даст ба кор” иборасининг моҳиятини изоҳланг.

16. Диний ақидапарастлик деганда нимани тушунаси? Унинг жамиятимиз учун хавфи нимада?

17. Ислom динининг шахс маънавиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб беринг.

18. Ўзбекистон мустақиллиги ва динга, диний қадриятларга муносабатдаги ўзгаришларни тушунтириб беринг.

¹ Қаранг. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 9-бет.

4. МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Режа:

1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривож

2. Амир Темур ва темурийлар маънавий меросининг ўзбек халқи маънавий тикланишидаги беқиёс аҳамияти

1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривож.

Амир Темур буюк давлат арбоби ва юксак маънавият соҳиби

Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, таланти меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган халқимиз фарзанди. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Мустақилликка эришгунимизга қадар буни амалга ошириш имконига эга эмас эдик. Чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи таҳқирланиб тухмату маломатларга қолди.

Шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улуғ бобомиз Амир Темурни ўрганиш имконига эга бўлдик.

Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топди. Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий-сиёсий буҳрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Майда, тарқоқ феодалларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Биринчидан у мамлакатда юқорида айтганимиздек кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, мўғуллар зулмига барҳам бериб, марказлашган йирик феодал давлатни барпо этди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун “Темур ва Темурийлар маданияти”, “Темурийлар давлати”, “Улуғбек ва астрономия мактаби”, “Навоий” ва “Бобур” каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бу гапларнинг заминидан албатта Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади. Иккинчидан, Амир Темур, ўзи билибми-билмасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларни мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдорларидан ҳисобланган Боязид Йилдиримни тор-мор келтириб, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлади; Олтин Ўрда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор этиб, Россияни мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини тезлаштирди. Учинчидан, Туркистон заминини зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Амир Темур замонида ёзилган асарларни кунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилик, мурувватлилик, адолатпарварлик, эл-юртига меҳр-муҳаббат, бунёдкорлик ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин.

Амир Темурда Ватанни севиш, халқини улуғлаш, улардан фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий маънавий фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари” ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насихатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва

фуқароларнинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўғитлардир

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъйи-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, қалъалар, каналлар йўл ва кўприклар ва бошқа иншоотларнинг сон-саноғи йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги ота макбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўъжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “Ободонликка ярайдиган бирор қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”.

Тарих бу қўхна дунёда жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчанлик фаолиятининг тасдиғидир. “Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг” деганда Амир Темур, аввало ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаймиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қулар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бирга буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг хизмати бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб қобилиятни бошданок пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган “Куч - адолатда!” деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган, десак янглишмаймиз. Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари “Темур тузуклари”да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами – раиятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Соҳибқироннинг “Темур тузуклари”дан қуйидаги сатларни мамнуният билан ўқиш мумкин:

“Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин”.

“Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”.

“Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар”.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли ҳислатлари намоён бўлган. Буни у бошқалардан ҳам талаб қилган. Кечиримли бўлиш инсон учун энг яхши фазилат деб билган.

“Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўркув бўлса, унут бўларди”.

“Менга ҳасад қилиб ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, ҳижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша мени розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим”.

“Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим...”

“Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат”.

Амир Темур лафзи ҳалоллиги, поклиги ва самимийлиги билан ҳам шуҳрат қозонган.

Амир Темурнинг дўстлик ҳақидаги панду-насиҳатлари ҳам ҳали-ҳануз биз учун ибратдир.

“Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимади, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди”.

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қуйидаги ўғитларидан ҳам билиб олиш мумкин:

“Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирор боғ кўқартирса, ёхуд бир хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар”.

“Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар”.

Амир Темур ўзи барпо этган давлатни миллий, исломий, ахлоқий кадриятларга таяниб идора қилди. Бу эса жамиятни адолат, инсонпарварлик мезонлари асосида бошқаришга, мамлакатда осойишталик, тинчлик, тотувлик сақланиб туришига олиб келди. Темурнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам улкан империяни яратиш, уни ривожлантириш, жаҳондаги энг қудратли давлатлардан бирига айланишига асос бўлган маънавий омилдир. Темур ўз қўли остидаги раҳбар ва саркардалардан ҳам ахлоқли, одобли бўлишни талаб қилди. У ўзининг “Тузуқ”ларида раҳбарларнинг ахлоқчилиги, адолатчилиги жамият, давлат ва миллат учун қандай катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, қуйидаги вазифаларни белгилаган: “Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирларни сақласин, токи подшо зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи кулайди”.¹

Амир Темур жамиятни бошқаришда ахлоқ-одоб мезонларига амал қилган. Ота-боболаримиз каби Амир Темур ҳам ўз халқинигина эмас, балки босиб олган мамлакатларнинг халқларига ҳам муайян ахлоқий кадриятларга таяниб, чегарадан чиқмаган ҳолда муомалада бўлган. Чунончи, Амир Темур ўзининг “Куч адолатда”, деган ғоясига бошқа халқлар, мамлакатлар билан бўлган муносабатларда ҳам тўла амал қилган. Юксак маънавий кадриятларга таянган бу адолат Амир Темурнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; Саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол вазифалар бериб, маошларини

¹ Темур тузуқлари. Тошкент, “Наврўз” нашриёти, 1992 йил, 23-бет.

белгиладим; ўша юртларнинг улуғлирини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим”.¹

Шундай қилиб Амир Темурнинг давлат, жамият, эл-улусни тўғри, одилона бошқаришига асос бўлган маънавий-ахлоқий фазилатлари қуйидагилардан иборат бўлганлигини кўришимиз мумкин: ақли расо, хушёр кишилар билан бамаслаҳат иш юритиш, ишбилармон, тадбиркор, мард, шижоатли, хушёр кишиларни қадрлаш, одамларга раҳм-шафқатли бўлиш, одамларни рози қилиш, ёмонлик қилиб кейин тавба қилганларни кечириш, гина ва адоват сақламаслик, жасур ва шижоатли кишиларни дўст тутиш, ҳеч кимга ғазаб билан муомала қилмаслик, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд қаторида кўриш, халққа зулм қилган кишиларни кечирмай жазолаш, олиму фозиллар ижодига йўл очиш, сармоясиз қолган савдогарларга, деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган кишиларга ёрдам бериш, ҳар кимнинг сўзига қулоқ солиш, диққат билан тинглаш ва ўз ақли билан хулоса чиқариш, ифвогар ва тухматчиларнинг сўзларига қулоқ солмаслик, одамларга юмшоқ, мулойим муомала қилиш, зарур бўлиб қолса, қатъий чоралар кўриш, меҳнатсевар, ҳайр-эҳсонли кишиларни қўллаб қувватлаш ва бошқалар.

Амир Темурнинг доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этган маънавий-ахлоқий фазилатлари соҳибқирон бобомиз умрининг маъно-мазмунини ташкил этади.

Амир Темур ўз фарзандларига қолдирган васиятида халқнинг, жамиятнинг маънавий-ахлоқий камолотини давлат барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири деб баён қилган. Унинг қуйидаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрт, Ватан, миллат ҳақида қайғуришга чорлаб келди: “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекканингиздан кейин уни усталик-ла қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг”.² Бу жумлаларда Амир Темур маънавияти жамул-жам бўлганини кўришимиз мумкин. Унинг ўз тузукларида айтган сўзлари бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.

Темур тарихда қолдирган яхши ном, у таянган, тарғиб этган ахлоқий қоидалар, одоблилик мезонлари биз авлодларга буюк маънавий меросдир. Донишмандлар тарихда яхши ном қолдиришни иккинчи умр деб бекорга айтмаганлар. Темурнинг маънавий-ахлоқий ўғитлари ҳозир ҳам бизга дастурул амал бўлиб келаётгани соҳибқироннинг иккинчи умридир.

Буюк соҳибқирон мафкурасининг асосий моҳиятини ташкил этган – “Миллат дардига дармон” бўлишга чақирғи ҳозирги кунда ҳам сув билан ҳаводек зарур даъватдир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қаноат бағишлайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.³

Амир Темур маънавияти ва маърифати ҳақидаги фикримизни Президентимизнинг соҳибқирон ҳақида айтган қуйидаги сўзлари билан яқунлашни лозим топдик: “...тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.”⁴

¹ Амир Темур ўғитлари. 36-бет.

² Юқорида келтирилган ўғитлар “Амир Темур ўғитлари” тўпламидан келтирилди. “Наврўз”, Тошкент, 1992.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000. 10-бет.

⁴ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 44-45-бетлар.

Темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривож

Темур ва Темурийлар даври, умуман Шарқ, хусусан Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда илм-фани, маданияти, маънавияти, адабиёт ва санъати ривожда муҳим босқич, янги тарихий давр, туб бурилишдир. Бу даврни ҳозирги давр илм-фанида Марказий Осиёда сўнгги Ренессанс (Уйғониш) даври деб ҳам юритадилар.

Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; олимлар – Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий; файласуф шоирлар – Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий, мусаввирлар – Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, ҳаттотлар: Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар мана шу даврда яшаб ижод қилдилар. Уларнинг ҳаммаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукамал билиб ва ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларнинг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм, ақл эгалари бўлганлар.

Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серкирра ижодлири, тенги йўқ ва такрорланмас илмий-фалсафий, бадий, тарихий асарлари асрлардан асрларга, даврлардан даврларга эсон-омон ўтиб, барча алғов-далғовларга бардош бериб бизларгача етиб келди.

Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилган мусаввирлик санъати Шарқ уйғониш даврининг ютуқларидан биридир. Беҳзод ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдиргандир. “Иккинчи Моний”, “Шарқ Рафаэли” деб юксак даражада эъзозланган. Беҳзод машҳур сўз санъаткорлари – Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг сиймоларини яратган юксак маънавият эгасидир.

Темурийлар даври илм-фани, маданияти, маърифати ривож Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим.

У ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб боровчи 100 дан ортиқ илм аҳллари тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий Абул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби замонанинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек шу асосда Самарқандда “Самарқанд академияси”га асос солган эди. “Зижи жадиди Кўрагоний” (“Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали”) ва “Тўрт улус тарихи” номли асарларнинг муаллифидир.

Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “Улуғбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди”.

Мирзо Улуғбек фан ҳомийси бўлиши билан бирга, мамлакатда маънавият ва маърифат ривожига ҳам катта аҳамият берган алломадир. У қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуситинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди. Улуғбек Мовароуннаҳрда бир эмас уч мадраса қурдирди. Булардан бири Самарқандда (1417-1420); иккинчиси Бухорода (1417) ва учинчиси Ғиждувонда (1433)дир. Ҳатто Бухородаги мадраса пештоқиға ҳадисдан: “Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир”, - деб ёздириб қўйди.

Улуғбек кўпроқ буюк олим, илм-фан, маърифат ҳомийси бўлгани учун ҳам янада қадрлидир. У геометрия, математика, астрономия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқа илмларини билган. Қуръон, ҳадис ва фикҳ илмларидан ҳам яхши хабардор бўлган алломадир. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астрономиянинг ривожда Улуғбекнинг хизматлари бекиёсдир.

Улуғбек ўзидаги илмни эгаллашга бўлган интилиш ва фазилатларни мамлакатда илм-фанни раванқ топишига йўналтириб мадрасаларда ўқиш-ўқитиш тизимини жонлантиришга катта ҳисса қўшди. Чунончи, мадрасалардаги ўқув тизимини ислоҳ қилиб, уларда астрономия, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15-20 йилдан 8 йилга қисқартирди.

Мутафаккир ёш авлоднинг табиат ҳақидаги билимларни эгаллаши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг уқтиришича, фан, маданият, умуман маънавият ва маърифатнинг ривожланиши билан юртда ҳақиқат барқарорлашади. Улуғбек эл-юртнинг тинч-осойишта бўлиши учун одамлар ўртасида дўстлик ва биродарлик, самимият ва адолат барқарор бўлиши зарурлигини айтади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади.¹ Унинг даҳоси бугун ҳам инсоният маънавияти ва маърифати ривожини учун хизмат қилмоқда.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожини ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, халқлар осойишталиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишлаган икки буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501)ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдураҳмон Жомий Марказий Осиё халқлари маънавий оламида, бадиий тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, ўчмас из қолдирган мутафаккирлардан биридир.

Абдураҳмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкураси, бўлмиш нақшбандийчиликка ихлос қўйган, уни қабул қилган, ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган. Нақшбандийчилик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, ҳаром йўллар билан мол-мулк тўплашни қоралаган. Жомий эътиқод қилган бу таълимот инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг “Дил ба ёру, даст ба кор” – “Кўнгил Аллоҳдаю, қўл меҳнатда” шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки улуғ сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийчилик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этганлар.

Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандар (“Искандар ақлномаси”) асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу-додига кулоқ тутувчи ҳукмдор сиймосини яратади. Ҳукмдор адолатли ва одил бўлиши лозим деб, одиллик ва адолатни нурга ўхшатади.

Агар чиқса адолатнинг куюши,

Таралгай ҳар томон нури зиёси.

Агар зулм этса золим, бу ситамдан

Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси,-деб хитоб қилади.

Жомий эл-улусга, инсонга яхшилик қилиш, уларга нисбатан мурувват кўрсатиш инсон номини улуғлайди, деб шоҳларни, ҳукмдорларни шунга чакиради:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган

Қачонгача тожу муҳр қолади?

Мулку бойлик бари кетади бир кун

На замон, на замин, на наҳр қолади.

Кўлингдан келганча яхшилик қилғил

Жаҳонда сенга шул меҳр қолади...,-деб ёзган Жомий нечоғлик ҳақ эканлигини англаб етмоғимиз даркор.

¹ Қаранг:Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 46- бет

Жомий ўз асарларида манманлик, кеккайиш, нодонлик инсон учун маънавий қашшоқлик белгиси эканлигини баён қилар экан, кишиларни бу иллатлардан ҳоли, пок бўлишга чақиради. Тўғри сўзликни инсон учун зарурий энг яхши фазилат деб билади. Бу ҳақда унинг ижодидан шундай мисраларни ўқишимиз мумкин:

Сўз айтсанг ростликни айтгил одат,
Қидирма ростликдан яхшироқ зийнат.
Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,
Қайда кўрди экан бирор билимдон?¹

Улуғ адиб ўз асарларида ҳасисликни, ўғриликни кескин қоралайди, оқилона яшаш, ортиқча бойликни муҳтожларга бериш, қаноатли бўлиш ғояларини олға суради. Жомий дейди:

Ҳарна кирса қимматли мард қўлига,
Сочар дўстлар оёғига барчасин,
Ўзи ўлгач, душманлари бўлишар,
Ҳасис киши териб йиққан нарсасин.²

Жомий илм-маърифатни инсон учун ҳаётига йўл очувчи ва уни ўз мақсадига эриштирувчи омил деб билади. Илм ва ҳунарни инсон ёшлиқдан эгаллаши лозим, у унинг меҳнатини енгиллаштиради, ҳалол яшаш, кун кўриш манбаи деб билади. Кишиларни илмларни эгаллашга даъват этди:

Энг зарур билимни кунт билан ўрган,
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,
Унга амал қилмай умр ўткурма.³

Мутафаккирнинг меҳнат ҳақидаги қарашлари ҳам диққатга сазовор бўлиб, меҳнатни инсонга бахтли, фаровон ҳаёт бахш этувчи восита ҳисоблайди. Ҳар бир инсон ўз ҳалол меҳнати билан яшамоғи лозимлиги, шундагина у тинч, осуда ва бахтли яшашга эриша олишини таъкидлайди:

Ўз меҳнатинг бўлсин доим йўлдошинг,
Ўзга миннатидан оғритма бошинг.

Жомий асарларида инсон маънавиятининг муҳим қирраси бўлган дўстлик, дўстига садоқатли бўлиш ҳақида ҳамма учун ибрат бўладиган ғояларни илгари сурганлиги эътиборга сазовордир.

Дил агар ногаҳон ғамга учрасанг,
Ғамхўр дўстинг бўлса, у ғам эмасдир.
Кулфат куни содиқ дўстларинг керак,
Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир.⁴

Чин дўст ул – дўстлиги ошаверса гар,
Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам,
Бошига минг жафо тоши ёғилса,
Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам.⁵

Шундай қилиб, Жомий илгари сурган инсонийлик, илмларни эгаллаш, ҳунар ва касбнинг аҳамияти, меҳнат ва меҳнатсеварлик, ҳимматлилик, камтарлик, тўғрилик, дўстлик каби ғоялари бугунги кунда ҳам ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент. “Ғ.Ғулом”, 1982, 25-бет.

² Абдурахмон Жомий. Баҳористон. Тошкент, “Ёш гвардия”, 1979, 13-бет.

³ Ўша китоб, 15-бет.

⁴ Ўша китоб, 13-бет..

⁵ Ўша китоб, 9-бет.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Марказий Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. “Чор девон”, “Хамса”, “Маҳбубул-қулуб”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мажолисун-нафоис”, “Лисонут-тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир. Алишер Навоий мамлакати ва халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк маънавий мерос қолдирган. У халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёниси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган ўлмас сўз санъаткоридир.

Алишер Навоий халққа иш билан ҳам, сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаатини ўйлайдиган, халқнинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий инсон деб билади.

Одами эрсанг демагил одами,

Оники йўқ халқ ғамидин ғами, - байти Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: “Шоҳи ғарибон”, яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи.

Навоий саҳоват ва мурувватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича хайрия ишларига сарфлаган..

Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришunosларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни бепул овқат билан таъминлаган. Муҳтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган. Бундан ташқари канал қаздириб, Машҳад шаҳрига сув келтирган.

Алишер Навоий бутун умри давомида маънавий тубанлашиш шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ниҳоятда хатарли эканини кўрсатиб ўтган. Доимо жаҳолатни, адолатсизликларни, инсон қадр-қимматини ерга уришни, беҳуда қон тўкишларни юксак маънавийлик минбаридан туриб қоралаб келди.

Навоий мансабдорнинг маънавий тубанлашиши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида қуйидаги ҳикматли фикрларни айтган: “Инсон мансаб ва катталики севизи табиийдир. Бу ишда нафс ихтиёрсиз ва кишининг сезгисини эгаллаш билан шуғулланишини талаб қилади; мансабнинг хосияти ғафлатни орттирувчи ва подшоҳликнинг маст қилувчи илтифоти хуш олувчи ва шундай кишига халқнинг иши кўп тушади. Бундай кишининг хушёр бўлиши жуда оғир. Агар у гоҳо ақл мадади билан ўзини тут олса-да, бироқ мансаб мастлиги уни ҳолига қўймайди. Ҳақиқатдан шу мастлик чоғида, фалакнинг интиқом олувчилиги, ғаддорлиги ва фалак Ҳоликнинг адолатли ҳоким эканлиги қачон унинг хотирига келади? Орттирилган қудрат ва мартабанинг баҳоси йўқ ва умр фойдасиздир. Унинг ёмонликларидан фақат душманларгина кулиб қўя қолмай, расволигидан дўстлари ҳам шармандадир... Хулоса: нафси пок ва ақли соф кимса бу мастликлардан ўзини беҳуш қилмасин ва ўзини ўзбилармонлик ва ўзбошимчаликка солмасин. Зулм кўрган дардмандларнинг ҳолига боқсин”.¹

Ҳукмдорларнинг халқ билан муносабатига асос бўладиган маънавий омиллар, одоб қоидалари устида тўхтаб қуйидаги фикрларни айтган: “Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ёмон ҳолга тушган ва тубан кимсаларнинг ишларини марҳамат ва юмшоқ сўзлар билан тўғрилсинлар. Каттиқ сўзлар билан

¹ Хондамир. “Макоримул-ахлоқ”. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1948 йил, 40-41-бетлар.

дарвешларнинг дилларини ранжитмасинлар. Дили яраларнинг жароҳатига мулойим сўзлар билан малҳам бўлсинлар. Нафс ва шайтон фирибидан хотиржам ўтирмасинлар, ҳар бир ишда ихлос ва ростликни касб этсинлар. Подшо давлати, халқ ва сипоҳ ишларини тузатиш борасидаги тўғри сўздан кўркмасинлар ва айтаверсинлар. Худой сақласин, ғурурлик майи билан ўзини маст ва беҳуш қилмасинлар. Бошга бирор машаққат иш тушса, сабр ва чидам паноҳига сиғинсинлар. Ёшларга шафкат, тенгқурларга муваффақият ва мадора, катталарга иззат ва ҳурмат кўрсатиш йўллариغا риоя қилсинлар”.¹

Навоийнинг мазкур фикрларида ҳар бир инсон фаолиятига асос бўладиган мукамал маънавий қадриятлар тизими баён этилгандир.

Алишер Навоий одамларни инсофга, саховатли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил бўлишга, бир-бирларига ёрдам беришга, карамли, саҳий бўлишга чақиради. Саҳийлик инсон маънавийлигининг асосий мезонларидан бири эканини, унинг моҳияти ва аҳамиятини тавсифлаб қуйидагиларни айтган эди: “Саҳийлик кишилар боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёнинг асл гавҳаридир”.

Хондамир Алишер Навоийнинг юксак ахлоқий фазилатлари жумласига камтарлик, ҳокисорлик, хайр-эҳсонлилик, камбағалпарварлик, тўғрилиқ, одиллик, адолатлилик, маърифат соҳибларига ҳомийлик қилиш, дўстликни қадрлаш, молу дунёга, бойликка берилмаслик, оққўнгиллилик, гина ва адоват сақламаслик, кечиримлилик, вазиятни ҳисобга олиб иш тутиш, ширин сўзлилиқ, халқпарварлик, имонлилик, инсофлилик, жабр-зулм кўрганларни ҳимоя қилиш, нафс балосига берилмаслик, ростгўйлик ва бошқаларни киритган. Навоийнинг ўз фаолияти давомида миллат ва давлат манфаатларига келтирган беминнат фойдаси ҳақида шундай ёзади: “Амирлик тахтини, ҳукумат мансабини ўзининг муборақ қадамлари билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, ҳур олам даҳри касалларига адолат шарбати билан шифо бахш этди”.²

Буюк бобокалонимизнинг бундай олижаноб маънавияти ўтмишдан мерос ва юксак маънавий қадриятларимиздандир. Навоийдек бўлиш қийин, аммо унга интилиш, ибрат олиш лозим.

Навоийнинг бундан қарийб 567 йил аввал илгари сурган ғоялари асрлар оша аҳамиятини, ҳаётийлигини йўқотгани йўқ. Унинг ҳаётбахш ғоялари бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик, халқлар тинчлиги учун олиб бораётган кураши билан ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов буюк сўз санъаткори, ўзида инсониятнинг энг орзу-истакларин мужассам этган, ўзбек халқининг улуғ фарзанди беназр даҳосига: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”,³-деб юксак баҳо берган.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври илм-фани, маърифати, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс ва беназирдир. Буни ҳаммамиз тўғри англамоғимиз лозим, ул улуғ зот ила фахрланишимиз барчамизнинг бурчимиздир.

2. Амир Темур ва темурийлар маънавий меросининг ўзбек халқи маънавий тикланишидаги беқиёс аҳамияти

¹ Ўша асар . 41-бет.

² Ўша асар, 43-бет.

³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 47- бет

Миллий мустақиллик туфайли жаҳон маънавияти ва маърифати сахнида ўз ўринларига эга бўлган пиру комил аждодларимизни ва улар қолдирган бой маънавий-маърифий меросни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш имконияти юзага келди. Инчунун, ота-боболаримиз, хусусан буюк давлат арбоби, маърифат ҳомийси, юксак маънавият эгаси Амир Темури ва унинг авлодлари қолдирган, абадийликка дахлдор мероси бугунги кунда халқимиз руҳий-маънавий покланиши ва миллий ўзлигини англашнинг битмас-туганмас чашмасидир.

Биз бугун яшаётган Мустақил Ўзбекистон давлатидаги тарихий шаҳарлар, гўзал маконларнинг кўпчилиги Амир Темури ва темурийлар даврида вужудга келди. Темурийлар даври ҳар соҳада чинакам уйғониш даври бўлди. 150 йиллик мустамлакачилик, 70 йиллик қарамлик ва тобелик йилларида шундай буюк зот, дунёга машҳур давлат арбоби, улуғ бунёдкор Амир Темури шахсиятининг асл моҳиятига холис ва ҳаққоний баҳо бериш имконидан маҳрум бўлиб яшадик. Шўро тузуми соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқатни халқдан яшириб келди. Бобокалонимиз тўғрисида икки оғиз илиқ сўз айтилган барча манбалар кўздан яширилди, таъқиқланди ёки сохталаштирилди. Президент Ислам Каримов айтганидек: “Амир Темури номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурури туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди”. Ёки Президентнинг яна қуйидаги сўзини эслайлик: “Шўро даврида бизга Амир Темури босқинчи, золим, қонхўр жаллод, бориб турган жоҳил, деб ўқтириб келишди... Амир Темури ҳақидаги бу уйдирма – соф сиёсий мақсадларни кўзлаган тухматдан иборат. Биласизми, бу ишларнинг тагидаги мақсад битта бўлган: яъни, бизнинг ўзлимизни, тарихимизни унуттириш, бизни манкуртга айлантириш. Шунинг учун ҳам биз амир Темурининг ҳурматини жойига қўяр эканмиз, биринчи галда шу савобли иш орқали халқимизнинг, миллатимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйган бўламиз. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур. Ўзлимизни англашимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз ҳам қарз, ҳам фарз”.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ Президент Ислам Каримов бой маънавий меросимиз, дину иймонимиз, қадриятларимиз, шу жумладан улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темури номини, у ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга шахсан раҳнамолик қилиб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги бизга буюк соҳибқиронни ҳам қайтариб бергани билан алоҳида қадридир. Ҳорижда сиймоси йиллар давомида театр саҳналаридан тушмай келган, Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин китоблар ёзилган, кўпдан-кўп суратлари ишланган, қисқаси дунёга машҳур бўлган улуғ зот Амир Темури яна халқимиз қалбидан муносиб ўрин олди.

Истиқлолимиз энди куртак отаётган даврда Тошкентнинг қоқ марказидаги хиёбонда соҳибқиронга ўрнатилган муҳташам ҳайкал мустақиллик пойдеворига қўйилган олтин ғишт бўлди.

Орадан сал ўтиб, 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда эса соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан дунё миқёсида улкан тадбирлар ўтказилди. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган юбилей тантаналари жаҳон миқёсида, айниқса муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига кўра “Амир Темури” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Дунёнинг таниқли сиёсат арбоблари, олимлари, ёзувчилари, тарихчилари иштирокида илмий-амлий анжуманлар ўтказилди. Президент фармони билан юксак мукофот – “Амир Темури” ордени таъсис этилди. Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши республикамиз, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Юбилей муносабати билан Амир Темури ва Темурийлар даврига оид кўплаб тарихий-илмий асарлар, рисоалар, альбомлар ва бошқалар нашр этилди. Шу ўринда Амир Темурининг ўзи яратган “Темури тузуклари” рисоласини, академик Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темури” тарихий романини, Эркин Азимовнинг “Амир Темури салтанати” рисоласини, А.Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърий

драмасини, Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг “Зафарнома” асарларини, Ф.Ашрафийнинг “Темурийлар даври миниатюраси” каби нашрларни алоҳида қайд этиш мумкин. Буларнинг ҳаммасига мустақиллик туфайли эришдик. Юқорида айтганимиздек, узоқ йиллар давомида мустамлака ва қарамлик исканжаси остида кун кечирган халқимиз Амир Темур каби ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан махрум эди. Бунга интилган ва бу йўлда тирнок қонатган олим, файласуф, тадқиқотчиға миллатчи, ўтмишни идеаллаштирувчи деган тамға босилар эди. Аллоҳга шукурлар бўлсинким, мустақиллик туфайли буларнинг ҳаммасига барҳам берилди. Мустақилликнинг мана шу нурафшон кунларида юртимиз узра Амир Темурнинг руҳи биздан рози бўлиб кезиб юрган бўлса не ажаб!

“... давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тadbиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз”.¹

Буларнинг ҳаммаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик туфайли ўзбек халқининг маънавий тикланиши борасида олиб борилаётган кенг жабҳадаги хайрли ишлардан бир нишона холос.

Биз Темурийлар даврида яратилган бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксак поғонага кўтаришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда, халқимизнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришда, маънавий баркамол, комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишда шунчалик қудратли маънавий-маърифий қуролга эга бўламиз.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима учун Амир Темурни буюк давлат арбоби ва саркарда деймиз?
2. Амир Темурнинг юксак маънавият эгаси эканлигини изоҳланг.
3. ”Темур тузуклари” қандай асар?
4. ”Темур тузуклари” асридаги адолат, тўғрилиқ, ҳалоллик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик тўғрисидаги фикрлардан мисоллар келтиринг.
5. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
6. Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган олимлардан кимларни биласиз?
7. Нима учун Алишер Навоийни “Сўз мулкининг султони” деб атаймиз? (мисоллар билан исботланг).
8. Алишер Навоийнинг қандай асарларини биласиз?
9. Мустақиллик ва Амир Темур, темурийлар даврига муносабатдаги ўзгаришни тушунтириб беринг.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ”-1998., 15-бет.

5-МАВЗУ: ЖАДИДЧИЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИ КЎТАРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

- 1. Жади́дчиларнинг маърифатпарварлик ғояси.**
- 2. Жади́дчилик ҳаракатининг ўзбек миллий маънавий тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти**

1. Жади́дчиларнинг маърифатпарварлик ғояси

Жади́дчилик, маърифатчилик миллатни маърифатли қилиш, маънавиятини юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир. Жади́длар аҳолини саводли қилмоқчи бўлган оддий маърифатчилар эмас. Улар мустамлакачилик даврида Туркистонда ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни, халқнинг маънавий ҳолати даражасини яхши билганлар, бу жараёнларнинг сабабларини чуқур таҳлил эта олганлар. Улар Туркистоннинг мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий миллатларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий-маънавий, маърифий савиясини давр талаблари ва имкониятларига асосланиб ривожлантириш лозимлигини англаб етганлар. Уларнинг халқ маорифини ривожлантириш, миллий маданий-маънавий меросни тиклаш, Европа халқларининг маданияти, тажрибсини ўрганишга чақириш борасидаги фаолияти ҳам пировард натижада мустақилликка эришиш мақсадлари билан боғланган. Жади́длар билимли, маданиятли, маърифатли, маънавиятли миллатгина катта тарихий вазифаларни ҳал этишга қодир бўла олиши мумкинлигини чуқур англаб етганлар. Жади́дчилик ҳаракатининг асосий моҳияти миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқишгина мустақилликка эришиш, миллий давлатни барпо этиш мумкинлигини асослашдан иборат бўлган.

Маърифатчилар, жади́длар миллатнинг маънавий камолоти мақсадлари йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидоий инсонлар бўлган.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидоий, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шуғулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим ғояларни илгари сурадилар, шу ғояларни амалга ошириш учун кураш олиб борадилар.

Маърифат маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга бекиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Шунинг учун озодлик учун курашчилар мамлакат, миллат озодлигини халқнинг маърифий уйғоқлигида деб биладилар ва маърифат учун курашадилар. Бизнинг халқимиз азал-азалдан маърифатга интилиб яшаган. Бу ўлкадан дунё илми ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар етишиб чиққан. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар соҳасида дунё илми аҳлини ҳайратга солганлар.

Ўтмишда ижод этган аломаларимиз ал-Форобий, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқалар нафақат илм чўққиларини эгаллаб қолмай, уни – яъни маърифатни кенг тарғиб этганлар, шогирдларни тарбиялаганлар.

Туркистон маърифатчилик мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурий, Ашурали Зоҳирий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Иброт ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидоий зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти

билан танишиб, мустамлака ўлкани, уни кишанларини илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар.

Кўринадики, жадидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятини юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир.

Туркистонда жадидлар ҳаракатининг шаклланиши уч босқични ўз бошидан кечирган. Биринчи босқич -1880 йиллардан 1905 йилгача: иккинчи босқич-1905 йилдан1917 йил Октябрь тўнтаришигача, учинчи босқич-1917 йил Октябрь тўнтаришидан 30 йилларнинг охиригача бўлган даврларни ўз ичига олади. Бу даврлар ўзига хос томонлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради.

Мустабид совет тузуми шароитида жадидчилик ҳаракатига тўғри баҳо бериш ва уни муносиб тақдирлаш имкониятига эга эмас эдик. Аксинча жадидчилик ҳаракатининг вакиллари миллатчилик ғоясини тарғиб қилувчи пантюркизм ва панисломизм мафкураси тарафдори деб эълон қилинди. Уларга “миллатчи” деган тамға босилиб қатағон қилинди.

Ўзининг билими, ақл-заковати, иймон-этиқодини, бутун ҳаётини ўзбек халқининг миллий озодлиги, Ватанимизнинг миллий мустақиллиги ва бахтли келажаги учун сафарбар этган жадидлар ҳаракатининг ғоялари зое кетмади. Улар Ватанимизнинг мустақиллиги туфайли ҳозирги кунда тўла равишда амалга ошди, номлари тикланди, асарлари чоп этилди. Қатағонлик қурбонлари музейи ва шаҳидлар майдони ташкил этилди.

Жадид ватанпарвар, маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.

Жадидчилик-янгилашни, янги усул маъносини англатади. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, “Усули қадим”ни инкор этган ҳолда “Усули замон”ни жорий этиш орқали ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсдан устун қўйганлар. Жадидлар эрк, истиклолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини англаб етдилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар.. Буни эса таълим ва тарбияда-маърифатда деб билдилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай фаолият юритдилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврда жамиятнинг маънавий инқирози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлмай маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди.

Жадидлар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат

килар эканлар, бунда шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар.

“...жаъмият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир”¹ эканлигини чуқур англаганлар.

Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, билимдон, юксак салоҳиятли ва юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам Президентимиз таъкидлаганидек “...маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак”².

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракатининг намоёндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқмаганлар. Уларнинг мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганликлари учун ҳеч ким маош тўламаган. Улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибдодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Жадидчилик ҳаракатидаги маънавийлик қуйидагиларда яққол намоён бўлади: биринчидан, улар озодликка, мустақилликка қон тўкишларга олиб келувчи турли тўполон, қирғин-барот урушлар билан эмас, балки аҳолининг саводини чиқариш, уларнинг маърифатини, маданиятини кўтариш орқали қарамликнинг келиб чиқиши, унинг миллат тақдиридаги салбий оқибатларини тушуниб етиш даражасига кўтариш орқали эришишни;

Иккинчидан, миллий онгни ривожлантириш миллий бирликни таъминлашнинг асосий омили эканлигини, миллий бирликнинг вужудга келиши эса уни тараққиётга олиб борувчи асосий омили эканлиги ғоясида;

Учинчидан, жадидчилик ҳаракати намоёндалари фақат ўз ғояларини илгари суриш, уни ташвиқот қилиш доирасида чекланиб қолмасдан, улар аҳолининг умумий саводхонлигини кўтариш борасида кўпгина амалий ишларни ҳам олиб бордилар. Ўзларининг маблағлари ҳисобига мактаб очдилар, газета, китобларни босмадан чиқардилар. Бу ҳаракатларнинг заминида чинакам маънавийлик туради. Чунки улар урушларга, жохилликка ва қарама-қаршиликларни авж олдиришга эмас, балки юксак маърифатга ва сиёсий онглиликка эришиш орқали озодлик ва тараққиётга эришиш мумкинлиги учун фаолият кўрсатганлар.

Ана шу жиҳатлари билан жадидчилик ҳаракати миллий маънавиятимиз ривожда ўзига хос ўринга эгадир. Жадидчилик ҳаракатининг яна бир хусусияти шундаки, у ўз даврининг энг илғор ғояларини илгари суриш билан бирга аҳолининг умум маърифатини кўтаришдаги энг йирик оммавий ва миллатни бирлаштиришдаги ҳаракат даражасига кўтарилганлигидир. Шу маънода ҳам бу ҳаракат аҳолининг умуммиллий маънавиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга моликдир.

2. Жадидчилик ҳаракатининг ўзбек миллий маънавий тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда маърифатпарварлик ривож топди. Улар Туркистон халқларини қарамлик зулмидан озод қилиш, тараққий этган халқлар қаторидан ўрин олишининг бирдан-бир тўғри йўли халқни саводхон қилиш, уларни замонавий илм-

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-бет.

² Ўша жойда, 8-бет.

маърифат нуридан баҳраманд қилишда деб билдилар.

Бу даврда маърифатпарварлик ғоялари ривожда Аҳмад Дониш (1827-1897) ўзининг ижтимоий-маърифий фаолияти билан катта ҳисса қўшди. У ўзининг маънавий-маърифий, таълим-тарбия, ахлоққа доир фикр-мулоҳазаларини “Наводирул-вақое” асарида баён қилган. У кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳунар ўрганиш муаммосига алоҳида эътибор беради. Ёшларни ҳунарни фақат фойдали бўлгани учунгина эмас, балки ҳаётий зарурат бўлгани учун эгаллашга даъват этади. Бунда эса ҳунар ва касб танлашда унинг одамларга, жамиятга фойда келтиришига эътибор бериш кераклигини алоҳида уқтиради. Бу ҳақда ёшларга қарата: “Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин”,¹ -дейди.

Аҳмад Дониш кишиларни ғайратли бўлишга, мақсадни фойдали ишга қаратишга, ўз хусусий ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан бўлса ҳам, халқ, жамоат учун фойда келтиришга даъват этади.

Маърифатпарвар мутафаккир илм инсонга бахт-икбол бахш этади. Илм ва маърифат инсоннинг туганмас бахти эканлигини қайд этиш баробарида, уни изланишлар орқали эгаллашга чақиради.

Маърифатпарварлик ғоя тараққиётида Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909)нинг алоҳида ўз ўрни бор. Дунё кезиб жаҳондаги умумий тараққиёт илм-фанга боғлиқ эканини кўриб, буни ўз асарларида тарғиб қилди.

Жаҳон бастаи кушоду илм бирла,

Нодур дилни муроди илм бирла.

Кўнгулларни сурури илмдандур,

Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,

Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.²деб ёзган шоир.

Фурқат маънавий-ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият бериб, самимий дўстликни, кишилар ўртасидаги яқинликни улуғлади, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этди.

Минтақада кенг қулоч ёзган маърифатпарварлик ғоялари негизида 19 асрнинг охирилари ва XX асрнинг бошларида янгича йўналиш – жадидлар ҳаракати шаклланди ва қарор топди.

Жадидлар Туркистон ўлкасини қолоқликдан олиб чиқиш, мустамлака зулмидан озод бўлишини миллий уйғоқликда деб билдилар. Миллий уйғоқликни эса аҳолини илмли-маърифатли қилиш орқали амалга ошириш мумкин деб билдилар. Шунинг учун янги усулдаги мактабларни очдилар. Жумладан Салоҳиддин домла Қўқонда(1898), Шамсиддин домла Андижонда(1899), Маннон қори Тошкентда(1899), Абдулла Авлоний Тошкентда(1907), Исматулла Раҳматуллаев Самарқандда(1910) усули савтия мактабларини очганлар.

Улар миллий уйғонишнинг асосини таълимни, ўқув дастурларини ислоҳ қилишда деб билдилар.

Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Усмон Носир, Сўфизода, Тавалло, Исҳоқхон Иброт кабилар ғоят оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг кадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Маърифатчи жадидчилар оғир моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай, миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш давларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб

¹ А.Дониш. Наводирул-вақое. Тошкент, “ФАН”, 1964, 215-бет.

² Фурқат. Икки томлик танланган асарлар. 2-том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1960, 10-бет.

етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда хатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур. Биз эркин фуқаролик жамиятини қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш, Президент Ислоҳ Каримов “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз”да: “Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, энг аввало, таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ҳояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур”¹, - деб таъкидлаганида юқорида биз қаламга олган фидойи, саҳий, миллатпарвар инсонлар каби бўлишга бизни чорлаётган бўлса, не ажаб!

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намояндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий(1879-1919)дир.

Беҳбудий Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Ёшлигидан илм-фанга кизиқади, ҳисоб, ҳуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади.

У ҳаж зиёратини адо этиб, Макка ва Мадинага боради. Миср ва Туркия шаҳарларида бўлади. Петербург, Минск, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлиб янги давр маданияти билан яқиндан танишади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўртага ташлади. У қуйидаги уч қоида олиғи сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш қўриш; 2) миллат тақдир ва истиқболини белгилловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий биқикликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. Асримиз бошларида илғари сурилган бу каби илғор қарашлар ҳозирги давримиз учун мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг бундай илғор фикрлари мустақил Республикамиз Президенти Илоҳ Каримовнинг замонавий кадрлар тайёрлаш борасида олиб бораётган сиёсати билан ҳамоҳангдир. Бунга Беҳбудий орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, деб қарамоқ лозим.

Беҳбудий ҳам бошқа жадидлар каби феодал монархия тузумини қоралади. Феодал тузумга қарши чиққан Беҳбудий Ватани, халқи, миллати манфаатлари, озодлиги йўлида қураш олиб борди. Буни унинг қуйидаги сўзларидан билиб олишимиз мумкин: “...мустабид амирликнинг ағдариладиган қуни яқин, юксак адолат тантанасига ва меҳнаткаш халқнинг барча эзувчилар устидан ғалабага ишончи бизга жисмоний азоб-уқубатларга бардош бериш учун қуч-қувват бағишлайди. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан қутиб оламиз. Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид амирликни тезроқ йиқитиш ва мазлум Бухоро халқини озод қилиш бўлади”².

Беҳбудий бутун фаолиятини халқнинг саводсизлигини, жоҳилликни, қоқоқликни, маданиятсизликни тугатишга қаратди. Мустахлакачилик сиёсатига қарши чиқди. Ўз ўлимининг муқаррарлигини билган Беҳбудий қамоқхонада туриб қуйидаги васиятларни ёзиб қолдирган эди: “Эй Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд бандий бўлса-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман:

¹ “Туркистон” газетаси, 1999 йил, 2 февраль сони.

² 3.Давронов. М.Шарифхўжаев Маънавият асослари. Тошкент, “Молия”, 2005, 183-бет.

Мени севар ўртоқларим – маним сўзларимни кулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир 10 кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлига тушиб банди бўлдик. Жаҳид, кофир отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутулмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим – Сиддикий, Айний, Фитрат, Қурби ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳмуд, Абдулқодир Шакурий – сизларга васият қиламан! Маориф йўлида ишлатгурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифокни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз! Манинг ўғлонларимга салом етказингизлар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар. Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим”.¹Маҳмудхўжа Бехбудий эрксеварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари учун таъкиб остига олинди ва ўлдирилди.

Жаҳидларнинг йирик вакилларида яна бири Мунавварқори Абдурашидхоновдир. У бутун фаолиятида илм нурини тарқатиш билан, яъни инсонларни шу нур орқали зиёли бўлишга чорлаган. Ўзи эса бу борада барчага намуна бўлган. Мунавварқори ХХ асрнинг бошларидаёқ “усули жаҳид” мактабини биринчилар қаторида 1901 йилда очиб улар учун дарслик ва қўлланмалар ёзиб нашр қилди. “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Ер юзи”(география) қабилар шулар жумласидандир. Улар 1901-1917 йиллар ичида 9-10 маротабагача алоҳида-алоҳида нашр этилган. Мазкур дарслик ва қўлланмаларда маърифатпарварлик ғоялари ўз аксини топган.

Мунавварқори “Тараққий” газетасининг ташкилотчиларидан ва “Хуршид” газетасини эса асосчиси ҳисобланади. 1917 йилга келиб “Нажот” газетасини чиқарган. Мунавварқори ўзбек миллий матбуотининг асосчиларидан. Бутун фаолиятини миллат ва Ватан озодлиги ва тараққиётига бағишлаган.. Озодлик учун тинмай кураш олиб борган. Доимо халқни маълумотли қилиш йўллариини излаган. Ўзи очган янги усулдаги мактабларда кўпроқ етимларни, бева-бечора, камбағалларнинг фарзандларини ўқитишга аҳамият берди.

Мунавварқори таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилмай, халқнинг онгини оширмай, маданий савиясини кўтармай туриб жамиятда катта ўзгаришлар қилиш асло мумкин эмаслигини тушуниб етади.

Мунавварқорининг миллат тараққиёти учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ зўравон Шўролар ҳукумати уни таъкиб остига олди.. 1931 йил 25 апрелда эса унга “миллатчи” деган айб қўйилиб отиб ташланди.

Миллий уйғонишга чорловчи ғояларни илгари сурган жаҳид ҳаракатининг яна бир йирик вакили Абдулла Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инқирозда бўлишини танқид қилди, барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданий ютуқларни эгаллашга чақирди. Абдулла Авлонийнинг “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир” деган ғояси маърифатпарварлик, жаҳидчилик ҳаракатининг дастурини ташкил этади. У маърифатпарвар сафдошлари сингари мазлум Туркистон аҳлини илм-маърифат зиёсидан баҳраманд қилишда унутилмас хизматлар кўрсатди. “Туркий Гулистон ёҳуд аҳлоқ” китобида маърифат, илм-фаннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни баён қилган. Алломанинг қарашларини ўрганиш – бугун ўзлигимизга қайтиш жараёни кечаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади. Биз шу ўринда алломанинг асаридан қуйидагиларни қайд этишни лозим топдик. “Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатларимизни ойна каби

¹ Ўша китоб, 184-бет.

кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Бизларни илм жааҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни орттирур...

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”¹

Туркистон жади́дчи́лик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан яна бири Абдурауф Фитрат (1886-1938)дир. Абдурауф Фитрат ҳам бошқа жади́дчилар сингари 1937-1938 йилларда миллатчиликда айбланиб қатл этилган. У ўз асарларида ватандошларини азиз диёри Туркистонни севишга, уни асрашга, озодлиги учун курашга чорлади, Ватан ва миллат саодати, бахти ва равнақи учун фидоийлик кўрсатишга даъват этганлиги қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

Оғир йигит, сенинг гўзал, нузли кўзингда
Бу миллатнинг саодатини, бахтини ўқидим.
Ўйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда
Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.
Турма-югур, тинма-тириш, букилма-юксал,
Ўркма-кураш, кўркма-ёпиш, йўрилма-кўзгал.²

Абдурауф Фитрат инсон маънавий-маърифий камолотида оила, жамоа муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиш билан бирга, ахлоқий поклик, донишмандлик, шижоатлик, адолатлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби маънавий фазилатларни улуғлади. Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат, жумладан инсон саодатга эриша олмаслигини кўрсатиб қуйидагиларни ёзган эди:

Орқадешлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,
Эл кўзин олган қоронғу пардаларни йиртқали.
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайлик турк элига тўғри йўллар очқали...
Элларни маҳвдан қутқарган илм эрур,
Бизларни ҳам бу кундан ўзи қутқарур.
Биз эрурмиз элнинг инсонлик қонин қайнатгучи.
Турк арслонларин ўринсиз уйқудан уйғотувчи.
Маърифат байроғи остида йиғилдик барчамиз,
Ким, бизи отганларга ҳақ йўлларин кўрсаткучи...
Ҳайданг, ўртоқ, қутқарайлик жаҳлдан қувронлари,
Ёритайлик маърифат нури-ла Туркистонлари.
Илм ўчоғида етишган эр йигитлар, тўпланинг,

Қочдирайлик жаҳл ўрдусин, очайлик онглари!³Шундай қилиб жади́дчи́лик ҳаракатининг йирик намоёндаси Фитрат умрининг охирига қадар қатъиятлилик ила Ватан равнақи, халқ, миллат озодлиги, фаровонлиги, маърифати учун курашди. Бу йўлда фидоийлик тимсоли намунаси бўлди. Унинг бундай қарашлари ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Жади́дчиларнинг қисмати чор ҳукумати, Вақтли ҳокимият ва айниқса, собиқ Шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожиали бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун “миллатчи”, “пантуркист” деган тамға босилиб, қатағон қилинди, жади́длар ғоялари ва ҳаракатига қора чизик тортилди. Жади́дчи́ликнинг тор-мор

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 22-23 бетлар.

² Абдурауф Фитрат. Чин севги. Тошкент, “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996, 34-бет.

³ Ўша китоб, 37-бет.

қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини яна бир асрга орқага сурди. Жаҳидчилик бир аср давомида аввал коммунистик ғоянинг тазйиқида, кейинчалик эса исканжасида бўлиб, тўла равишда ўзини намоён эта олмади. Унинг заминлари шаклланиши тарзини ўрганишга интилганлар ҳам тазйиқ остига олинди. Уни ўрганишга интилганлар ҳам таъқиб қилинди. Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги, миллий давлатчилик ғоялари, маърифати учун курашган ватанпарварларнинг муборок номлари тикланди, асарлари чоп этилди.

Жаҳидчилар умумиллий маърифатни кўтариш, миллий онгни ривожлантириш, миллий бирликка эришиш ва уларни амалга ошириш орқали миллий мустақилликка эришиш, жаҳон маданиятини эгаллаш каби ғоялари билан миллий маънавиятимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

“Миллатнинг маънавий –руҳий қудрати ва салоҳияти, уни ташкил қилган шахслар сонининг кўпчилиги билан эмас, миллат ичидан чиққан миллатпарварлар билан белгиланади”.¹ Жаҳидчилар ўзбек миллатини қаддини ва қалбини кўтара олган ана шундай миллатпарварлар эдилар.

Бугун ҳаётимизга тадбиқ қилинаётган миллий истиқлол мафкуриси “халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади”.² Жаҳидчилар ғоялари ана шу меросимизнинг бир қисми сифатида миллий маънавиятимиз ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавият ривожига маърифат илм-билимнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини яна ҳам теранроқ англашда қуйидаги бир қатор ҳадислар ва ҳикматларни келтиришни жоиз деб топдик. Зеро, уларни билмоқ фойдадан ҳоли эмас:

Бешиқдан то қабргача илм изланг!

Илм-фансиз давлат қуриб бўлмайди.

Дил ва ақлнинг тарбияси илм билан ривожланиб, камол топади.

Илм туфайли одамлар нодонлик, жаҳолат ботқоғидан чиқиб, ўз имконларини камолга етказдилар.

Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм талаб қилинлар.

Илмнинг тиканли ва заҳматли йўллариغا бардош бериб ўта олган одамгина иймони комил инсон бўла олади, Аллоҳнинг розилигига эришиб, улуғлик тулпорига минади.

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин фарзидир.

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзасидан афзал.

Илм ақлнинг чироғи ва жиловидир.

Садақанинг афзали мўмин киши аввал илм ўрганиб, кейин бошқаларга ҳам ўргатишидир.

Кўринадики, одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга кодир.

Билингки, билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан инсонни тийиб туради.. Билим эгаси ўз тилакларига етади, орзу-мақсадига эришади.

Илм эгаларининг фойдаси ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Улар элда азиз бўлиб, ҳурматга сазовор бўладилар. Шу туфайли ота-боболаримиз доимо билимга интилиб яшаганлар. Улар маърифат чироқларини машъала сингари ёққанлар. Юксак маънавият ва илм-маърифат туфайли Туронзамин ер юзида шуҳрат қозонган. Жаҳидчиларнинг илм орқали халқимиз онги ва қалбида Ватанни озод ва обод қилиш борасидаги фаолиятлари уларнинг юксак маънаият соҳиби бўлганликларидан далолат бериб туради. Уларнинг ана шу

¹ Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат. Тошкент. Янги аср авлоди, 2008, 62-бет.

² Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар.43-бет

фаолиятлари ва саъйи ҳаракатларини чуқур ўрганиш ёшларимиз маънавиятини бойитишда муҳим манбаа бўлади. Бу мустақиллигимиз шароитида умуммиллий маънавиятимизни янги поғонага кўтаришга куч-қувват бағишлаб бораверади. Умуммиллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш орқали мустақиллигимизни мустаҳкамлаймиз. Жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаймиз ва мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлашга эришишимиз мумкин бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. ”Жадид” сўзининг маъноси нима?
2. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтиринг.
3. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
4. Маҳмудхўжа Бехбудий ким бўлган?
5. Мунавварқори фаолиятини изоҳлаб беринг.
6. Абдулла Авлоний ҳақида нима биласиз?
7. Маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган қандай шоир ва ёзувчиларни ҳамда уларнинг қайси асарларини биласиз?
8. Жадидчилар ҳаракатининг миллий маънавиятимизни янги поғонага кўтаришдаги ўрни нималарда намоён бўлади?
9. Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг тарихий тақдирлари ҳақида нималарни биласиз?
10. Мустақиллик ва жадидчилик ҳаракатига муносабатдаги ўзгаришларни тушунтириб беринг.

6-МАВЗУ: МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА ҚАРАМЛИК ШАРОИТИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАЪНАВИЯТИГА ТАҲДИДИ

Режа:

- 1. Мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади**
- 2. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида ўзбек халқининг бой маънавий-маданий меросни қайта тиклаш учун олиб борган курашлари.**

1. Мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “...Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шакл-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”¹

Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил аввал ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: “Ҳоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бухронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди”.² Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг қулай ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик бошланади. Охир-оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш осон кечади.

Чингизхон ҳам Марказий Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига: “Шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтай беринглар, маҳаллий халқларнинг

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 11-бет.

² Қаранг. Гусейнов А.А. Великие моралисты. Москва, 1995, с.36.

ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинлар” деб топшириқ берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўз маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларидан жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолиб қовуша ва уюша олмайди.

Тарих шундай гувоҳлик берадики, ҳамма вақт, ҳамма ерда босқинчи ҳукмдорлар босиб олинган мамлакатлар ҳудудларида Хитой донишманди ва Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргиздилар. Бундан Марказий Осиё халқлари ҳам мустасно эмас. Илм-фан ва маданият, маънавиятнинг юксак ривожланган марказларидан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва қуллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришни, мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳаза ва хулосалар бериш топшириғи билан чор ҳукумати кўпчилик олимлар ва бошқа соҳа кишиларини Россиядан Туркистонга юборди.

Босиб олинган мамлакатда илм-фан, маънавият, маданият истилочи мамлакатга нисбатан бир неча бор устун бўлса, ундай жойларда мустамлакачилик тартибини сақлаб туриш осон кечмайди. Бизнинг ўлка эса босқинчи чор Россиясига нисбатан маънавий-маърифий ва маданий тараққиёт жиҳатидан анча устун туради. Чор ҳукумати олимлар маслаҳатиغا амал қилиб, бизнинг ўлкада қандай қилиб бўлмасин, ўзларини ерли халқдан устунликларини исботлашга ва шу тариқа “узил-кесил” ғалабага эришишга астойдил киришдилар.

Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор босқинчилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб-мажруҳ қилишдан бошладилар. Бу чуқур ўйлаб, узокни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва Туркистон халқларини, шу жумладан ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истикболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси турган.

Президентимиз таъкидлаганидек “Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётидан жудо бўлиш демакдир”;¹ бошқа сўз билан айтганда: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.”²

Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истикболини тушуниб етишига ёрдам беради. Ватанни севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Чор амалдорлари буни яхши англаган ҳолда ўз мустамлака асоратига солган Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият бердилар, бу йўлда ҳеч тап тортмай инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай унутдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий кадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, - деб “башорат” қилган эди.³ Унинг ана шу “доно” кўрсатмаси Туркистондаги

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарк”, 1998, 10-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 4-бет.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 24-бет.

маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди. Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкалардаги гумашталари “ярим подшо” Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқондаги буюк осори-атиқаларни, масжиду мадрасаларни, арклару тарихий-маданий ёдгорликларни тўпга тутиб ер билан яксон қилдилар. Ахир қандай қилиб қўл остидаги мазлум халқлар маданияти, маънавияти, маърифати, тарихи босқинчи-жаллодларникидан баланд бўлиши керак?! Бунга улар тоқат қила олмас эди, албатта. Уларнинг усули йўқ қилиш, маданиятни, тил ва тарихни, Туркистон халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ғурурланадиган, ифтихор қиладиган нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини, таг-туғи билан аямай яксон қилиш эди. Президент таъкидлаганидек: “Тарих – халқ маънавиятининг асосидир”¹.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк ва озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий кадриятларимизни қўллаб-қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Туркистонда руслар” рисоласида: “Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари бўлгон эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими? Мана шу саволга –“Йўқ!”дан бошқа жавобимиз йўқдир. Юртимиз эллик бир йил идораи аскарий остида турдиғи учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очирмаслик фикри очик татар қариндошларимизнинг даҳи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиятларимизни ўлдирмоқ тилаги билан Устроутов каби мутаассиб попларнинг идорасинда газета чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни англамоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва ғазиталар боғланди, шаърий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисти ғасб этилди. Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлгон рус ва арманидан тубанда тутилди”, - деб ёзган эди. Абдурауф Фитратнинг қалб нидоси бўлган ушбу сўзларда мустамлакачилик сиёсатининг барча томонлари фош этилганди.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг Туркистон халқларига нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсати бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий кадриятларини ерга уриш, камситиш, миллий ғурурларини, маънавиятини поймол этиш, кўрқувда ушлашдан иборат эди. Бу сиёсатни амалга ошириш орқали мустамлакачилар ўлкада ўзининг ҳукмронлигини абадийлаштиришни мақсад қилган эдилар.

2. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида ўзбек халқининг бой маънавий-маданий меросни қайта тиклаш учун олиб борган курашлари

¹ Ўша жойда, 21-бет.

Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошқа жумҳуриятларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам, албатта маданий, маърифий тараққиёт бўлди, табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи анча кенгайди, иқтисодда, ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон Мустақиллигига қадар бўлган етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлса, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш собиқ совет жамияти даврида чоризм замонидагидан кўра кучайса- кучайдию, аммо камаймади.

Миллий маънавият ва маданиятга нисбатан Чор Россияси юргизган сиёсат салкам 74 йил ҳукмронлик қилган собиқ шўро давридаги тобелик ва қарамлик йилларида ниқобланган ҳолда изчил давом эттирилди. Ноинсоний коммунистик ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлаб келди. Халқимизнинг миллий ва диний туйғулари қўпол равишда камситилди, тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатиб келинди. Натижада бу даврда ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз аجدодларининг буюк тарихини билмаслик кўп одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди.

Тобелик ва қарамлик йиллари миллий ўзликни англашга бўлган ҳар қандай табиий интилиш жоҳилонга инкор этиб келинди. Наврўз, Рамазон, Қурбон Ҳайитлари каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар таъқиқланди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмидин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Ахрори Валий, Абдуҳолиқ Гиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан бутунлай ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига “шахсга сиғиниш” балоси рўбарў бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласида таъкидлаганидек: “...Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланарди”.¹

Мустабид тузум мафкураси ҳукмрон бўлган замонларда тарихимиз, бой маънавий меросимиз намоёндалари, Ватан, миллат мустақиллиги учун курашган аждодларимиз ҳақида, умумий тарзда ифодаладиган бўлсак, кўхна ва бой тарихимизни ўрганиш у ҳақда фикр юритиш, уни англаш, баён этиш “тарихни идеаллаштириш” деб танқид қилиниб, тазйиқ ўтказиб келинди. Бу масалада тарихимиз силсиласидан биргина Амир Темур ва Темурийларнинг маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимиз ривожига кўрсатган таъсири юзасидан ғаразли сиёсат олиб борилганлигини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Асосиз равишда бобомиз жаҳолат ва ёвузлик тимсоли сифатида кўрсатиб келинди. Нега деганда, мустабид тузум тарихий ҳақиқатни намоён этишдан, бизнинг миллий ўзлгимизни англашимиздан манфаатдор эмасди.²

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий юксалишига кўмаклашадиган муқаддас китоб

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 4-бет.

² Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 149-бет.

Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди. Қарамлик ва мутелик йилларида содир бўлган бу даҳшатли воқеа ва ҳодисалар ўзбек халқининг миллий маънавияти муайян даражада таназзулга учрашига сабаб бўлди. Шўро ҳукумати ва тузуми курила бошлаган дастлабки йиллардаёқ, аввало бутун зиёлилар ва ҳатто эски ўзбек ёзувини биладиган (мулла деб ном олган) кишилар ҳам қамоқларга жўнатилди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ таъқиб остига олинди. Хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми – зиёлиларга, маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу қатағонлик ҳатти-ҳаракати ўтган етмиш йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Миллий маънавий қадриятлардан бири миллий урф-одатлар, анъаналар, диний-тарбиявий маросимлар, халқ байрам ва сайллари қабиаларга қилинган ҳужум ўзбек халқи бошига тушган оғир дард бўлди.

Умуман олганда, шўронинг ҳукмронлик йиллари давомида ўзбек халқи эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг маънавиятига салбий таъсир қилди.

Юқорида қайд этганимиздек, 30-йилларнинг ўрталарига бориб миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб, янчиб ташлашга қаратилган сиёсат изчил амалга оширила бошланди. Асл зиё эгалари отиб, букиб ташланди. Булар қаторига Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби халқимизнинг, миллатимизнинг, улкан маънавиятининг ўнлаб, юзлаб асл ўғлонларини киритишимиз мумкин.

Қарамлик ва мутелик йиллари ўзларини илмнинг ҳамма соҳасини яккаю ягона билағони деб атаган коммунистик мафкура тарғиботчилари ҳеч бир уялмай ўз фаолиятларида ўтмишдан қолган барча маънавий меросни бутунлай инкор этиш йўлига ўтиб олдилар. Бобур, Улуғбек, Яссавий, Машраб, Нодирабегим сингари ижодкорлар феодализм даври намояндалари, деб эълон қилиниб, уларнинг меросларини ўрганиш қатъиян таъқиқланди. Буюк алломаларнинг юбилейларини ўтказиш эса миллатчилик кайфиятларини кучайтирувчи омил сифатида баҳоланди.

Марказий Осиё халқларининг ўрта асрларда жаҳон фани, маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида гапириш тарихни идеаллаштириш деб кўрсатилди. Ўтмишнинг улкан мероси, бебаҳо миллий маънавий қадрияти бўлган қўлёзмаларни ўрганиш, нашр қилиш имконияти чегаралаб қўйилди.

“Большевиклар ҳокимиятни эгаллаши биланок кўп вариантли таълим тизимини услубий жиҳатдан бузишга ва якка вариантли совет таълим тизимини қарор топтиришга қаратилган йўл аниқ кўзга ташланди. Янги ҳукмдорлар давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратидан фойдаланиб, халқ маорифи соҳасида қаттиқ назорат ўрнатишга киришдилар. Бир хил типдаги совет мактабларини зўрлик билан қўпайтиришга интилдилар, бу мактаблар ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантирувчи таянч восита бўлиб қолиши лозим эди. 1920 йилдаёқ ТАССРда “социалистик” типдаги 2080 та мактаб ишлаб турарди. Уларда таълим олаётганлар сони 174820 ўқувчини ташкил этарди. Бироқ ҳокимият органларини “Янги таълим тизимининг чинакам халқчиллик хусусияти” ҳақидаги дабдабали сўзларига қарамасдан, кенг маҳаллий аҳоли ижтимоий норозилик билдириб анъанавий-миллий мактабларни барча воситалар билан қўллаб-қувватлади.

Лекин марказ империяга тафаккур мантиғидан келиб чиқиб, мактаблар ишини “социалистик янгилаш” йўлини қатъият билан ўтказишда давом этди. Бунда маҳаллий халқларнинг узоқ давр мобайнида қарор топиб келган турмуш тарзи, уларнинг миллий

фикрлаш хусусиятлари ҳисобга олинмади”¹.

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда, ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин-кетин қамалди, сургун қилинди, ими-жимиди отиб ташланди. Чоракам бир аср давомида диний-маънавий тарбияга ўрин берилмади. Диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтилмаган гап қолмади.

Даҳшатлиси шу бўлдики, Ислом динини “фош этиш” мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт кўйилди, мақбаралари остин-устин қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан кўрқиб қолишди. Юрак ютиб борганлар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши мурасасиз кураш ниқоби остида ўрта аср меъморчилигининг такрорланмас намунаси бўлган, миллий нақшлар билан жиловланиб турган минглаб масжидлар, юзлаб мадрасалар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлган мухташам қасрлар, тарихий обидалар, хонлар, амирларнинг саройлари ваҳшийлик ва ёвузлик билан бузиб ташланиб, омборхоналарга, пахта қурилидадиган жойларга айлантирилди. Бу каби ҳунук ишлар “феодал ўтмиш, эскилик сарқитларидан тозалаш” деган қизил сўзлар билан ниқобланди.

Шундай қилиб халқимиз бошидан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган эди. Аксинчи халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкуранинг ғояларини, шўро турмуш тарзини ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган.

Қарамлик ва тобелик йиллари миллатимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилинди, қўхна тарихи ва муқаддас қадриятларимиз топталди.

Президент И.А.Каримов 1994 йил 22 сентябрда парламент минбаридан туриб яқин тарихимизда халқимиз бошидан кечирган воқеалар, яъни, миллатимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилингани, қўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани ҳақида дардли-изтиробли фикрларни билдириб туриб, баъзи бир ғоят қийин, аммо табиий саволларни ўртага ташлаган эди:

“Ўзингиз ўйлаб кўринг, ...мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?

-Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

-Қаъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг “Ассалом!...” деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

-Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?

-Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз, қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

-Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аجدодларимизнинг ўлмас мерослари билан озикланган элнинг фарзандлари эканимизни англаймидик?

-Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?

-Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар ҳазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

-Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнида бўйинтурук бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирди?”²

¹ Алимов Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистонда мустабид совет даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари(1917-1990 йиллар). Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000, 25-26 бетлар.

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 5-6-бетлар.

Президент И.А.Каримов собиқ мустабид тузум миллий маънавият ва маданият борасида юргизган адолатсиз сиёсати ҳақида айтган юқоридаги сўзларида мазкур сиёсатнинг моҳияти ва мазмуни тўлиқ ўз ифодасини топган.

Яқин тарихимизда халқимиз ўз бошидан кечирган бундай миллий-маънавий камситиш, азоб-уқубатларни, миллатимиз тақдири жар ёқасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, қўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устивор вазифа бўлиб келди ва бугун ҳам давлатимиз эътибори марказида турганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик туфайли миллий маънавиятимизга бўлган бундай салбий муносабатларга бутунлай барҳам берилди. Мустақил ривожланиш йилларида маънавият соҳасида эришган энг муҳим ютуғимиз тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланганлигидир.

Ўтмиш халқ оғзаки ижоди маънавиятимизнинг илк сарчашмаси саналади. Тоталитар тузум даврида халқимизнинг қадимий қадриятлари, халқ оғзаки ижодининг юксак намунаси сифатида асрлардан-асрларга маънавий мерос бўлиб ўтиб келаётган афсона, ривоят, эртақ, мақолларга, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Рустам”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Равшанхон” каби достонларга бир ёқлама муносабатда бўлинди, уларга замонасозлик, синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо берилди. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ҳар бир асарига икки синф, икки маданият назарияси асосида баҳо берилди, коммунистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошилди. Улардаги миллий ва умуминсоний қадрият ва ғоялар назар-писанд қилинмади. Чунончи, “Алпомиш” достонида хонлар, беклар макталади, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб қилинади, ислом динига мансуб бўлмаган бошқа халқларга ёмон муносабат тасвирланади, деган айблар тўнқалди.

Достоннинг бош қаҳрамони Алпомиш меҳнаткаш халқнинг олижаноб фазилатларини ва орзу-умидларини ўзида ифода этмайди, аксинча, у ҳоким, конхўр бек, типик зўравон ва золим сифатида ҳаракат қилади, деб даъво қилинди. Охир оқибат ўтган асрнинг 50-йилларида “Алпомиш” достони миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағонликка учради.

Натижада достон китоб дўконлари пештахталаридан, кутубхона жавонларидан йиғиштириб олинди. Сирасини айтганда, бу ўзбек халқига туҳмат, уни бой ўтмишидан ажратиш ташлаш, миллий қадриятларни ерга уришдир. Мустақиллик туфайли маънавий меросимизнинг бу соҳасига нисбатан бўлган салбий муносабатларга узил-кесил барҳам берилди. Бунинг яққол исботи 1999 йилда “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги юртимизда кенг нишонланганлигидир. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Мазкур мумтоз достонда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларига бардош бериб омон чиққан, ўзлигини доимо сақлаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олийжаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган. “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг ҳоқлари ётган муқаддас мазорларни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

“Алпомиш” достони халқимиз ижодий тафаккури, маънавий бойлигининг ёрқин намунаси бўлиб, тарихий илдизларимизнинг қанчалик чуқур экани, халқимиз қандай

табiiй-ижтимоii муҳитда шаклланиб, ривожланганини, аждодларимизнинг олис даврларда ҳам жамоа бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган турли қийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёрқин бўёқларда тасвирлаб берганлиги билан ажралиб туради.

“Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг енгилмас баҳодир – Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамыз... Бу қаҳрамонлик эпосини куйлаб, уни қалбига, шуурига жо қилган миллатни эса ҳеч қандай куч енга олмайди”.¹

Достонда илгари сурилган бундай бунёдкор ғояларни кўра олмаган шўро мафкурасининг яловбардорлари уни қатағон қилишга уриндилар, аммо ўша оғир йилларда фидои зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб, уни ёмон кўзлардан асраб қолишга муваффақ бўлдилар.

Қарамлик ва тобелик йиллари Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий-анъанавий байрами Наврўз XX асрнинг ўрталаридан асоссиз равишда диний байрам ва маросимлар қаторида маън қилинди. Мустақилликка эришгач бошқа қадриятлар қаторида Наврўз байрами қайта тикланди, 21 март дам олиш куни деб эълон қилинди. Халқимиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами юртимиз аҳли учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устивор қудрати ва чексиз саҳоватининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олийжаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келганлиги барчамизга аён.

“Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.²

Туркистон ўлкаси мустамлакачилик даврини бошдан кечирган даврда, айниқса, шўролар даврида халқимиз маънавий ҳаётининг узвий ва ажралмас қисми бўлган Ислом дини ва қадриятлари турли таъқиб ва ҳар томонлама чеклашларга дуч келди, уламоларнинг тақдири аянчли бўлди. Исломга оид бебаҳо китоблар йўқотилди, муборак ёдгорлик ва қадамжолар оёқости қилинди, дин пешволари энг хавfli ёв, муҳолиф сифатида маҳв этилди. Шўролар даврида Исломга, асосан, ягона марксистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошилди. Динга нисбатан бундай мафкуравий ёндошув туфайли, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар – бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими – буларнинг барчасини рад этиб келди.

Коммунистик мафкура авж олган даврларда, хусусан, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларидаги машъум йилларда кўпчилик ҳатто жаноза маросимларига бориш, яқин кишисини йўқотган одамлардан кўнгил сўрашга ҳам ҳайиқиб қолган эди. Баъзи масъул лавозимда ишлайдиган одамлар мафкура тазйиқидиан юрак олдириб, ота-онаси қазо қилганида дафн маросимларида иштирок этмасликка ҳам мажбур бўлган эдилар. Бу даврда мусулмонлар нишонлайдиган ва муайян диний маросимлар билан ўтказиладиган машҳур кунлар – Рамазон ва Қурбон ҳайит байрамлари таъқиққа дуч келди.

Мустақилликка эришгач умуман динга, хусусан Исломга халқимиз маънавиятининг юксалиши мезонларидан бири сифатида қаралди. Истиқлол йилларида Ислом дини ва диний қадриятлар йўлида узоқ йиллар давомида ўрнатилган сунъий тўсиқлар, зарарли ғовлар, қилинган тазйиқу таъқиблар олиб ташланди, фуқароларнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 34-бет.

² Каримов. И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. 35-бет.

диний эркинликларига чек қўйиш, йўл бермасликлар батамом тугатилди. Диний ташкилотлару диндорларга, диний кадриятларга нисбатан муносабат кескин ўзгарди. Чунки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Муқаддас Ислом динининг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти, унинг одамлар руҳий-маънавий дунёсига кўрсатиб келаётган таъсири ҳақида президент И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади... Халқимизнинг маънавиятини ривожлантиришга, ҳар қайси инсонни Аллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди...”¹

Шўролар даврида диннинг, хусусан Исломнинг жамият ва инсон маънавий ҳаётидаги аҳамияти атайлаб камситиб келинди, тазйиқ ва таъқиққа йўлиқди.

Лекин ҳар қандай шафқатсиз таъқибларга қарамай, халқимиз барибир ўз муқаддас динига содиқ қолди.

Тил ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Миллий ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили – бу миллатнинг руҳи. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар! Шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишидир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Бирон-бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий ўзига хослигини йўқотади.² Шундай бўлгач, бирон-бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равишда ҳалок бўлишига олиб келади.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.³

Собиқ Шўро ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чекка ўлка халқлари, жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилиши учун ишлатилмаган ҳийлаю найранг қолмади! Шахсга сиғиниш йилларида миллатларнинг бир-бирига қўшилиб, ягона Совет халқига айланиши ҳақида “назариялар” пайдо бўлди. “Миллий тиллар йўқолади, ягона тил бўлади”, деб “башорат” қилинди. Бундай сохта назария Сталин томонидан ўртага ташланган эди. 1930 йилдан бошлаб қарийб олтмиш йил давомида собиқ марказ миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсатини зўр бериб ҳаётга жорий этишга уринди. Байналмилаллик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса даҳшатли тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди. Унинг луғат таркибига русча байналмилал сўзлар сунъий равишда тикиштирилди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқимиз ортиқ даражада бузилди.

¹ Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 36-37 бетлар.

² Қаранг: Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.

³ Абдулла Авлони. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 32-бет.

Ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланиш кенгайиб бориш ўрнига аста-секин торайиб борди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, алоқа ташкилотларида ўзбек тилидан фойдаланишда кўпол хатоларга йўл қўйилди. Ўзбек тили фуқаро ҳаво флотиди, ички ишларда, армияда суриб чиқарилди, ундан фойдаланилмади. Ўзбек тили дарс соатлари йил сайин ўқув муассасаларида қисқариб борди.

Аҳвол шу даражага етиб бордики, барча йиғинлар, мажлислар, ёзишмалар рус тилида олиб борилди, диссертациялар, китоблар, рисоалар, мақолалар, аризалар, шикоят ва илтимосномалар рус тилида ёзиладиган бўлди, акс ҳолда улар мутасадди ташкилот идораларида қабул қилинмади.

Ўзбек тили четга суриб ташланди, унинг мавқеи бениҳоя пасайиб кетди. Натижада, рус тилини билмайдиган одам масъул идораларда ишламайди, деган тушунча юзага келди. Аслида ҳам аҳвол шундай эди, ҳаёт ва иш шароитимиз фақат рус тилини билишни талаб қиларди. Натижада ўзбеклар орасида ўзбек тилини билмайдиганлар, ўзбекча ёзолмайдиганлар ва ўзбекча фикрлай олмайдиганлар кўпайиб кетди. Ҳатто ўз она тилини билмаслик айб саналмайдиган бўлди.

Маъмурий буйруқбозлик иш усуллари авжига минган, ҳамма нарса, ҳар бир катта ё кичик масала марказнинг кўрсатмаси, розилиги билан ҳал қилинадиган йилларда (тобелик ва қарамлик ўзининг юқори чўққисига чиққан давр) ўзбек тили ўрнини рус тили эгаллади, десак хато қилмаймиз. Баъзи раҳбарлар бутунлай ерли аҳолидан иборат мажлисларда ҳам русча сўзлаб, буни ўзлари учун маданиятчилик аломати, фахр-ифтихор деб билиш даражасига етдилар. Рус тилини билиш, шу тилда чиройли сўзлаш маънавий камолотнинг чўққиси, маданиятчилик белгиси деб қабул қилинди. Натижада ўз она тилига менсимай қарайдиган кишилар пайдо бўлди. Бу, айниқса ёшлар орасида авж ола бошлади. Буни жамиятнинг, миллатнинг, унинг маънавиятининг энг катта фожиаси деб тушунмоқ лозим.

Ўзбек тили Марказий Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир. “Умуман, туркий тиллар йирик икки оқимда ривожланди, - деб ёзади И.Қўчқортоев, - унинг бири турк тили бўлса, иккинчиси ўзбек тилидир. Роман тилларини ривожлантиришда лотин тили қандай роль ўйнаган бўлса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги туркий тилларни ривожлантиришда ўзбек тили шундай роль ўйнади”.¹

Ўзбек тилининг имкониятлари шу қадар кенгки, бу тилда турли сўзлар орқали гап тузиш, чиройли сўзлаш, асарлар яратиш мумкин. Бунга адабиёт ва санъатимизнинг бой тарихи, ҳазинаси ёрқин гувоҳ саналади.

Миллатни ҳимоя қилиш учун унинг тилини ҳимоя қилиш, асраш, ривожлантириш зарур. Буни эса давлат бажаради. Тил давлат ҳимоясига олинмас экан, у ривожлана олмайди. Тил ҳокимият билан тирик. Мустақилликка эришгунимизга қадар ўзбек тилини муҳофаза қилиш зарурати юзага келди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши осон-силлиқ кечмади. Уни ҳимоя этиш ва қонуний мавқеини тиклаш учун бўлган курашда шоир ва ёзувчилар, олимлар, муаллимлар, ҳуқуқшунослар, ҳамма-ҳамма фаол иштирок этди. Энг муҳими бу курашда халқ уйғонди.

Тил муаммоси сингари ниҳоятда нозик, қалтис ва жиддий масалани ижобий ҳал этиш учун жумҳуриятимизда И.А.Каримов раҳбарлигида кенг миқёсда ташкилий, ғоявий-сиёсий ва кенг кўламли тарбиявий ишлар олиб борилди.

Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар мунозара ва муҳокамалардан сўнг аввало Республика Олий Кенгаши қошида давлат тили бўйича таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат махсус комиссия ташкил қилинди. Комиссия аъзолари аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, сиёсий гуруҳлар, барча миллат ва элат вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни атрофлича ўрганиб, республика раҳбарияти ва кенг жамоатчиликка доимий ахборот бериб борди.

¹ Тил миллат қалби. “Мулоқот”, 1991 йил, 10-сон, 17-бет.

Ана шундай ишчанлик руҳида Олий кенгаш сессиясига тақдим этиладиган лойиҳанинг ҳар бир моддаси бўйича ҳар тарафлама фикр алмашув, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Нихоят, 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. Ва қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг 21 октябрда мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Натижада қарамлик даврида миллий тил масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун кенг йўл очилди.

Қабул қилинган қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги 130 дан ортиқ барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди.

1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди.

Истиклол йиллари ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайди. Ўзбек тилининг компьютер ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўлланила бошлангани унинг имкониятлари нечоғлик катта эканини кўрсатади.

Қолбуки, қарамлик йиллари, яъни бундан йигирма йил олдин оддийгина ариза ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўқ эди. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, ўзбек тилида ёзилган ариза ёки маълумотнома ҳукумат идораларида деярли қабул қилинмас эди. Бунга ҳозирги кунда кўпчилик ёшларнинг ишониши қийин, аммо бу ҳақиқат эди. Эндиликда олий ҳокимият идораларидан тортиб маҳаллий бошқарув идораларигача иш юритиш она тилимизда амалга оширилмоқда.¹

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, Мустақил Республикаимизнинг дунёга юз тутишида ёшларимизнинг, айниқса талабаларнинг хорижий мамлакат халқлари тилини билиши муҳим аҳамият касб этади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши бошқа тилларни билиш, ўрганишни рад этмайди. Бошқа тилларни билиш – ҳар бир маълумотли, маънавиятли кишининг кўрқидир. Халқлар ўртасида бирлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳурмат, турли алоқалар тил ва маданиятни билишдан бошланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда ёшлар мактаблар ва олий ўқув юртларида рус, инглиз, немис, француз, испан тиллари билан бир қаторда Шарқ халқлари тилларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Араб, форс, ҳинд, хитой тилларини ўрганиш натижасида аксарият қисми араб ва форс тилларида ёзилган қадимий қўлёзмаларимизни бемалол ўқиб ўрганадиган етук мутахассисларга эга бўламиз. Бу мустақиллик йилларида янги замонавий таълим тизимини шакллантириш борасида эришилган энг катта ютуғимиз ҳисобланади.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўмишидан, маънавий меросини тўла қонли ўқиб ўрганиш имконидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар, асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмайдиган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғул босқини келтирган йўқотишдан ҳам кўра каттароқ маънавий

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 84-87-бетлар.

фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меросимизни йўқотишга уринишнинг янгича йўли эди.

Инсофу диёнатни йўқотган коммунистик мафкура яловбардорлари, араб ва лотин алифбосини йўқотиб мақсадларига эришиб бўлгач, ўзбек халқи инқилобгача саводсиз, ёзуви ҳам, мактаби ҳам, китоби ҳам, олиму уламолари ҳам бўлган эмас, тили ривожланмаган деган сафсатани бутун дунёга ёйдилар. Бу халқимиз шаънига ағдарилган ғирт тухматдир. Бу ўлкадан етишиб чиққан илм-фан, маданият, маънавият намоёндаларини илгари кўриб ўтганмиз... Ўлкамиз қадимдан маънавият ва маърифат юксак даражада ривожланган ҳудуд бўлганлиги билан фахрланишимиз лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек: "...мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз маънавий ҳаётидаги бошқа кўплаб муаммолар қатори тил ва алифбо масаласи ҳам биз учун кун тартибидagi долзарб вазифага айланди. Айниқса, она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизни жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қулай имкониятлар яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар, бу масалани кечиктирмасдан ҳал қилишни талаб этар эди".¹ Бу муҳим масалани ҳал этиш мақсадида 1993 йил 2 сентябрда мамлакатимизда "Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ўтган йиллар мобайнида қонун ижроси бўйича жуда катта амалий ишлар қилинди. Жумладан, ўзбек тилининг лотин ёзуви асосидаги имло қоидалари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бугунги кунда мамлакатимиз барча таълим муассасаларида ана шу алифбо асосида билим берилмоқда. Лотин ёзувида чоп этилаётган китоб ва дарсликлар, ўқув қўлланмалари, газета-журналлар, реклама ва эълонлар, давлат ҳужжатлари ҳозирги вақтда бу имло маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўрсатади.

Биз юкорида мустамлакачилик, қарамлик шароитида ўзбек халқининг бой маънавий ва маърифий меросига муносабат ва унинг ижтимоий оқибатларининг баъзи жиҳатларинигина кўриб ўтдик. Ўтмишда топталган, таҳқирланган маънавий ва маърифий меросимизга мустақиллик йилларида муносабат тубдан ўзгарди. Миллий маънавий меросимиз қайта тикланиб, халқимиз қалбида чуқур илдиз отмоқда.

Президентимиз айтганидек, ким бўлишдан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Худди ана шу маънода Она Ватанимиз тарихини, унинг тараққиёт жараёнларини, ноёб ва бебаҳо бойлигини чуқур ўрганиш, маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифа барчамиз биринчи галда зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт. Ўзимиз, бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммасига олмаса, Президентимиз айтганидек четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди.²

Уни ўрганишимиз бугунги мустақилликнинг қадр-қимматини тўлароқ англашимизга, тараққиётимизга, ёт оқимларга қарши курашишимизга, Ватанимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида чинакам фидойи бўлишимизга ёрдам беради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мустамлакачилик сиёсати мақсадини тушунтиринг.

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 88-бет.

² Қаранг: Қаримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 44-бет.

2. Нима учун мустамлакачилар халқни тарихидан, маънавиятидан маҳрум қилишга инитилиш сабабларини изохланг.
3. Чор Россиясининг Марказий Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Шўролар даврида Ислом динига, диний қадриятларга қандай муносабатда бўлинган?
5. Шўролар даврида тарихимизга, маданиятимизга, бой маданий меросимизга қандай муносабат кўрсатилган?
6. Руслаштириш сиёсатининг моҳияти ва оқибатларини тушунтиринг.
7. “Маънавий инқироз”-деганда нимани тушунасиз ва миллат ва халқ тақдирида қандай ўрин тутди?
8. Нима учун ўзбек халқи мустамлакачилик ва қарамлик сиёсати шароитида ўз маънавиятини сақлаб қолишга эриша олди?
9. Мустақиллик учун, маънавий қадриятларимизни тиклаш учун халқимиз олиб борган кураш ҳақида нималарни биласиз?

7-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ, КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ШАРҚОНА ТАЪРИФИ. ШАХС МАЪНАВИЯТИ МЕЗОНЛАРИ

Режа:

- 1. Инсон, шахс ва фуқаро тушунчалари. Уларнинг маънавий жиҳатлари.**
- 2. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти. Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари.**
- 3. Шахс маънавияти мезонлари ва фазилатлари ҳақида тушунча.**

1. Инсон, шахс ва фуқаро тушунчалари. Уларнинг маънавий жиҳатлари

Маънавий баркамол, комил инсон тушунчаларини билиб олишдан аввал инсон, шахс, фуқаро тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш лозим бўлади.

Инсон ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ва кўп ўлчамли мавжудот бўлиб, унинг моҳиятини англаш юзасидан турли қарашлар илгари суриб келинмоқда. Шарқ фалсафаси тарихида ҳам инсон бош мавзулардан бири бўлиб келган.

Масалан, Форобий фалсафасида инсон бутун борлиқ тараққиётининг маҳсули сифатида изоҳланади. Мутафаккир инсоннинг барча олижаноб фазилатлари илм туфайли эканлигини, инсон ҳаётининг мазмуни-бахтли бўлиш ва бахтли қилишга интилиш, бунга эса фақат илм ва маърифат орқали эришиш мумкинлигини кўрсатди. Беруний ва Ибн Сино инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақл ва тафаккур туфайли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Абу Ҳомид Ғаззолий инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақлда эмас, балки инсон қалбида эканлигини кўрсатди. Улуғ мутасаввуф Абдуҳолиқ Ғиждувоний инсонни “кичик олам” деб ҳисоблаган.

Ҳаёт гўзалдир, - дейдилар шоир ва мутафаккирлар, лекин ҳаёт инсон билан гўзалдир. Инсон гўзаллигини белгиловчи асосий мезон унинг маънавийлиги, яъни ахлоқ ва одоби ҳисобланади. Ўзбек халқининг “Инсон одоби билан гўзал” деган мақолининг моҳиятида чуқур фалсафий маъно ётади.

Конфуций инсонни ўз моҳиятини маънавий-ахлоқий фазилатлари ва камолоти орқали намоён этадиган жонзот сифатида талқин этади. У инсоннинг инсонлиги ўзидаги ҳар қандай табиий эҳтиёж, ҳис ва туйғуни маънавийликка бўйсундира олишидир. Фақат инсондаги маънавий масъуллик уларга нима қилиш керагу, нима қилиш керакмаслигини ўргатади. Шу жиҳатдан қараганда инсондаги маънавийлик инсон ва инсонлар фаолиятига мақсад, йўналиш ва мазмун берадиган омилдир.

Ғарб илмида эса инсонга, асосан биологик мавжудот, табиатдаги эволюцион ўзгаришларнинг маҳсули деб қаралди.

Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларини аниқлаш зарур. Булар қаторига қуйидагилар киради. Инсон энг аввало бошқа мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили борлиги билан ажралиб туради. Бошқа мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Шунингдек, инсон ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, яратиш малакасига эга эканлиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади. Инсон ҳаётида меҳнат асосий роль ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиатга таъсир этади, уни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликларни яратади. Америкалик олим Б.Франклин “Инсон меҳнат куроллари яратувчи жонзотдир”, деб таърифлаган.

Оилавий муносабатлар ва маънавий-ахлоқий меъёрлар инсонни ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим хусусияти саналади.

Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараққиётида буюк яратувчи куч

сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат ва жамиятдаги ўрни, аҳамияти, яратувчанлик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши, барча ижобий ҳамда фойдали ютуқларни сақлаши, тарғиб этиши каби хусусияти, қобилияти туфайли инсон муқаддас ва табаррук қадрият ҳисобланади.

Бугунги кунда файласуфлар инсон учта буюк қудрат – тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси эканлигини таъкидламоқдалар. Инсоннинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар кирса, унинг ижтимоий хусусиятларига тил, муомала, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўзини-ўзи идора этиш, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятлар билан иш кўриш ва бошқалар киради. Психик хусусиятларини руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият кабилар ташкил этади.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон яшашининг бирламчи, асосий шарт ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат моддий неъматлардан баҳраманд бўлиш, қорин тўйғазиш, лаззатланиш, бойликка ружу кўйишдангина иборат эмас. Инсон руҳи ҳам ўзига хос озиққа эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж инсонда маърифатпарварлик, одамийлик, адолатлилик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олий ҳимматлилик, ватанпарварлик каби маънавий фазилатларни шаклланишига олиб келади.

Инсон табиати – ғоят мураккаб. Унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассамлашган. Лекин у ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас. Инсоний руҳ ва маънавият уни бошқа мавжудотлардан юкори даражага кўтаради.

Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон-этиқодини мустаҳкамлайди. Юксак маънавиятгина инсон эҳтиёжларини оқилона қондиришга, ижтимоий адолатни ўрнатиб, саҳий ва олийҳиммат бўлишга ундайди. Юксак маънавиятда ҳақиқий инсоний моҳият мужассамдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инсон ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган табатдаги ноёб онгли мавжудот дейишимиз мумкин.

Инсон моҳиятини фалсафий-маънавий жиҳатдан таҳлил қилишда шахс, индивид, фуқаро тушунчаларининг моҳиятини билиб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шахс - алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий, маънавий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивид. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки жамиятдагина шахс бўлиб шаклланади ва ривожланади.

Инсон таълим-тарбия, меҳнат, ўзаро мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий-маънавий меъёрлар, сиёсий қарашлар таъсири остида фаолият юритади, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда аста-секин ижтимоийлашиб боради, яъни шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда ирсий бўлмаган янгича фазилатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Ўзини-ўзи назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, юксак маънавиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам этиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир.

Шахс мустаҳкам иймон-этиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир.¹

Шахс – биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва ҳислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб

¹ Қаранг: Фалсафа. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2005, 275 бет.

олинишидир. Шахс – маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян давр авлодининг вакили; инсонлараро муносабатлар субъекти.

Шахс моҳиятига кўра, маданийлашган, онг, ақл орқали фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлган, ижтимоий-тарихий анъана, турмуш тарзи ва тажрибага асосланган муайян авлодининг вакили. Шарқда, у юксак ахлоқий-маънавий меъёрлар орқали тушуниланган ва олий ҳилқат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон шахс сифатида комилликка интилади, ҳаёт мазмунини бойитади, шу асосда кишилик жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади.

Шахс тушунчаси инсон тушунчасининг юксак кўриниши, олий макомидир. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади.¹

Инсоннинг олижаноб фазилатлари етук шахслар тимсолида ўз аксини топади. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, унинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда, муайян ғояларни амалга оширишда яққол кўринади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фозил ва баркамол инсон шахсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида кенг қўламда амалга оширилаётган ислохотлар ўз олдига ана шундай шахсни тарбиялаб вояга етказиш ва шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Демократик қадриятлар тизимида шахс эркинлиги алоҳида ўрин тутади. Эркинлик – инсоннинг интеллектуал-маънавий камолотга эришувининг зарур шarti. Эркинлик туфайли инсон яратувчилик қобилиятини намоён этади, шахсий масъулият ва инсоний бурчни тўла ҳис этади. Шахс эркинлиги, аввало ахлоқий, сўз, виждон, матбуот эркинлигида рўёбга чиқади.

“Эркинлик” тушунчаси ҳар қандай шахсга нисбатан эмас, балки ўз хатти-ҳаракати, ҳулқ-атвори ва фаолияти учун жавобгарликни ҳис этадиган, маънавий жиҳатдан баркамол инсонга нисбатан қўлланилгандагина ўз моҳиятини тўла намоён этади. Эркинликка кишилар ўзбошимчалик, нимани хоҳласа шуни қилиш, оғзига келганини сўзлаш деб эмас, балки маънавий-интеллектуал ривожланиш имконияти деб қарашлари лозим.

Инсон, шахс тушунчалари билан бирга фуқаро, фуқаролик тушунчалари ҳам ёнма-ён ишлатиб келинади. “Фуқаро” сўзи “фақир” сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги даврда унинг маъноси ўзгариб кетган.

Фуқаролик тушунчаси антик Юнонистон ва Римда мавжуд бўлса-да, асосан ўрта асрлар охирида феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлаганида, ҳозирги шакл ва мазмунда пайдо бўла бошлаган. Илк бор французчада “ситуайян”, инглизчада “ситизен” – “шаҳарли”, русча “горожанин - гражданин”, яъни колоқ кишлоқдан, мустабид феодал муносабатлардан озод инсон, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, деган маънони билдирган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги “гражданлик” сўзи ўрнига “фуқаролик” деган атама қабул қилинди.²

Фуқаролик – жамиятнинг демократик ривожланишида инсоният қўлга киритган улкан ютуқлардан бири. У – шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, шу давлатга, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлигини билдиради. Шахс фуқароликка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларни амалга ошишини таъминлаш чораларини кўради. Ўз навбатида фуқаролар давлат қонунлари ва қоидаларига сўзсиз амал қиладилар, ўзлари учун белгиланган мажбуриятларни бажарадилар.

Шундай қилиб, фуқаролик деганда, инсоннинг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд, Тошкент, “ЎзМЭ”, 2005, 15- бет.

² Қаранг: Фалсафа. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2005, 288 бет.

томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларининг муайян давлат ичида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши тушунилади.¹

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси илгари сурилди. Демакки, бизнинг бош мақсадимиз демократик, фуқаролик жамиятини қуриш ва барпо этишдир. Фуқаролик жамияти-инсонга уни иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаши кафолатланадиган, қонун устиворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадилар. Бу жамиятда фуқаролар давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар, давлатнинг кўпгина ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади.

Мамлакатимизда бундай жамиятни барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади, чунки фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни инсон омилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги шароитда инсон омили ва мезони барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб беради. “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат”.²

Маънавий таҳдид ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш зарурати

Бугунги кунда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа саналади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлиликл билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ҳақиқатан ҳам Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу маслага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузаси, мақола ва асарида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. “Зеро, деб уқтиради Ислом Каримов, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”.³

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, динига эга бўлди; миллий ғурури, иззат обрўси тикланиб, эндиликда қадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти юксак халқни қул қилиш, абадий истибдод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юксак маънавият замирида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шунинг учун ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд, Тошкент, “ЎзМЭ”, 2005, 344- бет; Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Тошкент. “Академия”, 2007, 287-288 бетлар.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2003, 33-бет.

³ Каримов. И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил, 17-февраль.

шажарасини идрок этмоқда, тарих олдидаги вазифасини англаб олмоқда.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда малакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислохотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлидаги кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, ғоявий-мафкуравий парокандалик даврига барҳам берилди. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий маънавиятимиз юксала борди. Юртбошимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида таъкидлаганидек: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашни ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса белгилувчи аҳамиятга эгадир...”¹ Ҳақиқатан фақат маънавий эркин ва озод халқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин.²

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда ҳатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Бунини амалга ошириш учун кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янги тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш давларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир.

Президент таъбири билан айтганда, бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдики, ҳеч шубҳасиз, уни кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади.

Мустақиллигимиз биз эришаётган ютуқларимизни кўра олмайдиган кучлар ўз мақсадларига эришиш учун мураккаб ўтиш даврида маънавий ҳаётимизда юзага келган бўшлиқни тўлдиришга, шунинг ҳисобидан ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилиб келмоқдалар. Бунда улар аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши курашиб, халқимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалардан фойдаланмоқдалар. Бундай ёвуз, ғаразли ҳатти-ҳаракатларни маънавиятимизга қилинган таҳдид ва тажовуз деб баҳолашимиз мумкин.

Шундай экан, маънавий таҳдид ва тажовуз нима? Ундан кутилган мақсад ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ўзимизда тасаввур ҳосил қилишимиз лозим.

Бунга эса Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан тўлиқ жавоб олишимиз мумкин. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

...маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 299-300-бетлар.

² Қаранг: Ўша жойда, 306-бет.

берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади”¹.

...Бундай мафкуравий хуружлар эса миллий ва диний томирларимизга болта уришни, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлайди. Бизни кўролмайдиган ғаразли кучларнинг маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдиди ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.²

Энг ёмони бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни, айниқса, ёшларни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилгани билан хавфлидир.

Халқимиз маънавиятига қилинаётган таҳдид ва хуружларнинг йўналишлари хилма-хилдир. Бунда эса улар халқимизнинг Ислом динига бўлган эътиқодидан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратмоқдалар.

Дин, хусусан, Ислом дини, деб таъкидлайди Президентимиз ўз асарида: “...халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Аллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди...”

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас Ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб келмоқда”.³

Халқимиз маънавиятининг негизини ташкил этувчи ислом динидан ҳам ғаразли кучлар уни бузиб талқин этиб фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда улар Ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини тенг қўйишдан фойдаланмоқдалар. Улар ислом динини ниқоб қилиб олиб, манфур ишларини амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлиб тушади, охир-оқибат маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатади.

Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий-маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан маънавиятимиз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши ҳам маънавиятга қилинаётган таҳдиднинг йўналиши эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, “...”оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ғояларини тарқатиш шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг (жумладан ўзбек халқининг) неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.⁴ Айниқса, сўнгги йилларда санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, видеотасмалар, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар қўпайиб қолганлиги ўзлигини англаган инсонни бефарқ қолдирмайди. Маънавиятимизга қилинаётган бундай тажовузкорона ҳаракатлар халқимиз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 13-14 бетлар.

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 12 бет.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 36-37 бетлар.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 17 бет.

Бугунги кунда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш “оммавий маданият” намоёндаларининг қарашлари бўлиб, у жамият тараққиётига, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш, уни олдини олиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда.

Президентимиз халқимизнинг маънавиятини қилинаётган бундай маънавий хуруж ва таҳдидлардан асраш ва унга қарши қандай курашиш кераклиги ҳақида тўхтаб қуйидаги фикрларни айтган эди: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим”.¹

Юртбошимиз бу борадаги фикрини давом эттириб, маънавий таҳдид ва хуружларга қарши курашда “...фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”,² деб таъкидлаган эди.

Ҳаммамизга маълумки, киши организмидagi ҳар қандай касалликни олдини олиш учун, аввало, киши организмидa унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Бизлар ҳам фарзандларимизни Она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало уларнинг қалби ва онгидa мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг “даъвати” ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар таҳдид қилиб уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Агарки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, хусусан ўсиб келаётган ёш авлод ўз мустақил фикрига замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериш анчайин қийин кечади.

Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия, ҳеч шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади. Маънавий тарбия масаласида хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир оқибат ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан чиқиб қолишимиз мумкин.

Ёшларимизнинг маънавий тарбиясида бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавий энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ёки аксинча қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавий қудратли кучга айланади.

Мамлакатимиз раҳбарияти маънавиятни қудратли ва енгилмас куч эканлигини тўғри англаб, ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зотан, мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун

¹ Каримов И.А. Юксак маънавий-енгилмас куч. 17 бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавий-енгилмас куч. 119 бет.

маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби шиорларни яна баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, Ватани учун жонини фидо қилишга ҳар доим, ҳар дақиқада тайёр бўладилар.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий кадриятларининг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шу маънода Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”.¹ Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий султ, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эришолмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч иккиланмай ва кечиктирмасдан маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган ўғитиғи амал қилишимиз керак.

Олдимизда турган эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистон ХХІ асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча барчаси, авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Ватанимиз эртанги кунини, ўз зурёдлари бахту истикболини истайдиган ҳар бир одам – у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъий назар, фарзандларимизнинг маънавий, ғоявий тарбия масаласидан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Эндиликда маънавий ва маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Юртдошларимизнинг техникавий билими, мураккаб технолгияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти бўлади. Бутун маънавий ва маърифий тарбия ишимизни шу қоидага асосланиб қурмоғимиз, замон, мустақил тараққиётимиз, бозор муносабатлари даври талабидир.

2. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти. Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари

Маънавий баркамол инсон тушунчаси кенг қамровли серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 25-бет.

инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилагача, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади. Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазибалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек, улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқлиқка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси – иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари – қўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга бўлган мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда, маънавий баркамол, комил инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соҳлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сўзи ибратлидир: “Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз”¹

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, ҳуқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутелиқда, қарамлиқда яшашни истамайдилар.

Соғлом деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай кишилар ўзларида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари – иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, орномус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, инсонпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Президент эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин².

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганида қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон – фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995, 57-бет.

² Қаранг. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент “Ўзбекистон”, 2000 йил, 232-233 бетлар.

ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб унга қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла қўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш, теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши, одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишини инсоний бурч деб ҳисоблаш, ота-боболардан, аجدодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий-маънавий меросни қадрлаш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муомала-муносабатда ўрнатилган бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиш, умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қабул қилинган Конституцияга ҳурмат ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш; Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш; диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эзгуликни ҳимоя қилиш; ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар қиради.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам қиради. Мустақиллик тафаккурини ҳар бир кишида шакллантириш ниҳоятда зарур. Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғурур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар жўш урмайди.

Мустақиллик тафаккури кенг қамровли бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Ватан истиклоли ва истикболи ҳақида қайғуриш;

-халқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш;

-бутун меҳнати, истеъдоди, имкониятини халқ бахти учун бахшида этиш ва бошқалар.

Мустақиллик – бу бизга аجدодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавиятдир. Шу маънавиятни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз ва мустаҳкамлашимиз давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчдир. Шу вазифани амалга ошириш ва ҳал қилишда ёшлар ва бутун халқ онига мустақиллик руҳини сингдириш катта аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан яна бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истикбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истикболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

Шундай қилиб, юқорида маънавий баркамол инсон, унинг моҳияти ва асосий қирраларининг баъзи жиҳатлари устидагина фикр юритдик. Унинг қолган баъзи қирраларини навбатдаги мавзуларда ёритиб борилади.

Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш – бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учта тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон – даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Шу билан бирга маънавий-ахлоқий комиллик даражасини ҳар ким ўзича

белгилай олмайди. Кимки “Мен маънавий-ахлоқий комиллик чўққисига етдим деса, ўзига ўзи юксак баҳо берса, у ҳали комил инсон эмас. Инсон ҳеч қачон ўзининг маънавий камолот даражасига баҳо бера олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг бошқалар билан бўлган муносабатда кўзга ташланади. Комил инсонни ота-она, жамоатчилик, улар билан муносабат шакллантиради. Комилликнинг йўли одалардан фақат яхши фазилатларни ўрганиш, ибрат олиш, доимо яхшиликка, эзгуликка интилишдир.

Бизнинг кўҳна тарихимизда юзага келган, халқ, мамалакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур масалани тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислат ва фазилатларни ўзида мужассам этган инсондир.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзига келиб, ўз қалблари, қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай асарлардан бири Азизиддин Насафийнинг “Инсони комил” номли рисоласи бўлиб, унда комил инсонга шундай таъриф берилган: “Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарсга камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши ахлоқий сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили, доноси. Комил инсонлар одамлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси халқ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан одамларга қанчалик фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари яратилган. Бу ўринда Президентнинг қуйидаги сўзини эслаш ўринли: “...бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслашимиз керак, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андишга, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади”.¹

Комил инсон фазилатларини ўзида ифода этган асарлар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Ғулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқалар. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик ва софлик, поклик, тўғрилиқ, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 118 бет.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуг мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш – яхши, мулоийм тилли бўлиш, раҳмдил, саҳий, мард, ҳалим, хушхулқ, сабрли, садоқатли, вафоли бўлиш, рози-ризалик билан кун ўтказиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий, маънавий аҳамиятга эга. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон ва лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ножўя ҳатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга қўмаклашди, уларда иймон ва виждон биносининг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишини таъминлаб келди.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам президент маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, Ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берапти. Қуйидаги таърифда комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар тарафлама чуқур ва теранлик билан баён қилинган: “Комил инсон деганда, биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.¹

Бошқа ибора билан айтадиган бўлсак, Аллоҳнинг ўзи биз инсонларга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик, тўғрилиқ, поклик ва адолат билан кун кечириш каби кўпдан-кўп олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга доимо амал қилиб яшаш- одамзотнинг маънавий бойлигини, комиллигини белгилаб берадиган асосий мезон саналади.

Унинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардир: ақлий зукколик, ҳукукий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий, маънавий савия, профессионал ифтихор, миллий ва умуминсоний ғурур ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб комил инсон чизгиларига қуйидаги хислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилик, кўркемлик, жозибadorлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улугсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилик, фидокорлик, хушмуомалали, боадабли, илтифотли бўлишлик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, диёнатлилик, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳоказолар.

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, инсофлилик, ҳалоллик, малакалилик, эпчиллик, удабуронлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилик ва бошқалар.

Зукколик, идроклилик фазилатлари: зеҳнли, бамаъни, хотиржамлик, соғлом

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 6-бет.

фикрли, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиқлик, танқидийлик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик кабилар.

Собитлик хислатлари: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюрақлик, интизомлилик, жиддийлик, нафси тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, ўзини ўзи идора эта билиш ва бошқалар.

Эҳтирослилик хислатлари: кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳаёлилик, ҳижолатпазлик, ифбатлилик ва ҳоказолар.

Айни шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон қилиб вояга етказишда таълим- тарбия тизими ва ота- она тарбиясининг тўғри қўйилиши муҳим рол ўйнайди.

Ватан, миллатнинг келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни бўлмиш фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ, чунки инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало буюк келажакни яратувчи шахсни кўриши зарур. Ана шундай оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган, ўзида инсон деган улуғ номга хос фазилатларни мужассамлаштирган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия ишимизнинг, ҳар бир ота ва онанинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу ишга ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиши талаб этилади. Нега деганда, фарзандларимиз халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражада ҳис этадиган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси комил инсон, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшашимиз керак.

3. Шахс маънавияти мезонлари ва фазилатлари ҳақида тушунча

Шахс маънавияти мезонлари, кўринишлари, моҳияти ва аҳамиятини ёритишдан аввал унинг мезонлари ва белгиларини (фазилатларини), уларнинг ўзаро фарқи ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик. Шахс маънавияти мезонлари мамлакат, миллат, инсонлар ҳаёти ва келажак тақдири таҳликали ҳолатга тушганда унинг олдини олиш учун миллат, халқ ва унинг вакилларида намоён бўладиган маъсулият ҳисси, маънавий туйғу ва эътиқоднинг амалий намоён бўлиши деб тушунишимиз мумкин. Шахс маънавияти мезонларига ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, ўз миллатига садоқат, миллий ўзликни англаш, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат, фуқаролик бурчига садоқат ва бошқалар кириб, улар чуқур ва кенг ижтимоий аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Шахс маънавияти белгилари (фазилатлари) эса гарчи шахс маънавийлиги мезонлари билан узвий боғланиб кетсада, бироқ ундан фарқ қилади. Шахс маънавияти мезонлари юқорида таъкидлаганимиздек бутун инсоният, мамлакат, миллат, халқ ва кишилар тақдири билан боғланиб кетиши, чуқур ва кенг ижтимоий характер касб этиши билан ажралиб туради.

Шахс маънавияти белгилари (фазилатлари) эса кишиларнинг кундалик ҳаёт фаолиятларида: оилада, кўча-кўйда, маҳалла, жамоат жойлари, меҳнат жамоасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўладиган барча маънавий-ахлоқий ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига қамраб олиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: имон, диёнат, виждонлилик, меҳр-шафқат, тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик, вафодорлик, меҳнатсеварлик, уят, андиша, ҳаёлилик,

ор-номус, мулойимлик, камтарлик, ўзгаларнинг ҳақиға ҳиёнат қилмаслик, ўзаро ҳурмат, бева-бечора, етим-есирларга, муҳтож оилаларга ёрдам, бошқа миллат вакиллариға ҳурмат ва бошқаларни ўз ичига олади.

Мазкур мавзу баёнида шахс маъавияти мезонларидан баъзилари ҳақида фикр юрийтишни лозим топдик.

Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир

Ватан аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини англатади. Ватан кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аجدодлари ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакатдир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон – ўзбек халқининг ватани, муқаддас саждагоҳдир.

Дунё бўлди чаманим маним,

Ўзбекистон ватаним маним.

Она юртимиз Ўзбекистон ўзбек халқининг Аллоҳ томонидан тарихан ато этилган муқаддас Ватани эканлиги ҳақида: «Албатта-деб таъкидлаган эди Президентимиз,-жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимизнинг мазмунига айланишини истардим»¹.

Ватан – бу инсон ва унинг авлод – аجدодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан – аجدодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари шаклланиб, ўсиб камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда, ҳамиша туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча авлоду аجدодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Ватан она каби азиз ва муқаррамдир. Ватан инсонга бахт-иқбол берадиган заминдир. Абдулла Авлоний айтганидек: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, кумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди.»²

Ватан- аجدодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира.

Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Бироқ киши улғайгани сайин унинг Ватан ҳақидаги тасаввури ҳам кенгая боради. Аввало уй, сўнгра маҳалла, қишлоқ ёки шаҳар ҳамда бутун мамлакат Ватан экани аста-секин англаб олинади.

Қурраи Замин- ер сайёраси бутун жумлаи жаҳонда яшаётган олти миллиарддан зиёд халқлар учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳудуд она- Ватандир. Ватан билан халқ ёки миллат бирга пайдо бўлади, бирга яшайди. Уларни ажратилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ватанимиз бор экан- халқимиз бор, халқимиз борки, ватанимиз бор.

Ватанни авайлаб асраш, унинг бойлигини эзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлгани каби қурраи Замин-Ер сайёрамизни ҳам авайлаб асрашга, унинг барча бойлигини: табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мусаффо осмонини ва бошқаларни келгуси авлодларга қолдириш унда яшаётган ҳар бир халқнинг муқаддас бурчи.

Ватан- бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ватан-муқаддас қадрият. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил,

¹ Каримов. И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 90-б.

² А.Авлоний. Гулистон ёки аҳлоқ. 28-б.

маънавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир.

Инсон учун ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватан ҳар бир фуқаро учун муқаддас ва бетакрордир. Президентимиз Ислоҳ Каримов келтирган иборадек, «Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир». Ватанни энг олий неъмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он ва ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларга суртиб, унга таъзим бажо айлашимиз фарзандлик бурчимиздир. Муқаддас ҳадиси шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилган. Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанни севади, уни ғанимлар кўзидан асрайди, унинг яшнаши ва яшаши, ҳурлиги учун курашади.

Ватан меҳрини, ватан сеҳрини, унинг мўтабарлигию улуғворлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Ҳар бир баркамол инсон ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда мавлоно Фузулийнинг, менинг битта ҳаётим бор, бордию мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини ватан учун сарфлаган бўлур эдим, деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир.

Шўролар даврида миллий манфаат, ватанга, она заминга меҳр-муҳаббат деган ҳис-туйғулар аста-секин сўна бошлади. “Ватан” тушунчаси мавҳум бир умумий ҳолга келиб қолганди. Ҳамма нарса- “умумсовет” манфаатига қаратилганди. Ҳар бир миллат, халқ минг йиллардан бери яшаб келаётган ўз ватани учун қайғуришга ҳақли эмасди.

Истибод давридаги ҳукмрон коммунистик мафкура бор кучини кишилар онгидаги Ватан тушунчасини бузиб, сохта, мавҳум Совет ватани ғоясини сингдиришга сарфлаган. “Ўзбекистон-Ватаним маним” дейиш миллатчилик сифатида баҳоланиб, минглаб ватандошларимизни қатағон домига тортиб кетган.

Охир оқибат шунга етдики, собиқ Совет даврида бу мамлакатда яшаётган халқлар, шу жумладан ўзбеклар ҳам ўз ватанида беватан бўлиб яшашга мажбур бўлдилар. Буни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Ватан умиди» шеърида шундай ифодалайди.

Агарчи исмим Эркин,
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим.
Кўзим боғлиқ, дилим боғлиқ,
Тилим йўқ, бесуҳан бўлдим...
Муаззам Сайхуну Жайхун-
Лабида ташналаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни,
Жисмим урён, бекафан бўлдим.
Чекубдур Бобуру Фурқат
Ватан ҳажрида афғонлар,
Мен эрсам, не ғурбатким,
Ватанда беватан бўлдим.
Олисда, оҳ диёрим деб
Соғинган, эй ватандошим,
Дема сен, ўзни бебахт,
Бахти йўқ аслида ман бўлдим...

Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик- инсон учун катта бахтсизликдир.

Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғизиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахтдир.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий ватанимизни топдик. Бу мустақилликнинг бизга берган энг олий неъматидир. Ватани мустақил халқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти озод ва эрки ўз қўлида бўлади.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги Сиз каби авлоди зиммасига ғоят буюк вазифани юклади. Бу ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг довруғини олам узра ёйиш, шуҳратига шуҳрат қўшишдир. Бунда эса Ватан, Президентимиз айтганидек, Сиз каби фидойи ватанпарварларга таянади. Ҳар биримиз ўзимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик фаолиятимиз, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимиздан кейинги авлодларга озод ва обод Ватанни қолдиришимиз келгуси авлодлар, насл-насабларимиз олдидаги бурчимиздир.

Ватанпарварлик – етук маънавиятлилик мезони

Миллий мустақиллик- халқимизда, айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизда ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир? Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади? Умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак, у ҳақда донишмандлар нима деганлар? Қуйида ана шулар ҳақида баҳс юритмоқчимиз.

Ватанпарварлик- Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни-Ватанга меҳр-муҳаббат ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, кадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслиги назарда тутилади.

Ватанпарвар инсонгина ҳозирги кунда ўзларининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар-хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизни қалби ва онгини қандайдир зарарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвуз кучларга қарши кураша олади ва ўз юртини ғанимлардан ҳимоя қилади.

Жамият ривожлангани сари катта ижтимоий аҳамият касб этадиган маънавий кадриятлардан бири ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она юртининг, халқининг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат.

Ватанпарварлик-ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Мамлакат, миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шуҳрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқ бўлади.

Ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз учун Ватанга, элига муҳаббат муқаддас туйғу бўлган. Улар ватан, халқ манфаати, миллий кадр-қиммат, ор-номус масаласини ҳамма нарсадан устун қўйганлар, керак бўлганда бу манфаатлар йўлида ўз жонларини, ҳаётларини қурбон қилишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

Агар ҳар бир одам ўзи туғилган кишлок ёки шаҳарнигина ватаним деб тушунса, бу маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради, кишиларни муайян ҳудудда яшаётган ижтимоий-этник бирлик сифатида уюштишга, бириктиришга, бутун мамлакат, миллат манфаатларини бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қилишга тўсқинлик қилади. Яхлит ягона ватанни тан олмаслик миллий парокандалик, ватан таназзулининг белгисидир.

Ватанпарварлик муайян мамлакатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакилларини аниқ мақсад ва манфаатлар йўлида бириктирувчи умуммиллий ғоя ҳамдир. Агар бирор мамлакатда яшовчи барча фуқаролар тарқок, уюлмаган, умуммиллий манфаатлар бирлигини англамаган, қабила-уруғчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик гирдобига ўралиб қолган бўлса, уларда муштарак ватанпарварлик туйғуси, ҳамда

эътиқоди бўлмайди. Бундай миллат кишиларини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиб, асоратга олиш осон кечади. Ватанпарварлик туйғуси ва эътиқоди билан суғорилган миллий бирлик, бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуси миллатнинг кучи ва қудратини белгиловчи, истикболини порлоқ қилувчи маънавий омил ва мезондир.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида умуммиллий бирликнинг аҳамияти ва аксинча умуммиллий таркоқликнинг салбий жиҳати ҳақида Президентимиз айтган қуйидаги сўзлар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга: “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтайлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган “мўжаз ватан”нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувига ҳалақит беради.

Биз ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур”.¹

Ватанга, унинг истикболига бўлган муносабат маънавият даражасига кўтарилиб, инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш бериш-ватанпарварликдир. Ватанпарварлик-бир ижтимоий этник гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг ўз тарихини, тили, маданияти, урф-одатларини, миллий обрўси, қадир-қимматини билиш, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, шу билан бирга бошқа халқларнинг ҳам обрў-эътиборини, мафаатларини ҳурмат қила билишни ифодаловчи маънавий мезондир.²

Ватан инсон учун она каби қадрдон ва мўътабардир. Инсон учун она битта бўлади. Иймонли, эътиқодли кишилар учун ватан она каби муқаддас ва ягонадир. Ватанга бўлган муҳаббат кишиларни ҳар қандай мафкуравий ғоялардан кучлироқ асосда бирлаштиради, улуғ ишларни ҳамжиҳатлик билан бошлашга сафарбар этади.

Ватанпарварлик-ватанни улуғлашдан ташқари, унинг кадр-қимматини, унинг ҳар бир қарич ерини, мустақиллигини ҳимоя қила билишдир. Ватанпарварлик ватан тақдири, унинг тараққиётининг энг маъсулиятли даврларида яққол кўзга ташланади.

Ватанга ҳиёнат қилиш, ўз манфаатини ватан манфаатига қарама-қарши қўйиш ватанга қилинган ҳиёнат ва соткинлик саналади. Ватанни, унинг манфаатларини пулга, бойликка, маиший қулай шароитга алмаштириш, ватанфурушлик маънавий тубанлашишнинг белгисидир.

Қадимги туркий давлатларидан бирининг асосчиси Мэтэхон билан боғлиқ қуйидаги воқеа аجدодларимизга хос бўлган ватанпарварликнинг мисоли бўла олади.

“Кўшни давлатнинг подшоси бу мамлакатга хужум қилиш, уни босиб олиш, бойликларини талаш учун баҳона қидирган. Мэтэхон эса уруш чиқиб, эл юртнинг вайрон бўлишини истамас эди. Урушқоқ кўшни давлат подшоси даставвал Меэтэхондан жуда яхши кўрган отини сўраган. Мэтэхон юрт тинчлиги, озодлиги йўлида ноилож бу талабни бажарган, ҳеч иккиланмай отини унга берган. Кейин эса чиройли канизагини сўраган. Мэтэхон ноилож бу талабни ҳам бажарган. У, «мен ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман», деган. Кейин эса мамлакатнинг экинсиз, қаровсиз, ўрмонсиз бир парча ерини сўраган. Шунда Мэтэхон қуйидаги сўзларни айтган экан: «Ватан, бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборақ тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватан сарҳадларидан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг салоҳияти йўқ. Бундан буёғига уруш қилажакмиз.

¹ Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 90-91-бетлар.

² Қаранг: Эркин Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. 149-б.

Энди мен отимни душманга сураман, орқамдан келмаган ўлдирилажакдир.”¹

Тарихда номи маълум ва машҳур буюк мутасаввуф олим Шайх Нажмиддин Кубро ҳақиқий ватанпарвар, қахрамон бўлгани элимизга маълум. Эл-улус, мамлакат бошига оғир кунлар келиб турганида мамлакатни ташлаб кетишни, жонини асраб қолишни ўзи учун номус деб билди. У қўлига қурол олиб, жанг майдонларида ажнабий мўғул босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлди.

Ватанпарварлик-егук маънавиятлилик мезонидир. Маънавияти заиф бўлган халқда ватанпарварлик туйғуси ҳам кучли бўлмайди. Шу сабабли ҳам барча даврларда олдинги мавзуларимизда кўриб ўтганимиздек, босқинчилар халқнинг маънавий камолоти имкониятларини чеклаш йўли билан унинг ватан ҳақидаги буюк туйғуларини заифлаштирмоқчи бўлганлар. Маърифат зиёсини сочиб, халқнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтирадиган куч зиёлилар эканлигини яхши тушунган ажнабий босқинчилар даставвал миллатни шу маънавий раҳнамоларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган. “Маълумки,-деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислоҳ Каримов,- 1937-1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийиб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш kifоя. Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.»²

Ватанпарварлик сўзда эмас, балки амалий ишларда, хатти-ҳаракатларимизда намоён бўлгандагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Ҳозирги мураккаб ўтиш даврида мустақиллигимизни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий асослари мустаҳкамланаётган даврда ватанпарварлик эътиқоди ҳар биримизнинг амалий ишларимизда, фуқароларнинг кундалик фаолиятида намоён бўлиши айниқса катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир инсон фаолиятида онглилик билан фидойилик бирлашмоғи зарур.

Инсон ватанининг, халқнинг қадр-қимматини, аҳамиятини руҳан англаб етгандагина ватанпарварлик унинг қалбидан чуқур ўрин олади.

Тинчлик, фаровонлик даврларида кўпинча ватан ҳақида камроқ ўйлаймиз. Лекин ватан, миллат бошига бирор мусибат тушганида ватанпарварлик эътиқоди кучайиб кетади. Ҳар бир шахснинг ўз ватани ва халқига бўлган эътиқоди қай даражада кучли экани ана шундай даврларда яққол кўзга ташланади.

Ватанпарварлик билан боғланган фаолиятнинг катта-ю кичиги бўлмайди. Инсон ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида, босган қадами, қилган иши-ю, айтган сўзларидан Ватан олдидаги бурчи ва маъсулиятини унутмаслиги лозим.

Ҳовлимиз, кўчамиз, маҳалламиз обод бўлсин деб кўчат эксак, уни парваришласак, бирор жой ифлос бўлса, уни ачиниб, куйиб-пишиб тозаласак, оилавий низолар келиб чиқса яхши ният билан ўртага тушиб эр-хотинни, куда-андаларни яраштириб қўйсак, билимимизни мунтазам оширишга, замонавий илм-фан, техника ва технологияларни қунт билан эгаллашга интилсак, уларни ҳаётга тадбиқ этсак, ишбилармонлик, тадбиркорлик йўлидан бориб, яхши сифатли, арзон маҳсулотлар ишлаб чиқиб, кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга ўз ҳиссамизни қўшсак, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлсак, исрофгарчиликка йўл қўймасликка ҳаракат қилсак ва бошқаларда ҳам ватанпарварлик туйғуларини ўзимизда намоён қиламиз. Хуллас, ватанпарварлиكنинг кирралари ҳар биримизнинг барча ижобий хатти-ҳаракатимизда намоён бўлади.

Ватанпарварликни энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар. Энди ана шу қайдлардан баъзиларини эслаб

¹ Эркин Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. 149-150-б.

² Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 97-98-бетлар.

ўтамин.

Цицерон (Румо нотиғи ва файласуфи). Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-акраболар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан!

Гегель (немис файласуфи). Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Байрон (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Белинский (рус танқидчиси). Кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

Гюго (француз адиби). Ўз ватанига доғ тушириш-уни сотиш деган сўз.

Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислон Каримов айтганидек: «...инсон ўзлигини англаган, насл-насабини чуқурроқ билгани сайин юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.»¹

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда ёшларимиз ватанпарварлик деганда қуйидагиларни қалбан англаб етишлари лозим:

- ўз халқини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш;
- қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аجدодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш;
- халқимизнинг, аجدодларимизнинг гўзал ва маъноли урф-одатлар, расм-русум ва удумларини қадрлай билиш, уларни давом эттириш;
- ажойиб ватандошлар – аجدодлар номи билан, уларнинг улуғ ишлари, ижодлари билан фахрланиш, уларнинг ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш;
- шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш;
- Туронзаминни ҳимоя қилиб, томирида охириги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар номини ёд этиш;
- асримизнинг йигирманчи, ўттизинчи, қиркинчи, эллагинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларида халқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургун азобларини кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз гулларини унутмаслик;
- бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садақатли бўлишдир.

Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга маъсулият билан қараш, ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидек асраш, бойликларига бойлик қўшишга ўз улушимизни қўшиш, илм-фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир.

Ватанпарварлик бир сўз билан айтганда ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг куч-қудратига, гуллаб яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшиш;

-она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир;

-ватанпарварлик-халқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Ватанпарварлик ҳақида сўзлар эканмиз, мустақиллик бизга инъом этган ватанпарварликнинг олий рамзлари халқимиз, ёшларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олаётганлиги ниҳоятда қувончлидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Бирлашган миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида 180 дан ортиқ мустақил давлатлар байроқлари қаторида мағрур ҳилпираб туришини кўриш ва ҳис этиш нақадар катта бахт, инсонни нақадар кучли бир туйғу ва ҳиссиётга чулғаб олади...

¹ Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 90-бет..

Президетимиз Ислом Каримов жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек: “Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар она ватан – Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди.”

Давлатимиз мукофотлари – «Ўзбекистон қаҳрамони» олий унвони, орден ва медаллар, фахрий унвонлар ҳам мамлакатимиз фуқароларида ўз Ватанидан ғурурланиш туйғуларини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ватанпарварлик ҳар бир инсонни ўзи туғилиб ўсган юртини, элини эъзозлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиёти ҳақида қайғуриш, ғамхўрлик қилиш, тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, ўз давлати, мамлакатининг мустақиллигини сақлаш учун жон қуйдириши ва керак бўлганда унга ўз ҳаётини бағишлашга йўллайдиган юксак маънавийлик мезонидир.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота-боболаримиз, авлод ва аجدодларимиз яратувчанлик, бунёдкорлик ишларининг бевосита давомидир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат туйғуси-ватанпарварликнинг асл кўриниши ва намоён бўлишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни асраш, ардоқлаш ватанпарварлигимизнинг қирраси.

Ўзбекистон-муқаддас Ватан, ота-боболаримиз ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборақ заминнинг ҳар қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Инсонпарварлик – инсон ва жамият маънавий қиёфасининг мезони

Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш, ватанпарварлик учун курашнинг заминиди инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек ҳалқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик ўзбек ҳалқининг ажралмас ҳислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шу ғояларга бой ҳикматлар мажмуаси саналади. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, кадр-қимматида, меҳр-шафқатида, диёнатда, ўзаро кўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севишида, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади.

Ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига суяниши, яхши қўшничилик, болажонлик, ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага ҳурмати, садоқати каби қадриятлари инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Ўзбек ҳалқи бир умр меҳр-шафқатли бўлган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Ўзбек ҳалқи ўзининг инсонпарварлигини фашизмга қарши кураш йиллари етим болаларнинг бошини силаб, ўз тарбиясига олиб ёрқин намоён этди.

Ўзбек ҳалқи доимо умуминсоният дардини қуйлаб келган. Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Оғаҳий асарларидаги ғоялар- инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, ҳалққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрликдан иборатдир. Инсонга нисбатан бепарволик, унинг тақдири ва бахту саодати устидаги ғам емаслик шарафли инсон учун тамомила ётдир. Навоийнинг барча-барчани инсонга ғамхўр бўлишга чақирган, инсонпарварликни қуйлаган байти асрлар оша ҳаммамиз учун ибрат янглиғ янграб турибди:

Одами эрсанг, демагил одами,

Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Навоий ижодида бу маззунинг алоҳида ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир. У

нафақат бадий ижодда, балки ўз амалий фаолиятида алоҳида ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир. У нафақат бадий ижодда, балки ўз амалий фаолиятида ҳам юксак инсонпарварликка содиқ қолган мутафаккирдир. У ҳалқ учун, эл-улус учун, бева-бечора, етим-есирлар учун мадрасалар, табобат хоналар, шифо масканлари курдирган. Дошқознларда овқат пишириб текинга тарқатган. Дардманларга бепул табобат кўриги уюштириб тиббий ёрдам берган. Бундай инсонпарварлик намунасидан ҳаммамиз ҳар қанча ўрнак олсак арзийди.

Ўзбек миллий анъанамизга кўра дардманларга малҳам топиш, ожизлар ва камбағалларнинг кўнглини кўтариш, етимлар ва бева аёлларга ёрдам, раҳм-шафқат қилиш инсонийлик жиҳатидан бурч, диний жиҳатдан катта савобли ишдир.

Алишер Навоий бу ҳақда ҳам қуйидаги ажойиб мисраларни ёзган:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.

Демакки, бир мухтожнинг, ноилож, чорасиз қолган одамнинг кўнглини кўтариш, дардига малҳам топиш савоблик даражаси жиҳатидан вайрон бўлган Каъбани қайта тиклашдан кўра афзалдир.

Баҳовуддин Нақшбанд ҳам инсонга хизмат қилиш, унга раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатишни савобли ишлар туркумига киритади. Унинг фикрича, ҳатто намоз ўқиётган вақтда бир одамга ёрдам бериш керак бўлиб қолса, дарҳол намозни тўхтатиб, ёрдамга ошиқиш керак. Ночор одамга кўрсатилган ёрдамдан келган савоб намоз ўқиб орттирилган савобдан афзалроқдир.

Буюк давлат арбоби, чексиз салтанат соҳиби Амир Темурнинг машҳур «Куч-адолатда!»¹ шиорининг негизида ҳам инсонпарварлик ғоялари ётганлигини англаб олиш қийин эмас.

Инсонпарварлик бошқа халқларга ҳам хос хусусият. Буни ҳеч Ким инкор этолмайди. Аммо ўзбек халқи маънавий дунёсидан чуқур жой олган ва илдиз отган инсонпарварлик теран мазмуни ва моҳияти билан улардан фарқланади.

Шундай қилиб инсонпарварлик-инсонларнинг ўзаро ҳурматида, бир-бирини қадрлашда, кўнглини кўтаришда, меҳр-оқибатли бўлишда, қўмаклашишда, ҳамдардлигида намоён бўладиган маънавийлик мезонидир.

Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно билан бойитадиган ва тўлдирадиган иборалар негизида инсонпарварлик ғоялари ётганлигини англаб олиш қийин эмас. Президентимиз таъкидлаганидек: «...бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир.

Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди.»¹

Мустақил Ўзбекистон отлиқ давлатимизнинг бутун сиёсати инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги ва уни амалдаги намунаси эканлиги билан ҳар биримиз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Жумҳуриятимизда инсон ҳуқуқлари ва демократияга оид масалалар махсус қонун билан белгилаб қўйилган.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 8-9-бетлар.

Президентимиз ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири-ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур. Демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган.

Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати ҳам инсонпарварлик мазмуни билан боғланган. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, бу жамиятдаги носоғломликни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» дастурининг илгари сурилганлиги инсонпарварликка қаратилган катта ташаббусдир. Мустақил Ўзбекистон ўз халқининг саломатлиги ҳақида қайғуради экан, бунга миллий бойлик сифатида қарайди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан ажралиб туради. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай ёзади: «Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устивор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, мардлик, танглик, бағри кенглик каби улуғ хислатлар бу муносор ҳужжатдан муносиб ўрин олган.» Бу тарихий ҳужжатда инсонпарварлик ўз ифодасини тўла топган. Чунинчи: «39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгиланган қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.» Давлатимизнинг асосий қонуни ўзининг инсонпарварлик қафолати устиворлиги туфайли халқ олдида катта обрў-эътиборга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган ислохотларнинг муҳим тамойилидан бири ижтимоий сиёсатга қаратилгани билан ажралиб туради.

Бугун мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар инсонлар ҳаётига, тақдирига дахлдор эканлигини ҳар биримиз ҳис қилишимиз ва шундан тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, барча ўзгаришлар ва янгиликларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Президентимиз таъкидлаганидек: «...бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот-ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас».¹

Биз танлаб олган йўл, бозор иқтисодиёти жамиятда маълум маънода табақаланишга олиб келиши табиий. Шу билан бирга, биз барпо этаётган жамиятда давлат халқнинг кескин табақаланиб, ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чор-тадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижтимоий сиёсат юритмоқда. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва маҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, халқ фаровонлиги, инсонпарварлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти гаровидир.

Бу тўғрида Ислом Каримов шундай ёзади: “Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири-аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза қилиш, уларни пухта ҳимояладир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг мукаддас бурчидир”.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йилдан буён ўтган ҳар бир йилни “Инсон манфаатлари”, “Аёллар”, “Соғлом авлод”, “Оналар ва болалар”, “Қарияларни қадрлаш”, “Обод маҳалла”, “Меҳр-мурувват”, “Ҳомийлар ва шифокорлар”, “Ёшлар йили” кабилар деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

Инсонпарварликнинг кўринишларидан бири бу инсонни улуғлашдир. Инсон табиатнинг гултожи. У ҳар қанча мақтовга лойиқ зот саналади. Бу ҳақда Қуръон ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 106-бет.

ҳадисларда, мутафаккирлар ижодида ажойиб, ибратли фикрлар айтилган. Биз бу ўринда «Шарқ Гегели» деган шарафли номга сазовор бўлган файласуф шоир, мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил сўзларини келтириш билан чекланамиз. Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб билади ва бу ҳақда шундай дейди: “Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у мальундир”. Қандай ажойиб фикр! Ушбу фикр ҳар қандай давр учун ҳам адолатли, ардоқли ва олийжанобдир.

Мустақил Республикамиз фуқаролари, хусусан ёшлари руҳиятида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади. Шунинг учун ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш бутун тарбиявий ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Ўз Ватани ва миллатига садоқатли бўлиш-юксак маънавийлик мезони

Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Миллатпарварлик бу ҳар бир инсон учун юксак бурч ва маънавий мезон саналади. Ўз миллатини севмаган инсон ўзини ҳам, ватанини, шу жумладан бошқа миллатни ҳам сева олмайди. Миллатпарварлик ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш ёки камситиш каби (миллатчилик ва шовинизм) жирканч ҳаракатлардан тубдан фарқ қилувчи туйғудир. Миллатпарварлик ўз миллатининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўз тили, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш, кадриятлар ва меросларни кўз қорачиғидай асраш, ўз миллатининг келажаги учун хизмат қилувчи ақл-заковат (интеллектни), салоҳиятни (потенциал) ривожлантириш ва миллий тарбияни амалга ошириш йўлида фидойи бўлишдир.

Миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлган миллатпарварлик туйғусини шакллантиришда яқин ўтмишда миллатимиз манфаатларини кўзлаб миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатган миллатимизнинг содиқ фарзандлари амалга оширган ишларни ташвиқот қилиш катта аҳамиятга эга.

Мустамлакачилик ва шўро тузуми даврларида миллат ва ватаннинг тарихи ва кадр-қимматини тиклаш, миллий онгини ўстириш, маънавиятини юксалтириш учун бел боғлаб курашган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авланий, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев, Шароф Рашидов, Яхё Ғуломов кабиларнинг номлари ватанпарварлик ва миллатпарварликни ўзида ёрқин мужассам этганлигини ёшларга тушунтиришимиз лозим. Улар ватан, миллат тарихи ва тақдиридаги энг оғир дамларда эл, халқ, ватан аҳволини кўриб куйиб ёнганлар, унинг истикболини ўйлаб ҳаракат қилганлар, маънавият ва маърифат зиёсини тарғиб этиб, халқнинг миллий онгини кўтарганлар, обрў-эътибори, ор-номуси, кадр-қиммати, манфаатини ҳимоя қилганлар. Миллатимиз мустақиллиги, Ватан озодлиги учун жон фидо этдилар. Уларнинг фаолияти, қолдирган мероси элим деб, юртим деб, унинг истикболи деб куйиб, ёниб яшашнинг ёрқин намунасидир.

Улардан бири миллатимиз шарафини ҳимоя қилибгина қолмай, уни жаҳон узра кўз-кўз қилишда ўзларини аямадилар. Яна бирлари эса она заминда миллатимиз орасидан улкан кадрлар етишиб чиқишига жонбозлик кўрсатди, бошқа бирлари эса, юртимиздан ташиб кетилган хомашёлар ўрнини тўлғизиш учун марказдан кўпроқ техника, технология, фан ютуқларини, маблағларини олиб келиш йўлида фаоллик кўрсатди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг шўро даврида «миллатчи» деб бадном этилиб қатағон қилинган халқимизнинг миллатпарвар фарзандлари тарихий хотираси қайта тикланди. Президентимиз сўзлари билан айтганда: “Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажақ ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини

абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди.”¹

Ана шу инсоний бурчимизни адо этиш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвасти кўприк деб ном олган жарлик ўрнида Шаҳидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш сифатида нишонланадиган бўлди.

Амалга оширилган ва оширилаётган бундай савобли ишлар халқимиз, айниқса униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидир.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонда ўз муносиб ўрнини топиши, миллатимизнинг кадр-қимматини жойига қўйиш, она заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон, шахс, фуқаро тушунчаларини изоҳланг.
2. Маънавий таҳдид нима. Унинг салбий оқибатларини изоҳланг.
3. Маънавий баркамол инсонни, комил инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш нима учун замона талаби ҳисобланади?
4. И.А.Каримовнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари?
5. Маънавий баркамол деганда қандай инсонни тушунасиз?
6. Комил инсон деганда қандай инсонни тушунасиз?
7. Маънавий баркамол, соғлом авлод, комил инсон тушунчаларидаги муштараклик ва фарқ нимада?
8. Комил инсон ҳақида Шарқ мутафаккирлари фикрларидан намуналар келтиринг.
9. Маънавий баркамол, комил инсоннинг асосий фазилатларига нималар киради?
10. Ватанпарварлик ҳақида ўтмиш мутафаккирлари айтган қандай фикрларни биласиз?
11. Ватанпарварликнинг асосий намоён бўлиш жиҳатларига нималар киради?
12. Нима учун инсонпарварлик ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас қисми деб фахрланамиз?
13. Мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати нималарда кўринади?
14. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарварлик ғоялари баён қилинган моддалардан мисоллардан келтиринг.
15. Миллатимизнинг мустақиллиги учун курашган қандай миллатпарвар фарзандларини биласиз?

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 98-бет.

8-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК, ДАВЛАТ ТИЗИМИГА ҲУРМАТ, ФУҚАРОЛИК БУРЧИГА САДОҚАТ – ШАХС МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИ

Режа:

- 1. Миллий ўзликни англаш ва унинг моҳияти. Миллатлараро тотувлик.**
- 2. Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши.**

1. Миллий ўзликни англаш ва унинг моҳияти. Миллатлараро тотувлик.

Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун маънавий баркамолликнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Чунки, у аввало, ўзининг кимлигини билиб олса, қайси миллатга мансублигини тушуниб етса, авлод, аجدодлари, улардан қолдирилган моддий ва маънавий меросни ўзлаштираётганига тўлақонли шахс даражасига етиши мумкин. Бундай шахслар миллатнинг аксарият кўпчилиқ қисмини ташкил қилсагина ундай миллатнинг истиқболи буюк бўлади. Шунинг билан бирга ўзини чуқур англаб етган, кўзи очилган, ақли расо, ғоявий-сиёсий жиҳатдан уйғонган ва жипслаган халқ ва миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, тили, маданияти, кадриятларини оёқ ости қилиш, бойлиқларини талаб кетиш, ҳуқуқларини поймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш асло мумкин эмас. Чунки ана шундай маънавий-руҳий салоҳиятга эга бўлган миллатнинг ҳар бир вакили ўз миллати манфаатларини ҳар қандай бошқа манфаатлардан устун қўйишга ва ўзининг миллат олдидаги масъулиятини юксак даражада англайди ва унинг истиқболи учун фидойилик кўрсатишга қодирлик даражасига кўтарилади.

Ўз-ўзини англаш бу:

- халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболари, насл-насаби, авлоду-аждодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир.

-Миллий ўзликни англаш – миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч ғайратини ишга солиш демакдир. Миллат мавжуд бўлиши учун тил, ҳудуд ва маънавият асосий шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади. Ўзликни англаш ўз моҳиятига кўра миллат ва элатлар учун хос бўлган маънавият хусусиятларини ифода этиб, ўз функциясига кўра миллий манфаатларни ҳимоя қилади.

Шундай қилиб, ҳар миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойлиқларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш, - деб аталади. Миллий ўзликни англаш миллат бирлигининг мустаҳкамлигини, миллат манфаатларининг, шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаш даражаси билан боғлиқдир.

Миллий ўзликни англаш реал ҳаётда миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори поймол этилганда ёки миллатнинг манфаатларига нисбатан иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлари бошланиб кетган ҳолатларда янада кучли ва яққол намоён бўлади. Бундай ҳолатда, миллатнинг барча вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, қайси даражада бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар ўзаро бирлашиб кетадилар ва миллатнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Миллий ўзликни англаш, миллатнинг тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, ҳудуд ягоналиги, маънавиятдаги ўзига хослигидан иборат белгилари каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил белгиси эканлиги – миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан белгиланади. Зеро “...инсон бурунсиз, қулоқсиз ва оғизсиз яшаши мумкин бўлмаганидек, миллатсиз ҳам яшаши ҳам мумкин эмас. Эҳтимол, у Ватандан йироқда дунёга келар миллат тарбиясини олиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган бўлиши мумкин. Аммо бу унинг Ватансиз ва миллатсиз эканлигини билдирмайди. Чунки, у ўзининг улғайиши ва ўзлигини англаши жараёнида қалби, ички руҳияти, олами билан ўзининг авлод-аждодларини билиб олишга, улар кўним топган Ватанни, уларнинг миллатини қўмсаб яшайди ва унга талпинади. Бу ҳиссиёт ва руҳият унга ота – онасининг қони ва қалби орқали табиий равишда ўтган”.¹ Шу маънода ҳам миллий ўзликни англашга бўлган ҳатти-ҳаракатларнинг юзага келишини ҳам инсон боласига ҳос бўлган маънавий фазилат-деиш мумкин бўлади.

Миллий ўзликни англаш омилининг қудрати қуйидаги шароитларда кўпроқ намоён бўлади:

Биринчидан, агар миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, юқорида қайд этганимиздек, миллатнинг манфаатларига, айниқса, шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ғурури поймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган шароитларда, миллатнинг барча вакиллари бирлашиб кетадилар, ҳатто миллатнинг ичида ўзаро муҳолифатда бўлган томонлар ҳам миллатнинг шаъни, ғурури, обрў-эътиборини ҳимоя қилиш манфаати йўлида бирлашадилар.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш руҳий, ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилidir. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида ва мақсадларини амалга оширишларидаги салоҳияти орқали билиб олиш мумкин бўлади.

Руҳий ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросларнинг “портлаши” миллатнинг характери, хусусиятлари, миллий ғояларни яратувчи, унинг тараққиётида олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Учинчидан, миллий ўзликни англаш омили фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки миллий тараққиёт жараёнида, унинг олдида юзага келадиган ички муаммоларни ҳал қилиш ҳамда миллатни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи вазифани ҳам бажаради. Бу муаммолар мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда содир бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатида, фақат унинг манфаатларини ифодалаб ёки ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки шулар билан бирга унинг абадийлигини таъминлаб турувчи мустаҳкам кўрғон ҳамдир. “Миллий ўзлигини англаш... ўзининг катта салоҳияти билан миллат учун зарур бўлган асосий тизимида етакчи ўринни эгаллайди. У миллатнинг юраги, қалби, томирларида оқадиган қони ва гавдасини тик ушлаб турувчи жонидир. Ўзлигини англашдан тўхтаган ёки ундан маҳрум бўлган ҳар қандай миллат ўлимга маҳкумдир. У ўзга миллатларга “ем” бўлиб, уларга ассимиляция орқали қўшилиб, оқибатда йўқ бўлиб кетади”.² Миллий ўзликни англаш ўзининг ана шу катта салоҳияти билан миллат маънавиятининг ўзагини ҳам ташкил қилади.

Сиёсий маънавияти, миллий онги ривожланган, миллий жиҳатдан ўзини-ўзи англаб етган халқ, миллат мустақилликнинг буюк кучига айланади. Миллатнинг, халқнинг куч-қудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуқлиги, миллий онгни ўсганлиги,

¹ Отамуротов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. Тошкент “Академия”, 2005, 11-бет.

² Садулла Отамуротов, Сарвар Отамуротов. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш (социал-фалсафий таҳлил) Тошкент; Янги аср авлоди, 2003, 28-бет.

миллий ғурури ва ҳиссиёти, миллий уюшганлиги билан белгиланади. Ўзлигини англаган миллатни ҳарбий устунлик билан вақтинча қарам қилиш мумкин, аммо уни батамом қарам қилиб бўлмайди. Ундаги миллий ғурур ҳар қандай шароитда ҳам озодликка чиқиши учун кураш олиб боришга ундайди. Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш миллатнинг энг муҳим белгиси, унинг ривожланиши ва келажагини таъминловчи омили ҳисобланади. Мустақилликни қўлга киритиш ўзбек халқи ҳаётида миллий ўзликни англаш йўлидаги буюк инқилоб ҳисобланади. Чунки чоризм томонидан бу ўлканинг босиб олиниши оқибатида Туркистон халқларининг маънавияти, маърифатига етказилган катта зарарлар ва Россияда амалга оширилган Октябрь тўнтаришидан кейин ўрнатилган шўролар ҳукумати томонидан давом эттирилган зўравонлик сиёсати халқимизнинг ғурурини поймол этишга, унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига салбий таъсир кўрсатган эди. Шўролар даврида ўзбек миллати номи фақат собиқ СССР ҳужжатларида қайд этилса-да, у халқаро ҳаётда мустақил субъект сифатида тан олинмай келинган эди.

Мустақиллик учун кураш, гарчанд чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати даврдан бошланган бўлса ҳам, у шўролар тузуми даврида янада кескин тус олди. Аммо ўзбек халқининг кўзга кўринган миллатпарвар фарзандларининг изчиллик билан босқичма-босқич кириб юборилиши миллий ўзликни англаш жараёнининг оммавий равишда юксалиш имконини бермаган эди. 80-йилларга келиб собиқ СССР иқтисодиётидаги инкироз, унинг сиёсатда халқаро жандармга айланишга интилиши, маънавият ва маърифатдаги қашшоқлашуви, бу тузумнинг миллатларни тараққий эттиришга ноқобиллигини яна бир бор тасдиқлаган эди. Бу жараён собиқ СССР таркибига кирган миллатларнинг мустақилликка интилишини, ўзликни англашнинг зимдан ўсиб боришини тезлаштириб юборди. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида миллатлараро муносабатларда турли низолар ҳамда фожиаларнинг келиб чиқиши миллий ўзликни англашнинг яширин қудрати юзага қалқиб чиққанлигини билдирар эди. Бу қудратли жараён оқибатида “метиндек” мустаҳкам ҳисобланган қудратли СССР давлати ва бутунжаҳон социализм тизими ҳалокатга учради. Собиқ халқлар турмаси ўрнида мустақил давлатлар вужудга келиб, миллатларнинг ўзлигини англашга интилиши кучайиб кетди. Ана шу мураккаб кураш жараёнини ўз бошидан кечирган ўзбек халқи мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ўзининг мустақил миллат мақомини тиклаш учун дадил ҳаракат қилди. Хусусан, мустақиллик йиллари босиб ўтилган тарихан қисқа давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта ишларни амалга оширди. Бу йилларда миллатимизнинг ўзлигини англаши жадал ривожланиб борди. Бу миллий ўзликни англаш жараёнининг юксалиб бориш хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлди:

Биринчидан, собиқ тузум шароитида маънавий-маърифий соҳаларда бу тузумни мадҳ этувчи ишлар зўравонлик ва маккорлик билан қайси шаклда ва усулда амалга оширилмасин, миллатимизнинг дунёқарашини бутунлай ўзгартира олмади. Халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига қайтиш қайфияти ва руҳияти билан яшаб келди. Чунки шўролар тузуми бермоқчи бўлган маънавият ва маърифат, уни шакллантириш миллий маданиятлар ривожланишининг объектив қонунларига асосланмай, балки субъектив кучнинг, яъни коммунистик мафкуранинг зўравонлигига таянган эди. Бундан ташақари, собиқ тузум бермоқчи бўлган маънавият ва маърифат миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва шу асосда бойишга эмас, балки рус миллати маданияти ва маърифатини бошқа “йирик” миллатга сингдиришга қаратилган эди.

Собиқ совет жамияти маданиятининг модели “назарий” жиҳатдан “асосланган” бўлса, аммо у амалда мавҳум тушунча эди (мазмунан социалистик, шаклан миллий). Моҳият жиҳатдан эса ўзбек халқи аجدодлари томонидан асрлар давомида яратилган ва бугунги авлодларга мерос бўлиб ўтган маънавият ва маърифатга мутлақо зид эди.

Мустақилликка эришишимиз билан бундай ҳолатларга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барҳам берилди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки босқичларида миллий ўзликни

англашнинг характерли хусусияти шунда бўлдики, миллий қадриятлардан кўра диний қадриятларни кўтариш устиворликни ташкил қилди. Бунинг объектив сабаби бор эди. Хусусан, ўзбек халқи маънавияти ва маърифати ривожланишининг шўролар тузуми ўрнатилгунича бўлган даври ислом маънавияти ва маърифати билан чамбарчас боғланган бўлиб, у миллатимиз онги ва руҳиятининг муҳим қисмини ташкил қилиб келган. Худди шунинг учун ҳам большевиклар исломга қарши кураш йўли билан миллатни ҳам йўқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва шу сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга интиланлар. Уларнинг бу ҳаракатлари бежиз эмас эди Чунки, президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тарихдан маълумки бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади”.¹ Мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий хотирани ва диний қадриятларни тиклаш миллий тикланишнинг, ўзликни англашнинг муҳим омили сифатида устивор бўлиб келди. У миллий бирликни мустаҳкамлашда ва миллий тараққиётни янги босқичга кўтаришда амалий аҳамият касб этди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида миллий ўзлигимизни англашнинг ўсиши икки йўналишда: а)миллий ва диний қадриятларимизнинг уйғунлиги миллий ўзлигимизни англашнинг асосий манбаи сифатида етакчи аҳамиятга эга бўлди. Ана шу қадриятларнинг ўзлаштирилиши миллатдошларимизнинг қадини кўтарди, ўзини улар ичида муносиб ўринга эга эканлигини билиб олишига кенг имкониятлар яратди.Буюк тарих, улкан маънавий мерос ва аجدодлардан мерос бўлиб келаётган диний қадриятлар мустақиллик шарофати билан миллатимизга ўзининг “мен”лигини намоён этиши учун замин бўлди. Ана шу заминларимиз чуқур ва бой бўлганлиги сабабли ҳам миллатимиз ўзининг маънавий “қиёфасини” тиклаши ва ўзлигини англаши давлатимизнинг бу жараённинг ривожланишига берган эътибори натижасида барқарор кечди; б)Ҳар қандай миллатнинг ўзлигини англаши, фақат ўз доираси билан чекланиб қолиши унга тараққиёт учун имкон бермайди. Шу маънода миллий ўзликни англашнинг иккинчи омили, ҳар бир миллатнинг дунё халқлари эришган ютуқлар ва тажрибаларни қайси даражада самарали фойдалана билиш билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги миллатимизнинг ўзлигини англашида ана шу имкониятдан фойдаланишга ҳам катта эътибор берилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёшлари ўзларининг юксак интеллектуал салоҳиятлари билан дунё халқларининг эришган ютуқлари ва илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ривожлантиришда фаолият кўрсата бошладилар. Ёшларимиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида фан, техника ва технология соҳасида қўлга киритилган энг сўнгги ютуқлардан самарали тарзда фойдаланиш даражасида ўзларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ҳаракат қиладилар ва улар бу ўта мураккаб вазифани бажаришга эришдилар. Бу йўналишда миллий ўзликни англашнинг маъноси шундаки, агар хориждан фан, техника ва технология ютуқларини мамлакатимизга келтириш билан улардан фойдаланишга салоҳияти етадиган фидойи кадрлар, мутахассислар ва интеллектуаллар бўлмаса, уларни хориждан келтириш зарурияти юзага келган бўлур эди. Бу яна мамлакатнинг хорижий мамлакатларга интеллектуал жиҳатдан қарам бўлиб қолишга олиб келиши мумкин эди.

Мамлакатимиз ёшлари ана шундай салбий ҳолатнинг юзага келишини олдини олишда миллатнинг вакиллари сифатида ўзлигини намоёиш этдилар. Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари нафақат жаҳонда қўлга киритилган фан, техника ва технологиялардан самарали фойдаланишда жаҳондаги юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг мутахассислари даражасида фаолият кўрсатмоқдалар, шунинг билан бирга ўз қобилиятлари ва интеллектуал салоҳиятлари билан Ўзбекистоннинг довуғини

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000 й, 11-бет.

жаҳонга ёйишга эришмоқдалар. Бу миллий ўзликни англаш ривожланишнинг мустақил тараққиётимиз давридаги кўрсаткичлардан бирини ташкил қилади. Зеро, ўзбек миллатининг довуғи, унинг ўзлигини намойиш этиши, тенглар ичида тенг ва тараққиётда олдинги сафларда боришга қодир бўлган миллий ўзлигини англаган вакилларининг фидойилик натижасида кенг ёйилиб бормоқда. Бугунги ана шу жараёнда ёшларимизнинг фаол иштирок этишлари амалий аҳамиятга эгадир. Президент айтганидек, “токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баравар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.¹

Демак, миллий ўзликни англош, нафақат ўз заминлари асосида ривожланиш, ўз миллатининг манфаатларини ҳимоя қилиш руҳиятининг мустаҳкамлиги, шунинг билан бирга миллатнинг жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатлари даражасида ривожланиш йўлида фидойилик кўрсатишга интилишга ҳаракат қилувчи вакилларининг салмоғининг ошиб боришида ҳам ўз ифодасини топади. Ўзликни англашнинг кўрсаткичларидан бири бу тараққиётнинг ҳозирги мураккаб шароитида ўз миллатининг ана шу тараққиёт тизимида “мен”лигини намойиш қила билиши билан белгиланади. Миллатимиз ана шу йўналишда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлаётганлиги миллий ўзлигимизни англашнинг ривожланаётганлигини кўрсатиб туриди. Бу ўз навбатида маънавиятимиз ривожига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб бормоқда.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш-маънавийлик мезонидир

Бугун дунёда мавжуд бўлган мамлакатларнинг деярли барчасида ўзининг “титул” миллати билан бирга, бошқа турли миллатлар яшамокдалар. Бир мамлакат миқёсида турли миллатларнинг яшаши бир қатор мураккаб вазиятларни келтириб чиқаради. Чунки, турли миллатларнинг мавжудлиги уларнинг манфаатларининг турли-туманлилигини билдиради. Турли объектив сабаблар ва субъектив омилларнинг мавжудлиги айрим олинган кўп миллатлар яшаётган мамлакатларда ҳар доим ҳам барча миллатларнинг манфаатларини тўлалигича амалга ошириш имконини бермайди. Ана шундай вазият мамлакатларда мамлакатлараро зиддиятларни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида мамлакатнинг барқарор тараққиётига салбий таъсир ўтказади. Бу салбий жараённинг олдини олиш ҳар бир кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда тараққиёт учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Ўз истиқболини ҳар бир маънавияти юксак мамлакат ўз ҳудудида яшаётган турли миллатларнинг барқарор ривожланиши ва уларнинг манфаатларини уйғунлаштиришни ўз сиёсатининг устивор вазифаси сифатида қарайди ва фаолият олиб боради. Бундай фаолият миллатлараро тотувликни таъминлайди ва мамлакатнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Миллатлараро тотувлик деганда кўп миллатлар яшаётган мамлакат ҳудудидаги турли миллат ва элат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликда яшашлари, уларнинг онги ва қалбида ягона Ватан ва туйғуларининг мустаҳкамлиги, унинг истиқболи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш ва фидойилик кўрсатиш руҳиятининг амал қилишини тушуниш мумкин.

Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг асосий омили мамлакат ҳудудида яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, манфаатларни уйғунлаштириш ва ягона мақсад сари ва Ватанни тараққий қилдиришга йўналтириш ҳисобланади. Шуни бугун мамнуният билан таъкидлаш лозимки, миллий ўзликни англаш жадал суръатлар билан ўсиб кетишига қарамасдан, Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролараро низоларнинг бўлмаганлиги, уларнинг олди олинганлиги ўзбек миллати учун вазминлик, бағрикенглик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат кабилар хос бўлган хусусиятлардан саналади. Аслида, 1990 йилларда

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 119-бет.

собиқ СССР тизимида бўлган иттифоқдош республикаларда бўлгани каби парокандалик, таракқиёт йўлининг ноаниқлиги Ўзбекистонда ҳам бўлган эди. Аммо ўзбек халқининг ўзига хос теран ақл-заковати, босиқлик, вазминлик хусусиятлари, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг вазиятни тўғри англаб, шунга мос равишда сиёсат олиб бориши парокандалик йўлига тўсиқ қўйди.

Ўзбеклар ўз атрофида яшаётган бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, ўзбек халқига хос меҳр-оқибат туйғуларини сақлаб қола олганлиги миллий ўзликни англашдаги яна бир хусусият ҳисобланади. Ваҳоланки, мустақилликка эришган айрим республикаларда мустақиллик шарофати олдида довдираб, ўз атрофларида яшаётган, яқиндагина қардошимиз деб юрган миллат вакилларига ҳурматсизлик билан қараш юз берганлиги сир эмас. Ўзбекистонда бундай ҳол юз бермаганлиги, халқимизнинг юксак маънавиятини кўрсатади. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепциясида таъкидланганидек, “миллатлараро ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллат бу- тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушган жамият ҳалокатга юз тутиши муқаррар. XX асрда Европа халқларини асоратга солган ва айрим давлатларнинг таназзулига сабаб бўлган фашизм ғояси бунга яққол мисол бўлади. Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади”.¹

Юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек: «Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз – бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир».²

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро миллатлараро тотувлик, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки, мустақил давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда, ўзбек халқининг ўзлигини қанчалик англаб етганлигига ҳамда мамлакатимиз ҳудудида ўзбеклар ва бошқа миллат, халқ вакиллари билан ёнма-ён истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодларидан қатъий назар, бир-бирининг кўнглини ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига боғлиқ. Ҳозир Ўзбекистонда 136 миллат ва элат вакиллари тинч-фаровон ҳаёт кечирмоқда. Улар ўзбеклар билан бир қаторда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари тиклаш, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларни боғлашга, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиб берилган. Бу эса мамлакатимиз барқарор ривожланишининг кафолатидир.

Хуллас, миллий ўзликни англашни ўстириш йўлида мустақиллик мустаҳкамлашга фидойи бўла оладиган жонкуяр – Ислом Каримов сўзи билан айтганда, “Биз фидойи ватанпарварларни тарбиялашимиз”, “Элим деб, юртим деб яшовчи, шу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган”, “ўзидан сўнг озод ва обод Ватан қолдирадиган” фарзандларни тарбиялашимиз замон ва мустақиллик талаби. Бунга юртимизда яшаётган ҳар бир киши миллатидан қатъий назар масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қариятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш маънавий тарбия ишимизнинг марказида турмоғи лозим.³

Агар биз бугунги миллий ўзлигимизни англаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги вазифаларини талаб даражасида амалга ошира олсак:

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 60-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 9-бет.

³ Қаранг. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди в буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил, 11-бет.

Биринчидан, мустақиллигимизни абадийлаштиришга, озод ва обод Ватан, фаровон ҳаётни қуришга, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлашга, ўзимизнинг жаҳон цивилизациясидаги адолатли ва муносиб ўрнимизни қайта тиклашга эришамиз.

Иккинчидан, миллий ўзлигимизни англашимиз, авлод аждодларимиздан қолдирилган бой меросимизни ўзлаштиришимизга олиб келади. Бу фақат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш вазифалари даражаси билан чегараланиб қолмасдан, балки миллатимиз авлодининг ворислигини таъминлашга имкон беради. Демакки, бу вазифаларни амалга ошириб биз кейинги авлодларимиз олдидаги вазифамизни ҳам адо этган бўламиз.

Учинчидан, миллий ўзлигимизнинг муҳим қирраларидан бири ўзбек миллати билан ёнма-ён яшаётган, шу азиз Ватаннинг фарзандлари бўлган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг миллий маънавиятларини ривожланишига ёрдамлашиш ва ана шу амалий фаолиятимиз мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ташкил этади.

Миллатлараро тотувликни амал қилиши ҳар бир мамлакатдаги титул миллатнинг юксак маънавиятга эга эканлигидан далолат беради. Чунки, титул миллатнинг маънавияти юксак бўлсагина, у ўз атрофидаги бошқа миллат ва элат вакиллари ўз атрофида уйғунлаштиради ҳамда уларнинг эркин тараққий қилиши учун ғамхўрлик қилишга қодир бўлади.

Миллатлараро тотувликда яшаш халқимизга аждодларимиздан қолган улуғ мерос ҳисобланади. Бугунги авлодимиз ана шу меросга содиқ бўлган ҳолда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларида ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлаши йўлидаги фидойилиги маънавиятимизни бойитиб боришимизнинг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқий саводхонлик – маънавий етуклик мезони

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш қуриши, хоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад-ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланиши лозим.

Шу қафолат ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, мустақилликни барқарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Юқорида айтилган қафолат республикамиз конституциясида ўз ифодасини топган. Бу ҳақида президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: “Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг қафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсаимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”, - деб кўрсатган эди.

Олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонга эркин ва фаровон фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин?

Демократик ҳуқуқий давлатнинг бунёдкорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эриша оламиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, сиз каби ёшлар қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти охир оқибатда фожиали тус олиши мумкин. Бунинг яққол мисоли президентнинг юқорида қайд этганимиз нутқида ҳам кўришимиз мумкин: “Модомики мақсадимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, - деб нутқини давом эттирган эди юртбоши, -

авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган ҳатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўлаяпти?” Бу ўринда президент бундай қалтис ҳатти-ҳаракатларга қўл урган кимсаларнинг қонунни билмаслиги, билса ҳам унга менсимасдан қараши, ҳурмат қилмаслигида эканини, уларда ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги, етишмаслигини айтмоқчи.

Шундай экан, табиий равишда **ҳуқуқий маданият нима** деган савол туғилади? **Ҳуқуқий маданият** бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабатлари белгилайди. Шахснинг ички маданияти унинг ташқи одобини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб фаол қатнашади.

Кўпинча кишилар ҳуқуқ, қонун, бурч, адлия каби атамаларни, баъзан тасодифан қонунбузарлик қилиб қонун олдида жавобгарлик ҳолатига тушиб қолганларидагина эслайдилар. Нега қонунга рўпара бўлдинг, деб сўралганида “Бундай бўлишидан хабарим йўқ эди”-деб кўзини мўлтиллашиб, адвокатдан нажот кутиб турадилар. Шунинг халқимиз керакки, қонунни билмаслик ҳеч қачон айбни енгиллаштирамайди. Биз қонунга менсимаслик билан қарасак, уни ўрганмасак, ҳурмат қилмасак шундай ноқулай аҳволга тушиб қоламиз. Қонунни билиш, ҳурмат қилиш жиноятдан, жиноий оламдан йироқ юришнинг бирдан-бир йўлидир. Қонунга ҳармат инсон маданияти ва маънавияти бўлиб қолганда, бундай жамиятни бошқариш ҳам, адолатни қарор топтириш ҳам осон бўлади.

Бунинг учун эса ҳуқуқий саводхонлик юқори даражада бўлиши лозим бўлади. Ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчалари кундалик ҳаёт кўп ишлатилади. Аслида улар бири иккинчисини тўлдирувчи тушунчалар ҳисобланади. Айни пайтда улар ўзига хос маъно-мазмунига эгадирлар. Ҳуқуқий онг ҳар бир фуқаронинг қонунларни билиши бўлса, ҳуқуқий маданият уларни билиш билан бирга ўзининг ҳаётида улардан фойдалана билиши ҳисобланади. Ҳуқуқий саводхонлик эса қонунларни нафақат билиши, шунингдек уларнинг маъно, мазмунини тушуниб етиши, реал ҳаётда қонунларнинг қандай мақсадга йўналтирилганлигини тушуниб етиши ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги қай даражада юқори бўлса, нафақат уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини шу даражада тушуниб етишига, шунинг билан бирга уларнинг жамиятни қонунлар асосида бошқарилишида фаол иштирок қилишига ёрдам беради. Ҳуқуқий саводхонликнинг юқори даражада бўлиши фуқароларнинг тинч-тотув яшаши ва фаолият кўрсатишига, жамиятда барқарорлик мустаҳкам бўлишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Мана шунинг учун ҳам ҳуқуқий саводхонликни юқори даражага кўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоғи керак. Президент ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги вазифа “Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи қа қадриятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор”¹ деб белгилаб берди. Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирмай туриб қонунни менсимайдиган бузғунчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизликлар, кўрқоклар, қотилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мураккаб иш. Бундай қонунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни ҳимоя қилиш зарур. Юртбоши И.А.Каримов сўзи билан

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, 2000, 12-бет.

айтганда: “...давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур...”

Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жами фуқаро – ёшидан, миллатидан, ирқи, динидан қатъий назар – барча баробар бўйсунмоғи фарз. Агар қонун қоғозда келиб кетса, жамият асло равақ топмайди, қонун амалда бўлиши лозим.

Юқоридагиларни бажариш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш адолатли давлатнинг маънавий ва маърифий вазифаси. Бизнинг вазифамиз эса фуқаролар манфаатини кўзловчи қонунларга тўлиқ риоя этишдан иборат.

Қаерда қонунларга итоат қилинмас экан, у ерда адолат бузилади, зўравонлик вужудга келади, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар кучаяди ва охир оқибатда жамият маънавий қашшоқликка гирифтор бўлиб, парокандаликка учрайди. Шунинг учун қонунларга итоат қилиш ҳар бир шахснинг маънавий юксаклик мезони бўлиши билан бир вақтда жамиятнинг барқарор ривожланишининг ҳам асосий шарт ҳисобланади.

2. Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши

Демократия – “Халқ ҳокимияти” демакдир. Демократия кишилиқ тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Инсоният жамияти тараққиётининг ҳар бир янги даврида демократия ҳам янгидан-янги мазмун, моҳият ва шакл касб эта борган.

Демократия жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатларини, аҳоли умумий дунёқарашини ўзида акс эттиради.

Демократия тушунчаси негизида аҳолининг озодлик, ҳурриятга эришиши, эркин яшаши, ҳақиқат ва адолат сингари мазмун ётади. Буюк бобомиз Амир Темурнинг “Куч-адолатда” деган сўзи негизида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, ғоят инсонпарварлик мазмуни ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг барча эркинликлари ҳам мужассамлашган. Юқорида айтилган фикрлар ҳозирги замон демократик ҳаракатлар илғор тажрибасининг ўқ илдизини, бош йўналишини ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимий шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган, ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон озодлиги ва ҳатти-ҳаракатлари эркинлиги таъмин этилган эди. Булар айна демократик жамиятининг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Энди биз бутунлай янги тарихий шароитда яшаймиз. Бундай шароитда демократияни шунчаки “озодлик”, “эркинлик”, “халқ ҳокимияти” сифатида содда равишда тушунмаслигимиз керак. Демократиянинг ҳар бир элементи янгича чуқур мазмун билан бойиб борапти. Чунончи, демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, мурося ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифаларини ҳам қамраб олмақда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сари, уларнинг демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда.

Тоталитар тузумдан эркин фуқаролик тузумига ўтиладиган бир шароитда демократияни англаш, унинг моҳиятини тушуниш ва масъулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Энг аввало, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўз-ўзини тайёрлаб бориши, эркин яшаш ва эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиши зарур. Ҳар бир фуқаро маънавий-руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлиши лозим. Қотиб қолган тушунчалар қобиғини синдириш, фикрсизлик ва танбаллик, боқимандалик руҳиятидан ҳалос бўлиш осон эмас. Биз ҳозир ана шундай мураккаб жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Демократия бир йўла қурилган бино ёки доимий бир хил тарзда ўзгармай турадиган буюм эмас, балки у доимий ҳаракатдаги жонли ҳодисадир. Айна пайтда у

жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини-ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб боровчи тарихий воқеликдир. Қисқаси демократия тажрибага асосланган ва доимо мазмунан бойиб, шаклан такомиллашиб, моҳиятан чуқурлашиб борадиган доимий ва узлуксиз ҳаракатдаги фаолиятдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни олий мақсад қилиб қўйди. Унга эришишнинг ягона йўли эса демократияни чуқурлаштиришдир.

Шуни айтиш керакки, демократик жамиятни барпо этишнинг тамойиллари, дунё тан олган, эътироф этган, барча учун умумий бўлган ўз йўриқлари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради: бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалар. Булар деярли барча мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қатъий белгилаб қўйилган демократиянинг тартиб қоидаларидир.

Демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндошиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун демократияни бирдай жорий қилишнинг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. Мана шундан демократиянинг ғарб ва шарқоналиги ҳақидаги қарашлар юзага келган. Бу ҳақда Республикамиз президенти И.А.Каримов “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди, яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “Ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб айтган. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”¹ - деганида демократияни жорий этишнинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қалби орқали амалга ошириш каби ўзбекона тамойиллари мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда Туркия, Олмония, Франция, Англия каби мамлакатлар бизга ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Тўғри бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Бироқ давлат раҳбари И.А.Каримов бу таклифларга ўзининг аниқ муносабатини билдирди. Бу масалага ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи, руҳиятидан келиб чиқиб ёндошиш зарурлигини айтди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло самара бермайди. Бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Эркинликка ортиқча йўл бериш давлат ва бошқарув аппаратининг бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз хоҳишига қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига оғир кулфатлар келтириши билан яқунланишини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Ғарб демократиясида очикдан-очик муносабат, кескин инқилобий ҳаракат устунлик қилади. Шарқ демократиясида эса аксинча андишалилик, босиқлик; ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда ўзидан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қараш, босиқлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд.

Баъзи одамлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш фақат қоғозда, шунчаки оғзаки гап, амалда фуқароларнинг барча имкониятлари чекланаётир, деб даъво қилмоқдалар. Бу гапни айтганлар нукул Ўзбекистонни Америка, Олмония,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995, 10-11 бетлар.

Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштиришга уринадилар. Бу ўринда бир нарсга эътибор беришимиз талаб этилади. Юқорида қайд этилган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз йил ва ундан ҳам ортиқ йиллар мобайнида, оғир кураш ва синов йўлларида ўтиш орқали вужудга келган. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт мобайнида, кечаги кундан бугунги кунга ўтган куннинг ўзида ғарб давлатларидагидек кенг миқёсли тадбирни амалга оширишни талаб қилиш ақлга сиғмайдиган ҳолат. Одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Шахснинг фақат ўзини ўйлаши, барча ташаббуслар остида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатларини устун қўйиш каби кайфияти – демократиянинг чуқурлашувига тўсқинлик қилади. Боз устига асрлар давомида халқ турмушига айланган кадриятларга ҳам зиддир.

Шундай қилиб содда қилиб айтганда демократияни қуйидагича тушунмоқ керак. Демократия – онгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли, ақл-идроққа таянган муносабат. Демократия – юксак маънавий ва ички маданиятни ошкор этиш маданияти; демократияни англаш шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла амал қилиш, аниқ тартиб-интизомларга таяниб яшаш салоҳияти, демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган барчанинг қонунларга бўйсуниб яшашини ўргатади ва талаб этади. Аксинча бўлган жамиятда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади ва оқибатда бундай жамият ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам президент мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши соҳасидаги хусусиятларини кўрсатиб берар экан, “сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойиллари, гуманизм ғоялари ва умуминсоний кадриятларни қарор топтириш”¹ни муҳим вазифа сифатида белгилаб берди.

Мустақиллик туфайли эркинлик, демократия нималигини ва ўзлигимизни кашф этдик. То маънавий камолотга етмагунча, то ҳатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу идроқ ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократияни мазмуни ҳам кўлами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги, дунёқарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишдан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда давлатимиз, ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб ва узок муддатли жараён билан боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, президент И.А.Каримов “...демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тортиб, кейин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин”,²-деган эди. Шунини ҳисобга олиб, Президент томонидан ишлаб чиқилган жамиятни эркинлаштириш концепциясида демократик жараёнларни чуқурлаштириш сиёсий соҳадаги стратегик вазифа қилиб белгиланган. Шунга биноан миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаси “Жамият ҳаётини демократиялаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг энг асосий йўналишидир”³- деб белгиланди. Демак, ана шу мураккаб жараёнларга ҳар биримиз алоҳида тайёргарлик кўришимиз, ўзимизни демократияга тайёрлаб боришимиз, ички бир маънавий қудрат билан ўзимизни тарбиялаб боришимиз керак.

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000й, 13-14 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий- ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. 10-11 бетлар.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 29-бет.

Демократия ҳақида юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштириб Президентимиз таъбири билан айтганда: "...демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир... ҳуқуқий давлат ва фуқаролик демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиғати, икки қанотидир".¹

Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш, миллатлараро тотувлик, ҳуқуқий саводхонлик, қонунларга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат, демократик қадриятларга содиқлик бир томондан жамият маърифий тараққиёт йўлидан боришини таъминлайдиган омил бўлса, иккинчи томондан шахс маънавий қомиллигини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади. Жамиятда қомиллик мезонига жавоб берадиган кишилар аксарият кўпчилиқни ташкил қилсагина маънавий баркамоллик ва иқтисодий юксалиш эришиш мумкин бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий ўзликни англашнинг моҳиятини изоҳланг.
2. Миллат ва миллий ўзликни англаш муносабатларини қандай тушунасиш?
3. Миллий ўзликни англашни мустақиллик учун курашнинг муҳим омили деб ҳисоблайсизми?
4. "Миллатлараро тотувлик" деганда нимани тушунасиш, унинг маънавият билан қандай алоқаси бор?
5. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади?
6. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатни изоҳланг?
7. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик жамиятимизга нима учун зарур?
8. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни қандай тушунасиш?
9. Демократия тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини изоҳланг.
10. Шарқ ва Ғарб демократиясининг муштарак томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг.
11. Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши ҳақидаги фикрингиз.
12. Демократия ва маънавият ўртасидаги муносабат нималарда ўз ифодасини топган?

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 108- бетлар.